УзССР Давлат китобхонаси
7 Июл 1992

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ. ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 19 ИЮН, № 25 (3181) ЖУМА

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ДАВАНГИР ҚЎШНИ...

Ёки вазирнинг писандаси

Саратон жазирамасида жиққамушт бўлишган икки қўшнини биламан. Улар қўлларида кетмон, даҳана бошида сув талашиб бир-бирларига айтмаган-демаганлари қолмаган. Ўртада сув сарсон, тобора озайиб бораётгани устига на у экинга, на бу экинга етиб боради.

Қўшнилардан бири — савлатидан от ҳуркадиган давангир, етти пуштига етиб ортадиган мулкдор. Шунинг дамида кўнгли тусаган жойда ёнбошлайди, айтгани айтган, дегани деган. Иккинчиси — тирикчилигини бир амаллаб ўтказаётган хокисор деҳқон, нимжоннинг нимжони. Оч қолса қоладики, бировнинг мулкига кўз олайтирмайди, топса еб, топмаса шукур қилади.

Шу икки қўшни саратон жазирамасида даҳанаки жангга киришишди.

Давангир нимжонга:

— Ҳой, ипириски, йўлимдан қоч, бўлмаса бўйнингни сапчадай узиб ташлайман, кўзингни ўйиб оламан, илигингни синдираман, — деди.

— Замон зўрники бўлса узинг, ўйинг, синдиринг, ака — дейди нимжон ҳазин оҳангда. Давангир истеҳзо билан кулади:

— Вой, ўқимаган-ей, бу қовоқ каллангни узишдан, сигир кўзларингни ўйиб ташлашдан осони борми. Бу ишни ҳозироқ қилишим мумкин. Ҳа-ҳа, сип-силлиқ, худди хамирдан қил суғургандай. Аммо чувриндиларинг оҳ-воҳ қилавериб жонимга тегишлари мумкин. Йиғлаган одамни кўрсам иштаҳам бўғилади, бўлмаса...

Қарангки, ўшанда, иштаҳа сабаб даҳана бошида фожиа содир бўлмаган эди...

«Комсомольская правда»нинг шу йил 9 июн сонида эълон қилинган «Уруш ва ташқи ишлар вазирлиги» («Война и МИД») сарлавҳали суҳбатни ўқиб ўша омон қолган нимжон қўшнимизни эсладим.

Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев кейинги икки ой ичида кўпгина мамлакатларда бўлди. Ташқи сиёсат асослари билан боғлиқ қатор ҳужжатларга имзо чекди. Ёш вазирнинг бу елиб-югуришларини бировлар тадбиркорлик, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш қобилияти деб, кимлардир эса Ғарб олдида навбатдаги тиз чўкиш, ён бериш деб баҳоламоқда.

Бизнингча, ҳар иккала томон ҳам ҳақ. Вазирлик Русия манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган ва бу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Аммо Ғарб оҳанглари рус кенгликларида тобора баралла янграётгани ҳам сир эмас.

Андрей Козирев газета мухбирининг шу хусусдаги саволига жавоб қайтарар экан, ташқи сиёсатнинг бош вазифаси — бу энг аввало Россияни мустақил давлат сифатида шакллантириш ва шу аснода уни жаҳоннинг тараққий этган давлатлари сафига қўшиш, Россия ҳудудлари атрофида тинч-тотувлик, яхши қўшничилик ҳолатини юзага келтириш эканлигини таъкидлайди. Бунда у Қўшма Штатларни ҳам, собиқ иттифоқдош жумҳуриятларни ҳам кўзда тутади. Кейингиларига келганда, вазирнинг фикрича, Россия бутун регион учун ўз зиммасига юклатилган тарихий масъулиятини унутмаслиги, бошқа давлатларда яшовчи руслар ва русийзабонларни изчил ҳимоя қилиши зарур.

Шунда мухбир савол беради:

— Россия чиндан ҳам уларни (ташқарида яшовчи рус ва русий забонларни — **ред.**) ҳимоя қилмоқчими? Қандай қилиб? Бу аҳмоқона саволни бераётганимнинг боиси шуки, ҳозирча мен (миллатдошларимизни) ҳимоя қилишга доир бирон-бир хатти-ҳаракатни кўраётганим йўқ.

— Ҳамма гап шунда-да, — дейди вазир. — Қандай қилиб ҳимоя қилайлик? Қурол биланми?.. Рус аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқлари учун урушишнинг иложи йўқ. Негаки, мана, масалан, бирон-бир собиқ иттифоқдош республикани босиб олдик ҳам дейлик. Дарё-дарё қон тўкилади, жумладан, русларнинг ҳам. Хўш, ундан кейин-чи? Миллий-озодлик ҳаракати юзага келади, уруш чўзилади, тинка-мадоримиз қурийди.

Мухбир мақсадни янада ойдинлаштиради:

— Сиз биргина тинчликсевар баёнотлар билан иш битишига ишонасизми?

— Бордию рус аҳолисининг бирон-бир оммасига, айтайлик, бирон-бир мамлакатнинг армияси қарши қўйиладиган бўлса — ҳозирча бундай гап йўқ — унда биз куч ишлатиш йўлига, санкциялар ва ҳоказоларга ўтамиз...

Вазир жанобларининг жавоблари бир қарашда бенуқсондай туюлади. Биринчи бўлиб бошламаймиз, аммо мажбур қилишса, муштимизни кўрсатиб қўямиз, деган гап азалдан бор. Аммо унинг қатларига яширинган мащъум бир писандани англаш қийин эмас. Яъни, ўз таърифларича «бутун бир регион масъулияти тарихан зиммаларига юклатилган» (сўраш мумкин: ким ва қачон юклаган?) бу мамлакат, агар хоҳласа, у ёки бу республикани босиб олиши, дарё-дарё қон тўкиши мумкин экан. Бу қандай гап, ахир? Масъулиятсиз, андишасиз баёнотлари билан донг таратган Жириновский ёки Говорухин эмас, улуғликка даъвоси бор мамлакат раҳбарларидан бири шундай деб турса-я!

Вазир жанобларига эслатиб ўтиш жоизки, собиқ СССР ҳам ўз ташаббуси билан дунёнинг катта бир қисми масъулиятини ўз зиммасига олган эди. Масъулият ҳисси империячилик иштаҳаси билан қоришиб кетди ва оқибатда масъулнинг ўзи ҳароб бўлди. Бу аччиқ сабоқни сезмаслик мумкин эмас.

Собиқ Совет империясининг пойдевори зўғум ва зўравонликка асосланган эди. Шу боис у шафқатсизларча емирилди. Бундай пойдевор устида қуриладиган ҳар қандай иморатнинг ҳам «охири вайронадур».

«СОҲИБҚИРОН ТЕМУР»

янги томоша

Узоқ йиллардан буён таҳқиқлаб келинган Амир Темур мавзусига эътибор кучайди. Қашқадарё вилоят мусиқали драма ва комедия театридан сўнг республикада иккинчи бўлиб, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академия драма театрида жаҳонгир ҳаёти ҳақидаги драма саҳналаштирилди. «Соҳибқирон Темур» деб номланган ушбу асарни Кристофер Марлонинг «Буюк Темурланг» пьесаси оҳанглари асосида Асрор Самад ёзган. Бу икки пардали драмани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев саҳналаштирган. Саҳна безакларини рассом Анатолий Жибоедов ишлаган. Куйларни Нуриддин Ғиёсов басталаган. Маслаҳатчилар драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов ва тарихчи олим Турғун Файзиев. Спектаклни артист Ҳожиакбар Комилов олиб боради.

Спектаклдаги Амир Темур образини Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Теша Мўминов яратган.

Асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Саъдихон Табибуллаев, Пўлат Саидқосимов, Икрома Болтаева, Турғун Хонтўраев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Жамилова, Гавҳар Зокирова, Маҳмуд Исмоилов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Рихсивой Авазов, Салоҳиддин Зиямуҳамедов, Бахтиёр Қосимов, Ҳожиакбар Нурматов, Саидкомил Умаров, Ҳасанбой Юнусов, Тўти Юсупова, артистлардан Беҳзод Муҳаммадкаримов, Пўлат Носиров, Абдусамад Маҳмудов, Фатхулла Масъудов, Сайёра Юнусова, Зуҳра Ашурова, Ғайбулло Ҳожиев, Равшан Жўраев, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Қаҳрамон Абдураҳимов, Жамшид Зокиров, Абдусамад, Маҳмудов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Спектаклнинг жамоатчилик кўргигида қатнашган театршунослар ва олимлар унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапириб, айрим фойдали маслаҳатлар бердилар. Асар яқин кунларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Саратон кирди. Деҳқон қизларнинг иши айни авжида. Халқ ёзувчиси Асқад Мухтор улар ҳузурига ҳормангга келди. Қизларнинг шеър эшитгилари бор...

Содиқ МАҲКАМ сурати

«АМИР ТЕМУР» МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛСА

Мовароуннаҳр ва Хуросонда 136 йил ҳукмронлик қилган Амир Темур ва темурийлар, 332 йил Ҳиндистонни идора этган Бобур ва бобурийлар даври туркий халқлар ҳаётидагина эмас, жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тутади. Амир Темур ва темурийлар яратган нодир асарлар инсониятнинг улкан маънавий обидаси сифатида дунёнинг барча йирик кутубхоналарида, подшоларнинг шахсий хазиналарида сақланмоқда. Амир Темур 1370—1378 йилларда Мовароуннаҳр халқлари ҳаётида феодал тарқоқликка барҳам берди. Мовароуннаҳр ва Хуросон Темур ва темурийлар даврида осуда ҳаёт кечирди. Умуман темурийларнинг жаҳон маданияти равнақидаги ҳиссалари беқиёсдир. Шу сабабли БМТ ва ЮНЕСКОдай мўътабар халқаро ташкилотлар алламаҳаллар тан олган Туркистон фарзанди, бетакрор саркарда, давлат арбоби, улкан шахс Амир Темур номида мустақил Ўзбекистонимизнинг Халқаро мукофоти таъсис этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Темур ва темурийлар даврининг забардардаст тадқиқотчилари, Адолат ва Озодлик посбони бўлган давлат арбоблари шундай юксак нуфузли мукофотга муносиб бўлиши мумкин.

Амир Темур мукофотини республикамиз ЮНЕСКО билан ҳамкорликда таъсис этса айни муддао бўлур эди.

Бўрибой АҲМЕДОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Тўра МИРЗАЕВ, ЎзФА мухбир аъзолари, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндорлари; Насимхон РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори, халқаро Маҳмуд Кошғарий мукофоти совриндори, Муҳаммад АҲМЕДОВ, Муроджон МИРЗАЕВ

АНОЙИЛАР

Тошкентдек азим шаҳарда нима кўп транспорт бекати кўп. Ундан ўтадиган автобуслар эса негадир сийрак. Бетоқат автобус кутаётган йўловчи секин газета варақлайди. «Тошкент транспорти Президент фармонига кўра ягона уюшмага бирлашди», деган хабарга кўзи тушиб суюнади, зора ўзгариш бўлса, деган умидда йўлга тикилади. Ана, узоқдан автобуснинг қораси кўринди. Тўлиб-тошиб келаётган «Икарус» орқа салони қийшайиб, тўхтамасдан ўтиб кетади.

Ҳар куни шу аҳвол. Чипталарнинг нархи беш-ўн тийин бўлганда улар ,ҳарнечук қатнаб турарди. Нарх 30-40 тийинга чиқди-ю, ҳайдовчиларнинг қаноати бузилди. Улар нархни бундан ҳам кўтариш пойгасини бошладилар. Тез орада ҳеч бир жойда қайд этилмаган «Бир сўмлик маршрутлар» очилди. Энди бекатга келиб тўхтаган автобуснинг маршрут белгисига қараб овора бўлманг. Олдинги эшикни ишғол этган уч-тўрт зарбадаст ўсмир «Чиқинг, бир сўмдан» деб марҳамат қилиб туради. Қизиқ, илгари бир киши бошқарган автобусга бунча «ҳожатбарор»нинг нима кераги бор? Ёки улар машина чамбарагини биргалашиб айлантиришадими? «Шуни ҳам тушунмайсизми?» дейди бундай автобусларга анчайин ўрганиб қолган йўловчи. Бири рул бошқаради, бошқаси олдинги эшикда туриб олиб, одамларни биттама-битта туширади. Бир сўмни узатмасдан тушиб бўпсиз? Учинчиси-чи? Униси ё пул санайди, ё ҳар эҳтимолга қарши бир-икки «асаббузар» йўловчига тушунтириб қўяди.

Нимани тушунтиради? Бугунги бозор иқтисоди дейсизми, нарх-навонинг ошганлиги-ю, маош билан яшаб бўлмай қолгани, керосиндан тортиб «запчаст»гача нархи осмонда бўлиб кетгани дейсизми, ҳулласи, йўловчи нимани тан олишни хоҳламаса, шуни «тушунтириб» қўяди. Айрим йўловчилар кўзини лўқ қилиб ё қирқ тийин тўлайди, ё «проездной»ни пеш қилади. Бир сўмини қизғанади. Шунда автобуснинг олдинги эшигини ишғол этган норғул йигитлар йўловчига чойчақа бермаса аҳволи чатоқ бўлишини «культурний» қилиб тушунтириб қўйишади.

Шу чоққа қадар йўловчининг кира ҳақи сон-саноқсиз автобусларни ҳаракатга келтириб турувди. Бироқ энди чиптанинг ҳақи ҳам давлатнинг киссасига эмас, ҳайдовчининг чўнтагига тушса шаҳар транспортини ёлғиз қарору-фармонлар билангина ҳаракатга келтириб бўлармиди?

Ҳайдовчи-ку йўловчига бозор иқтисодини тушунтириб қўяди, лекин бечора йўловчи автобусларга давлат ҳақидан икки-уч баробар ошириб тўлаётганини, топгани йўл ҳақига кетаётганини кимга тушунтиради? Тошкент шаҳар транспорти бошлиқларига дейсизми? Анойилик қилмай қўя қолинг. Улар бу аҳволни сиздан ҳам яхшироқ билишади, била туриб индашмайди. Ахир, ҳайдовчиларнинггина эмас, автокорхоналар мутасаддиларининг ҳам бола-чақаси бор-да. Маршрутларга солиқ солинаётганини ҳам билишади. Нима бўпти, кўпчиликдан оз-оз йиғилгани ҳеч кимга оғирлик қилмайди...

Тошкент шаҳар раҳбарларининг ҳам чамаси бундан ҳабарлари бор-ов. Бўлмаса, шаҳар ҳокимиятининг шундоқ рўпарасидаги бекатда ҳар куни кечқурун бир сўмлик автобуслар саф тортиб туришармиди? Ўз маршрутидан қочган автобуслар ҳайдовчиларининг юрагига балли-ей...

Бу мавзуда газетамизда биринчи ёзишимиз эмас. Тошкент транспортининг раҳбарлари ҳозирча маршрутларни назорат қилишга вақт топишмаяпти. Чунки улар транспорт ишини «такомиллаштириш» билан оворалар. Биз ўз дийдиёмиз билан тағин уларга халақит бериб қўймайлик. Акс ҳолда, эртага хизматга пиёда қатнашга тўғри келадими-ей.

М. АБДУЛЛАЕВ

ИЛМИМИЗ КЕЛАЖАГИ

УзРФАнинг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида ёш адабиётшуносларнинг анъанавий республика конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманни институт директори, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра УзРФА мухбир аъзоси Иззат Султон адабиёт илмининг янги методологияси хусусида маъруза қилди.

Очилиш маросимидан кейин ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижоди, XX аср ўзбек адабиёти, қардош халқлар адабиёти ва таржимашуносник, адабиёт назарияси шўъбаларида анжуман иши давом эттирилди. УзРФА мухбир аъзоси Салоҳиддин Мамажонов, филология фанлари докторлари, профессорлар — Абдуқодир Ҳайитметов, Эрик Каримов, Баҳодир Саримсоқов илмий шўъбаларга раислик қилдилар. Республикамизнинг турли олий ўқув юртларидан, илмий-тадқиқот муассасаларидан келган ёш адабиётшунослар томонидан турли мавзуларда маърузалар ўқилди, мазмунли савол-жавоблар, мунозаралар бўлиб ўтди. Зеро, анжуман давомида ёш адабиётшуносларнинг тадқиқотлари натижалари етук адабиётшунослар томонидан баҳоланди.

Якунловчи умумий мажлисда шўъбалар раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Ислом Ёқубов, Ойбиби Искандарова, Хосият Азимова (Тошкент), Гулчеҳра Имомова (Қарши), Фарида Каримова (Наманган), Р. Ражабова (Хўжанд), Д. Қувватова (Бухоро), Н. Авазов, А. Бобониёзов, Ҳ. Аҳмедов (Тошкент) каби ёш олимларнинг маърузалари энг яхши деб топилди.

Тўлқин РАҲИМОВ

РАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси Кўргазмалар залида таниқли рассом, Ҳамза мукофоти лауреати, профессор Раҳим Аҳмедовнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан кўргазма очилди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси, Маннон Уйғур номидаги Давлат Санъат институти ҳамкорликда ташкил этган. Кўргазмадан рассомнинг турли йилларда яратган турли жанрлардаги энг сара асарлари ўрин олган. 40 йилдан буён тасвирий санъатда маҳорат билан қалам тебратиб келаётган Раҳим Аҳмедов ўзига хос портретлар оламини яратган. Унинг ҳар бир асарини томоша қилганингизда албатта янги ранглар дунёсига ошно бўласиз. Рассом тасвирлаган манзара қалбингиздан ўрин олади. Кўргазма Р. Аҳмедовнинг ўзига хос бетакрор санъаткорлигини исботлайди.

СУРАТДА: «Лолалар» ва «Она» асарлари ҳам кўргазмадан ўрин олган.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

«АМУДАРЁ—92» ИЛМИЙ САФАРИ

ЭКОЛОГИЯ ОЙНАСИ

Шу ойнинг охирида қўҳна Жайҳун бўйлаб янги илмий экология экспедицияси йўлга чиқмоқда. Ана шу илмий сафар раҳбари, Оролни асраш қўмитаси раиси П. ШЕРМУҲАМЕДОВ экспедициянинг мақсад ва вазифалари хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Яқинда Бразилиянинг пойтахти Рио-де Жанейро шаҳрида жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экология анжумани ўз ишини якунлаганидан кўпчиликнинг хабари бор. Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг давлат бошлиқлари иштирок этган бу нуфузли халқаро анжуман планетамиз тақдири экологик хавф остида қолганини яна бир бор эътироф этиб, барча мамлакатларни тепамизда қиличдек осилиб турган экологик қиёматдан халос бўлиш учун кучларни бирлаштиришга чақирди. Унда Орол денгизи тақдири ва Ўрта Осиёдаги экологик бўҳронлар тўғрисида ҳам ташвишли гаплар айтилди.

Гарчи, бизнинг уч-тўрт йил аввал Орол тақдири хусусида бошлаган саъй-ҳаракатларимиз денгизни асраб қолиш учун ҳал қилувчи қадамлар қўйилишига олиб келмаган бўлсада, Орол бўйида яшовчи халқларнинг нидосини бутун жаҳон эшитди. Оролбўйи аҳолисига, соғлиги шикаста аёллар ва болаларга жаҳон ташкилотлари томонидан зарур тиббий ёрдамлар кўрсатила бошланди.

Бизнинг «Амударё-92» илмий ҳайрия сафаримиз эса шу йўлдаги навбатдаги қадам, навбатдаги хушёрликка чорловдан биридир. Маълумки, бугунги кунда Амударё суви зовур сувлари билан ифлосланиб исроф бўлмоқда. Обиҳаётдан оқилона фойдалана билмаслик туфайли зовурлардаги заҳар сувлар унумдор ерларни ботқоққа, шўр кўлларга айлантириб юбормоқда. Бундан ҳам ёмони эса ана шу кимёвий заҳарларга тўйинган ифлос сувлар дуч келган жойда Амударёга қуюлиб, ундан сув ичадиган 3 миллиондан ортиқ аҳолининг соғлигига раҳна солмоқда.

1—12 июл кунлари биз экспедицияда иштирок этувчи мутахассислар ёрдамида дарёни оқава сувлар билан булғовчи манбаларни аниқлаймиз. Бундай манбаларга мутасадди бўлган ташкилотлар билан бевосита мулоқот олиб бориб, экологик нотозаликнинг олдини олиш йўллари ҳақида фикрлашамиз. Экспедиция Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон ҳудудидаги сув иншоотларини кўздан кечиради. Илмий сафарда мутахассислардан ташқари жамоатчилик вакиллари, журналистлар, санъаткорлар ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам кўрсатиш жамғармаси томонидан экспедиция давомида хайрия тадбирлари ҳам ўтказилади. Жойларда экология мавзуида учрашувлар, суҳбатлар уюштириш ниятимиз ҳам бор. 12 июл куни эса Мўйноқда экспедиция якунларига бағишлаб илмий анжуман бўлади, Сафар давомида аниқланган барча маълумотлар, экспедиция хулосалари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳукуматларига топширилади.

КИНОФЕСТИВАЛ ҲОЗИРЛИГИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали Тошкент-92

Узоқ йиллар анъанага айланган Тошкент Халқаро Кинофестивалини ўтказиш маълум сабабларга кўра тўхтаб қолган эди. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси ҳамкорликда ана шу фестивални давом эттиришни лозим топди. Навбатдаги Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивали 8—15 октябр кунлари бўлиб ўтади. Фестивалга Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси ҳомийлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси раиси, фестивал бош директори Хайрулла Жўраев, Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқаруви раиси, фестивал президенти Малик Қаюмов, Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси Ўзбекистон бўлими вакили Алишер Халилов қатнашиб, йиғилган журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

16 июн куни республика Киночилар уйида фестивал ташкилий қўмитасининг Матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни фестивал матбуот маркази раҳбари Анвар Жўрабоев олиб борди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси раиси, фестивал бош директори Хайрулла Жўраев, Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқаруви раиси, фестивал президенти Малик Қаюмов, Маданият ва умуминсоний

ШАРҚДАГИ СИЁСАТИМИЗ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 1990 йилдан нашр эта бошлаган «Шарқшунослик» солномасининг иккинчи сони нашрдан чиқди. Унда шарқшунослигимизнинг ўн асрдан ортиқ тарихига доир масалалар қамраб олинган.

Маълумки, Ўзбекистонда шарқшунослик фани узоқ ўтмишга эга. Ўрта Осиё маданияти математик олим Муҳаммад Мусо Хоразмий, астроном Аҳмад Фарғоний, Улуғбек, файласуф Абу Носир Форобий, қомусчилар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тилшунос, филолог олимлар Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби ўрта асрнинг машҳур ва маъруф олимлари ақлига озуқа, зеҳнига сайқал берган. Уларнинг илмий асарлари ва Абу Ҳасан Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк мутафаккирлар, нозим ва носирларнинг бебаҳо, маънавий хазинаси бизга мерос бўлиб қолган. Шу билан бир қаторда, Эрон ва Афғонистон, Ҳиндистон ва Кошғар, араб мамлакатлари, Туркия ва Волгабўйи диёрлари билан турли жабҳаларда олиб борилган алоқалар натижасида Ўрта Осиёга кўплаб қўлёзма китоблар келиб тушган, буюк зотлар қўли билан битилган ёки кўчирилган адабий, тарихий, илмий асарлар, китобат санъатининг нодир ёдгорликлари йиғилган. Араб, форс, туркий тилларда, пушту ва ҳиндийда ёзилган нодир қўлёзма асарлар масжид ва мадрасаларда, кутубхона ва музейларда ҳамда китобсеварлар томонидан эҳтиётлаб келинган. Ҳозир улар асосан ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида, Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида, қисман Самарқанд давлат дорулфунунида, Бухоро ўлкашунослик музейида, давлат марказий архивида, Мовароуннаҳр мусулмонларининг Диний бошқармасида сақланмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси жумҳуриятимиздаги шарқ қўлёзмаларининг асосий манбаи бўлиб, у дунёдаги машҳур қўлёзма хазиналаридан бири сифатида маълум. Институтда 40 минг асарни ўз ичига олган 18 минг жилд қўлёзма, Ўрта Осиё хонликларининг бир неча ўн минг ҳужжатлари, XIV—XX асрларга оид вақфномалар, ёрлиқлар, 30 мингдан ортиқ тошбосма асарлар мавжуд. Бу мислсиз маънавий бойлик Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари тарихи, адабиёти, ижтимоий фикри, маданияти тарихининг минг йиллик даврини ўрганиш учун асос бўлади. Институт олимлари қўлёзмаларни йиғиш, саралаш, тартибга солишдан ташқари уларни чуқур ва ҳар томонлама илмий текшириш, ҳозирги замон тилларига таржима қилиш ва нашр этиш билан ҳам шуғулланадилар.

«Шарқшунослик» солномаси олимлар олиб бораётган илмий изланишлар натижаларини ўз вақтида чоп этиш масаласини муайян даражада ҳал этишга хизмат қилади. Унинг иккинчи сонида институт илмий ходимларининг манбашунослик, ҳужжатларни ўрганиш, маданий алоқалар тарихи ва замонавий масалалар бўйича олиб бораётган илмий изланишларидан намуналар ва маълумотлар берилган. Жумладан, Хоразмий ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши, Имом Исмоил ал-Бухорий, Ибн Сино, X асрда яшаб ижод қилган эронлик арабнавис шоирлар ижоди ҳақидаги, «Қутадғу билиг»нинг Тошкент нусхасига, Ўрта аср мусулмон Шарқида ер катталигини аниқлаш масаласига доир мақолалар ўрин олган. Қўлёзма манбаларни ўрганиш асосида ёзилган бир қатор мақолалар буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий даврида гуллаб яшнаган адабиёт ва маданият намуналари таҳлилига бағишланган.

Бироқ солноманинг ҳозирги замон масалаларига бағишланган қисми хорижий Шарқда содир бўлаётган тарихий, сиёсий маданий жараёнларни етарли даражада қамраб ололмаган.

Эндиликда жумҳуриятимиз истиқлолга эришиб, мустақил тараққиёт йўлига кираётган янги даврда хорижий Шарқ мамлакатларининг замонавий муаммоларини ўрганиш ишини жонлантириш, унга янгича руҳ бағишлаш талаб қилинади.

Қўшни Шарқ мамлакатларида ҳозир юз бераётган воқеалар ушбу минтақада 50-йилларда, «миллий уйғониш» даврида содир бўлган тарихий жараёнлардан мураккаброқдир. Шу муносабат билан Эрон, Афғонистон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар, уларнинг тараққиёт анъаналари, Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатлар билан алоқалари истиқболлари каби масалаларни ўрганиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қўшни мамлакатлардаги ғоявий курашлар, ички ва ташқи муаммолар, тараққиёт йўли, мусулмон давлатлари сиёсатида исломнинг ўрни ва мавқеи, Туркия давлати эришган ютуқларнинг сир-асрорларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг хорижий Шарқ давлатлари билан алоқаларининг имкон ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг истиқболига назар ташлаш ва илмий ташхислар қўйиш фурсати етди.

Ўқувчиларни шарқшунослик фани соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан таништириш, шарқшунослик билимларини оммалаштиришда «Шарқшунослик» солномасининг аҳамияти шубҳасиз беқиёсдир. Юқорида тилга олинган масалалар кўпроқ ёритилса, баъзи жиддий камчиликлар бартараф этилса, солноманинг илмий қиймати ва амалий аҳамияти янада ортар эди.

С. АЗИМЖОНОВА,
тарих фанлари доктори, ЎзФА мухбир аъзоси,
Д. ВАЛИЕВА,
тарих фанлари номзоди

РЕДАКЦИЯДАН:
Ушбу мақола саҳифаланаётганда таниқли олима Сабоҳат Азимжоновага Ҳиндистоннинг Жавоҳирлаъл Неру халқаро мукофоти берилганлиги ҳақида хушхабар келди. Узоқ йиллардан буён Ҳиндистон — Ўзбекистон маданий алоқалари тарихи билан шуғулланиб келаётган муҳтарама олимамизни чин дилдан қутлаймиз!

ТУРКИЯДА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика ўқув-методика марказида «Туркияда миллий таълим» кўргазмаси очилди. Мустафо Камол Отатуркнинг инқилобий принциплари асосида шаклланган Туркия таълим тизимлари аввало моҳиятан миллий қиёфаси билан диққатни тортади. Шунга кўра у миллат ва жумҳурият манфаатларидан келиб чиққанлиги, инсон лаёқати асосига қурилганлиги, фанга таяниши, ҳуқуқлилик бош йўналиш қилиб олинганлиги билан ажралиб туради. Кўргазманинг расмий очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Туркия халқ таълими бошқонлигининг Ўзбекистондаги вакили, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги турк хусусий мактаблари бош директори Меҳмет Четинқоя турк миллий мактабининг ана шу хусусиятлари ҳақида сўзладилар.

Кўргазмада намойиш этилаётган китоб ва дастурлар, қўлланмалар, изоҳли суратлар ва бошқа манбалар билан танишиб, турк миллий таълимининг тарихи ва бугунги куни ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Лицейлар, вақф мактаблари, диний ва ҳунар мактабларда истеъдод тарбияси асосий вазифа қилиб қўйилган.

Кўргазма муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев таъкидлаб ўтганидек, турклар «Таълим тизимида бизнинг бир қанотимиз дин, яна бир қанотимиз эса илм», дейишади. Шу боис турк миллий мактабининг савияси юксакдир. Яна бир муҳим жиҳат шуки, у ерда ўқитувчининг обрў-эътибори баланд. Барча шаҳарларда меҳмонхоналардан қолишмайдиган даражадаги ўқитувчилар уйлари мавжуд. Муаллим қайси шаҳарга бормасин бошпанасиз қолмайди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш қўмиталари ишлаб турибди. Ҳатто Туркия Халқ таълими вазири ойига бир марта энг ақлли ва илмли ўқувчилардан тузилган ўзининг махсус маслаҳатчилари билан фикрлашиб оладди. Ҳеч бир муаммо вазир кўзидан ниҳон бўлиб қолмайди.

Анатолия мактаблари ўқувчилари эса турк тили билан бирга хорижий тилларда ҳам турли фанлардан сабоқ оладилар. Улар лицейларни битиргач, дунёнинг истаган мамлакатига бориб ўқиши мумкин. Эндиликда турк мактабларида жаҳон тиллари қатори ўзбек тилини ўрганишга ҳам қизиқиш ортмоқда. Кўпгина жойларда уни ўқитиш йўлга қўйилган. Ҳозир республикамизнинг бир гуруҳ ўқувчи ва ўқитувчилари ҳам Туркияда сабоқ олгани ва малака оширгани боришга тайёргарлик кўрмоқда. Кўпгина лицейлар эса Ўзбекистондаги мактаблар билан бу йўлда ҳамкорлик ўрнатишга тайёрдир.

Жаноб Меҳмет Четинқоя билан суҳбатимизда у республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Нукус шаҳарларида турк хусусий мактаблари очилганини айтди. Бу мактабларга 5—6 ва 8—9 синфларни битирган ўқувчилар махсус тестлар асосида имтиҳон топширгандан сўнг қабул қилинади. Дастлабки йилги ўқиш бепул. Йил давомида хусусий мактаб ўқувчилари туркча ва инглизчани ўрганадилар, сўнгра математика, физика, химия, биология, инглиз тили, турк тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон халқлари тарихи, Ўзбекистон миллий жўғрофияси, мусиқа, расм ва бадантарбиядан сабоқ оладилар. Турк миллий таълими тизимлари асосида мактабни битирган бу ёшлар дунёнинг истаган мамлакатига бориб ўқиши мумкин бўлади.

ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

ҲУРРИЯТ ВА МИЛЛИЙ ЭСТЕТИКА

Маҳмуджон НУРМАТОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

УМУМБАШАРИЙ ВА МИЛЛИЙ тараққиётнинг илк даврлариданоқ мутафаккирлар ва машойихларга бир илмий ҳақиқат аён эди: эстетика, яъни илми нафосат ҳуррият билан, мустақиллик ва эркин ижод билан эгизак ва ҳамнафасдир. Бироқ Октябр инқилобининг дастлабки даврларида нафосат илми жуда секин ривожланди. Чунки ҳукмрон тузум ва ҳоким таълимот ҳурриятпарвар эстетикани зимдан таъқиб қилар, унинг равнаки йўлларига турли тўсиқлар ташлаган эди. Масалан, ҳозирги Тошкент давлат дорулфунунида 1920 ва 1921 ўқув йилида етти факультетдан фақат иккитаси, яъни тарих-филология факультети ва ижтимоий-иқтисодий факультет инсонпарвар эстетикага яқин бўлиб, уларнинг биринчиси 1921 йилдаёқ, иккинчиси 1924 йили халқ хўжалиги учун зарур бўлмаган факультет сифатида тугатилган эди.

Миллий эстетика миллий эркинлик ва миллий мустақилликнинг муқаддас ақидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунданми, ТошДДнинг эстетикага яқин бўлган факультетлари ташкил этилгани ҳамоно уларга миллий мутахассислар эмас, номиллий олимлар раҳбар этиб тайинланар эди. Чунончи, 1942 йилда тарих факультетининг декани доцент И. Додонов, филология факультети декани профессор А. Красноусов, санъатшунослик кафедраси деканы профессор В. Зуммер, 1944 йилда ташкил этилган фалсафа кафедраси мудири профессор Н. Мирошхина эди. 1979 йилда ўзбеклар учун тузилган фалсафа-иқтисод факультетига 1985—1990 йиллар давомида ўзбек тилини, ўзбек фалсафасини ва ўзбек эстетикасини билмайдиган профессор К. Иванова деканлик қилди. Шу давр мобайнида у ҳамма чораларни ишга солиб, ўзбек миллий эстетикасига қарши курашди, ўзбек талабаларининг этика ва эстетика муаммоларини тадқиқ этиш ҳуқуқини менсимади. Фақат миллий қиёфаси ноаниқ ва мавҳум бўлган табиат фалсафаси Ўзбекистонда кенг илдиз отиши учун фидойилик кўрсатди.

Эндиликда дорулфунун раҳбарияти фалсафа факультети таркибида этика ва эстетикага доир мутахассислар тайёрлайдиган махсус ўқув бўлими очишни режалаштираётганлиги қувончли ҳолдир.

Умумдорулфунун этика ва эстетика кафедраси роса беш йиллик кескин курашлардан кейин — 1989 йилда ташкил топди. Шундан бери дорулфунунининг ҳамма табиий ва ижтимоий факультетларида эстетика ва этика ўқитилмоқда.

Хуллас, Октябргача ҳам, ундан кейин ҳам ҳуррият учун кураш давом этиб келди. Бу курашлар халқнинг эстетик онгида, давр эстетикасида ўзининг муайян ифодасини топди. Мустақиллигимиз аслида асрлар давомида халқимиз олиб борган ижтимоий, сиёсий, эстетик, фалсафий ва ҳуқуқий курашларнинг тарихий самарасидир. Бу тетапоя мустақиллик бўлажак халқ ҳуррийтининг биринчи нурафшон машъалидир. Бу машъал тасодифий бир зарба билан сўниб қолмаслиги ва оҳиста ҳуррият қуёшига айланиши учун унинг ўз тили, ўз эстетикаси, ўз этикаси, ўз фалсафаси, ўз хазинаси, ўз ҳарбий қудрати ва ҳоказолар бўлиши зарур.

Маълумки, мезон муаммоси умуман фан ва маданиятда, жумладан эстетика, бадиий муноқидчилик ва бадиий ижодда ҳақиқатни ёлғондан, табиийликни сохталикдан, тўғриликни ҳатоликдан фарқлай олиш муаммосидир. Турлича фикрлаш, турли фикрлилик (плюрализм), ҳур фикрлилик, эркин фикр юритиш авж олган ҳозирги даврда эстетик эҳтиёжлар ва эстетик ҳақиқатларни тўғри пайқаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Муайян фалсафий, эстетик ва ахлоқий мезонларга таянилмаган тақдирда, ҳар бир хато ва жўн фикр соҳиби, ҳар бир чаласавод ўзини Афлотун ёки Арасту деб, ҳисоблашга йўл топиши мумкин. Чунки мезон билан ҳамма ҳам ҳисоблашавермайди; зотан, ҳар бир одам ҳам мезон билан иш тутишга руҳан қодир бўлавермайди. Бунинг бир боиси шундаки, мезон инсонга, шахсга, субъектга бўйсунмайди. Буюк диалектик файласуф Хегелнинг фикрича, «... мезон баҳоловчидан қанчалик мустақил бўлса, баҳоланувчидан ҳам шунчалик мустақил бўлиб, ...ишнинг ўз моҳияти тимсолидан келиб чиқади».

Бошқачароқ айтсак, илмий ҳақиқатларни билиб олиш ва тадқиқ этиш, яъни назарий фаолиятнинг ўзи бевосита амалий вазифадир: зеро, билиш, жумладан, эстетик билиш, ижтимоий амалиёт бағрида, амалий тажрибалар негизида, амалий фаолият тарозисида рўёбга чиқади. Худди шу маънода эстетик назария кенг ва ялпи эстетик моҳиятнинг тимсолидир.

Нафосатшунослик категорияларидан бири бўлмиш эстетик эҳтиёжлар умуминсоний ва миллий эҳтиёжларнинг муҳим бир томони бўлиб моддий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида намоён бўла олади.

Эстетик маданият ва эстетик муносабат, эстетик фаолият ва эстетик ижод, эстетик онг ва эстетик идеал, эстетик дид ва эстетик баҳо каби катор тушунча ва категорияларни эстетик эҳтиёж деган тушунча ёрдамисиз тўғри ва тўлиқ тушунтириб бўлмайди; умумбашарийлик, кўпқирралилик, яхлитлик, беғаразлик, миллийлик ва байналмиллалик ҳозирги инқилобий миллий ҳуррият даврида бутун жаҳон миқёсида ҳам, хусусан, жумҳуриятимизда ҳам эстетик эҳтиёжларнинг муштарак тамойилларидир.

ШУНДАЙ ЭКАН, УЛКАН ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ва янгиланиш жараёнига қўлланма бўла оладиган назарий эстетиканинг ҳозирги тараққиёт даражаси ва ҳолати қандай? Жумҳуриятимизда эстетика фанининг мавжуд ривожланиш даражаси бугунги миллий-инқилобий тараққиёт талабларига тўлиқ жавоб бера оладими? Ёки эстетика фанининг ўзини ҳам қайта қуриш зарурми? Дарвоқе, эстетика ва эстетик тарбия назариясини ҳам, умуман демократия, хусусан, миллий равнақ нуқтаи назаридан, жумладан, Ўзбекистон жумҳуриятида миллий ва умумбашарий фазилатлар диалектикаси талабларига кўра, янгилаш ва такомиллаштириш зарур экан, биринчи навбатда турган долзарб муаммолар ва ҳаётий-маънавий вазифалар нималардан иборат?

Аввало бу фанни ўқитишни ҳамма билимгоҳларда жорий этиш ва такомиллаштириш, халқимизни умумбашарий маънавият хазинаси, эстетик маърифат билан ошно этиш, эстетик назария, эстетик ижод, эстетик тарбия ва эстетик равнақ демократиясига кенг йўл очиб бериш жумҳуриятимизда ҳозирги эстетик эҳтиёжнинг асосий муаммолари ва амалий вазифаларидандир. Хўш, бу долзарб вазифаларни жумҳуриятимизда ҳал этиш учун даставвал нималар қилиш керак? Бунинг учун, бизнинг назаримизда, қуйидаги вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш лозим:

1. Жумҳуриятимиз халқ таълими тизимида биринчи синфдан бошлаб, токи ўнинчи синфгача ҳамма ўрта мактабларда этика (ахлоқнома) ва эстетика (нафосатнома) ўқитишни жорий этиш. 2. Барча турдаги билим юртларида, техникумларда ва ҳамма олий билимгоҳларда эстетика ўқитишни янги босқичга кўтариш. 3. Нашриётларда этика ва эстетикага доир янги дарсликлар, қўлланмалар, методик маслаҳатлар, тадқиқотлар нашр этиш миллий эстетик равнақ талабидир. 4. Меҳнаткашларни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш жараёнини ривожлантиришда матбуотдан баракалироқ фойдаланиш ниятида ҳар бир рўзнома ва ойномада нафосат ва гўзалликка доир рукнлар бўлиши чинакам халқчил ва эркпарвар матбуот эстетикаси ривожининг муҳим талабларидандир. 5. Мутасадди ташкилотларда, маориф ва маданият шохобчаларида, ижодий уюшмаларда, ёшлар ва талабалар жамоаларида, адабиёт ва санъат уюшмаларида эстетика ва нафосат тарбиясига доир суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар, кенгашлар, баҳслар, мусобақалар (олимпиадалар) ташкил этиш бизнинг миллий-эстетик равнақимизга баракали таъсир этган бўлур эди.

Модомики, нафосат равнақи умуммиллий маданий равнақнинг бир муҳим йўналиши экан, яъни ўзбек миллатининг умумназарий ва умумфалсафий камолотини эстетик равнақсиз тасаввур этиб бўлмас экан, бу соҳада бизнинг энг биринчи ва энг муҳим эҳтиёжимиз нимадан иборат?! Ҳамма бор имкониятни ишга солиб, жамики йўл ва усуллардан самарали фойдаланган ҳолда, эстетик маърифат тарғиботини тобора такомиллаштириш, эстетик назарияни жадал суръатлар билан юксалтириш, халқ маорифи ва олий таълимнинг барча шохобчаларида эстетика ўқитишни ва нафосат тарбиясини изчил амалга ошириш — ҳозирги умуммиллий эстетик эҳтиёжларимиз ана шулардан иборатдир. Зеро, ҳозирда бутун дунёда қарор топган ижтимоий-миллий равнақ меҳонининг бир ҳаётий ақидаси шундаки, этика ва эстетикаси бўлмаган миллат маънавий-руҳий нуқтаи назардан ночор ва қолоқ, камбағал ва қашшоқ миллатдир.

Шу жиҳатдан яқиндагина ТошДДда, бизнинг этика ва эстетика кафедрамизда бўлиб ўтган бир баҳс алоҳида эътиборга лойиқдир. Ахлоқнома тарихидан талабаларга мўлжалланган бир ваъз матнини муҳокама этиш давомида, унда Овруполмарказчилик қусурига йўл қўйилганини муаллифга ошкора айтдик. Бу назарияга кўра умумбашарий тараққиётнинг маркази ва асосий макони Овруподир, деб тушунтирилади. Осиё, Америка, Африка каби қитъалар ё бутунлай унутилади ёки уларга фанда, масалан, илми ахлоқ ва илми нафосатда қолоқроқ, яъни иккинчи ёки учинчи даражали ўрин ажратиб берилади.

Ахлоқномага доир ваъз матнини ёзиб келган касбдошимиз худди шу нуқсонга йўл қўйибди. Ўзбекистоннинг эстетик ва ахлоқий тафаккури тарихидан бирорта ҳам мисол келтирмабди. Бу камчиликни биз танқид этганимизда, муаллиф ўзбек халқининг нафосатномаси ва ахлоқномаси тарихидан билими кам ёки билими бутунлай йўқ эканлигини эътироф этиш ўрнига: «Сизларда, Шарқда этика ва эстетика йўқ дейишади-ку?!» — деган номақбул ва номуносиб сўзларни назокат билан айтишга журъат этди. Биз бу хил нуқтаи назар ҳам Овруполмарказчилигидан бошқа нарса эмаслигини, Ўрта Осиё халқларининг бой қадимий ахлоқий ва эстетик маданияти борлигини тушунтирдик. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини, «Бобурнома», «Қобуснома», Ғаззолий асарлари сингари рус тилида ҳам чоп этилган машҳур рисолаларни ҳамкасбимизга эслатдик.

Шунга қарамай, бу ўринда ҳозирги ўзбек файласуфлари ва нафосатшунос мутахассислари, мунаққидлари ва санъаткорлари билан боғлиқ бўлган муҳим бир камчиликни эътироф этиб қўйиш жоиздир; гап шундаки, бизда жуда бой миллий эстетик ва ахлоқий фикрлар тарихи бор бўлса-да, улар ҳануз ҳозирги илмий ижод шаклларида, кўп жилдли ўзбек миллий этикаси ва эстетикаси тарихи сифатида, кўплаб салмоқли илмий тадқиқотлар сифатида ёзиб, нашр этилганича йўқ! Аввалари жумҳуриятимизнинг раҳбарлари, жумладан, миллий-фалсафий тараққиётимизга мутасадди бўлган саркорларимиз бу муаммога махсус эътибор бермай келганликлари туфайли шундай турғунликка юз тутдик. Худди шу боисдан ҳам қисман ўринли маломатларга дучор бўлаётирмиз.

Афсуслар бўлсинки, ҳозиргача бизнинг жумҳуриятимизда этика ва эстетика бўйича ҳатто илмий номзодликни ҳимоя қилишга ҳуқуқи бўлган махсус илмий кенгаш ҳам тузилмаган. Бу Тошкент давлат дорулфунуни фалсафа факультетида кейинги ўн йиллик тарих давомида ишбоши бўлган собиқ раҳбарлар ахлоқнома ва нафосатнома фанларидан мутахассис кадрлар етиштиришга қаттиқ қаршилик кўрсатиб келганликлари, бу фанларга доир махсус илмий кенгаш тузиш шартлари ва ҳуқуқларининг жилови Москвада бўлганлигининг оқибатидир.

Гап шундаки, қайта-қайта танқид қилиб туришимизга қарамай, фалсафа факультетининг собиқ раҳбарлари ҳатто талабаларнинг этика ва эстетикадан диплом иши ёзиш ҳуқуқларини ҳам атайин бўғиб келдилар. Шу боисдан кейинги саккиз йиллик миллий-маданий тарих даврида ТошДДнинг фалсафа-иқтисод факультетида ўзига хос эстетик турғунлик қарор топди.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ШАБАДАСИ ЭСА БОШЛАГАН даврга келиб, яъни 1991 йил 16 январда «Халқ сўзи» рўзномасида «Декан қандай бўлиши керак» сарлавҳали мақола чоп этилди. Муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган бу мақолада ўзбек дорулфунунининг бутун жумҳуриятимиз учун ягона бўлган фалсафа факультетида миллий нафосатнома ва ахлоқнома соҳаларида ёш миллий мутахассислар тарбиялаб етиштириш борасида бизлар амалга ошираётган саъй-ҳаракатларга декан К. Иванова қандай қаршиликлар қилаётганлиги очиб ташланди. Ниҳоят декан қайта сайлов маҳалида ўз ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлди. Факультет иккига: фалсафа ва иқтисод куллиётларига бўлинди. Эндиликда ТошДДнинг фалсафа факультетида, бошқа табиий ва ижтимоий факультетларда ҳам талабаларга ихтиёрийлик асосида этика ва эстетикадан диплом ишлари ёзишга рухсат этилди. Тошкент давлат дорулфунунининг ижтимоий кафедралари илмий кенгаши яқинда ана шундай эстетик ижод низомини маъқуллади.

Умуммиллий эстетик тараққиётимизнинг ҳозирги даражасини шундан ҳам равшан тасаввур қилиш мумкинки, ўнлаб ойнома ва рўзномалар бўлса ҳам, шўролар ҳокимиятининг 73 йиллик тарихи давомида бирорта этика ва эстетика журнали ёки шу фалсафий илм соҳаларига доир мунтазам нашр этилиб турадиган бирор илмий мажмуа жорий этилмаган.

Миллий истиқбол ва демократиянинг янги ижтимоий имкониятларини ҳаракатга келтириб, эстетик юксалишдаги ана шу турғунлик ва камчиликларга барҳам бериш бизнинг умуммиллий, маънавий эҳтиёжимиздир. Жумҳуриятимизда оёққа тура бошлаган миллий ҳуррият жараёни ҳам ахлоқ билан нафосат илмларини, ҳам ахлоқий-тарбия билан эстетик тарбияни янгича миллий руҳда такомиллаштиришга имкон ярата олади.

Масалан, Москвада Россия эстетика уюшмаси тузилмоқда. Россия эстетика уюшмаси ташкилот қўмитаси, Россия Фанлар академияси ҳузуридаги эстетикага доир илмий кенгашнинг таклифига биноан Тошкент дорулфунуни этика ва эстетика кафедраси негизида Ўзбекистон эстетика уюшмаси тузилмоқда. ТошДДнинг этика ва эстетика кафедраси ташаббуси билан жумҳуриятимизнинг этика уюшмаси ҳам ташкил этила бошлади. Бу уюшмалар этика ва эстетика мутахассисларини бир жамоага жамлаш билан чекланмайди. Зотан, бу уюшмаларда уларга қизиқувчи бошқа соҳа мутахассислари ҳам, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, техникум ва олий мактаб муаллимлари, олимлар ва адиблар, қаламкашлар ва файласуфлар, шифокорлар ва муҳандислар, шоирлар ва санъаткорлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Бу уюшмалар жумҳуриятимизда эстетика ва этикага доир тарғибот ва тадқиқотни янги босқичга кўтариш, мавжуд ижодий кучларни демократик асосда бир умумий марказда бирлаштириш, умидли истеъдодларни танлаш ва ёшларни мактаб ёшиданоқ эстетик тарбиялаш, ўзбекча дарслик ва методик қўлланмалар яратиш, радио ва телевидение, маориф, маданият, матбуот, олий мактаб ва жумҳурият Фанлар академияси соҳаларида тегишли долзарб мавзуларда кенгашлар, конференциялар, мунозаралар, мулоқотлар, савол-жавоблар ўтказиш, ҳар қандай муаммони таҳлил ва тадқиқ этганда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикасига мос тушадиган мезонларга асосланиш, бунда миллий ахлоқ ва миллий эстетика қадриятларига хос бўлган таяноқлар орамизда чиққан бирор сотқин ҳам эришуви мумкин-ку?! Зеро, миллий мустақиллик миллий бойликларга миллатнинг ўзи эгалик қилишини назарда тутса ҳам, лекин моддий фаровонликнинг ўзи, сиёсий эркинликнинг ўзи миллий ҳуррият мазмунининг бир муҳим томонидир, холос. Зеро, олижаноб хўжайинининг қули ҳам хушбичим кийинган ва қорни тўқ бўлиши мумкин.

Миллий ҳуррият, миллий-моддий қадриятлар билан биргаликда миллий маданият, миллий рух, миллий тил, миллий нафосат миллий урф-одатлар ва миллий ахлоқнинг мустақиллиги ақидаларини ҳам қамраб олади. Хусусан, миллатнинг кийими бут ва қорни тўқ бўлиши миллий эркинликнинг битта муҳим шартидир, холос.

Зеро, ҳуррийтнинг тарихий мазмуни миллий руҳнинг шундай фазилатларга пайвандлашувида намоён бўладики, булар маънавий эркинлик, руҳий дахлсизлик, ҳурфикрлилик, инсоний рўшнолик, ахлоқий покизалик, беғубор гўзаллик, чексиз фидойилик, беғараз қаҳрамонлик ва миллий ифтихор деган олижаноб тушунчаларда мужассамлашгандир. Бу маънавий ақидалар ва фазилатларни эса миллий нафосатнома ва миллий ахлоқнома ўргатади; тадқиқ этади, ташвиқ қилади. Бинобарин, миллий эстетика бўлмаса, чинакам маънодаги миллий мустақиллик, ҳақиқий ҳуррият ҳам бўлмайди.

Мазлум миллатларнинг фарзандлари «Ҳуррият» деб аталмиш миллий-эстетик орзу-умидлар тимсоли учун жангга кирар эканлар, улар, даставвал, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий эркинликлар учун фидойилар сифатида майдонга чиқадилар. Миллий озодлик ва миллий нафсониятнинг йўлида қурбон бўлишга, қамалиб кетиб, мудҳиш азоблар чекишига қарамай ҳуррият учун янги жангларга тайёр турган миллий қаҳрамон инқилобий-миллий нафосатнинг, миллий одобнинг олий тимсолидир. Фидойи миллий қаҳрамон ҳуррият учун, бошқа миллатлар қатори одам ҳисобланиш ва қадр-қимматли бўлиш учун, бошқа қардош ва эркин халқларга тенг ва сафдош бўлиш учун жанг қилар экан, қимматбаҳо қасрларга, бойликларга, сохта шуҳратларга сотилмайди. Моддий манфаатларни биринчи ўринга қўйиш чинакам миллий қаҳрамон учун бегонадир!

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мана бу гўзал байти миллий эстетиканинг ҳаётий тимсоли бўлмиш миллий қаҳрамон учун жасорат қўшиғидир:

Эй ажал, қўрқитма кел, жоним
керакмасдир, менга,
Сенга жон даркори бўлса,
мен каби тайёри йўқ!

Бу хил фидойи миллий қаҳрамонлар миллий ҳуррият билан миллий эстетика ядилу яквужуд эканлигининг рад этиб бўлмас исботидир. Ана шундай бетама миллий қаҳрамонлар лашкари бўлмаса, миллий ҳуррият тўла-тўкис ва узил-кесил зафар қозониши мумкин эмас.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ва миллий ҳуррият ағёрлари хунук талвасаларга тушаётган бир шароитда бизнинг долзарб вазифаларимиздан бири миллий эстетика ривожи учун курашни янги босқичга кўтаришдан иборатдир. Бунда биринчи галдаги вазифа ТошДДнинг фалсафа-иқтисод факультетидан ажраб, мустақил тараққиёт йўлига кираётган фалсафа факультетида талабалардан ихтисослашган этика ва эстетика гуруҳини тузиш, яъни жумҳуриятимиз учун бу икки фан соҳасида мутахассис кадрлар етиштиришни изчил илмий йўлга қўйишдир. Миллий эстетика ва этикани юксалтириш йўлидаги иккинчи муҳим вазифа — Тошкент дорулфунунининг ҳамма ижтимоий ва табиат факультетларида иккинчи ижтимоий мутахассислик сифатида этика ва эстетика билан қўшимча шуғулланишни ихтиёрий равишда истовчи истеъдодли талабалардан иборат махсус гуруҳлар тузиш ва уларни шу икки фандан мактабларда дарслар олиб боришга тайёрлашдир. Бу хил ихтиёрий-ижтимоий мутахассисликлар гуруҳларини муаллимлик олий билимгоҳларида ҳам, маданият ва санъат институтларида ҳам (мусиқа, театр, рассомлик олий билимгоҳлари, маданият институти) ташкил этиш, «Этика» ва «Эстетика» ихтисосларидан қўшимча мутахассислар тайёрлаш ўрта мактаб, техникум ва билим юртларида ахлоқнома ва нафосатномани ўқитишни йўлга қўйишга имкон беради.

Миллий эстетика ва этикани тезкор ривожланиришнинг учинчи йўли — ҳамма табиат, техника ва ижтимоий олий билимгоҳларда этика ва эстетика ўқитишни энг асосий миллий талаблардан бири сифатида амалга ошириш, бу икки ихтисосдан аспирантурани кучайтириш, қўлланмалар, дастурлар, дарсликлар, тадқиқотларни нашр этишдан иборатдир. Бу соҳада тўртинчи муҳим вазифа номзодлик ва докторлик рисолаларини ҳимоя этишга ҳуқуқдор бўлган жумҳурият махсус илмий кенгашини тузишдир. Ва ниҳоят бунда бешинчи муҳим вазифа жумҳурият ахлоқнома ва нафосатнома журналларини ташкил этиш ҳамда этика ва эстетика ижодий уюшмаларини таъсис этишдир. Чиндан ҳам, ҳозирги миллий ҳуррият миллий эстетика ва миллий этикани эркин тараққий эттиришнинг умумжумҳурий, сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлса, миллий нафосатномамиз ва миллий ахлоқномамиз миллий ҳуррийтнинг бебаҳо маънавий асосидир.

ЕКИ МИЛЛИЙ ЭСТЕТИКАСИЗ ТЎКИС МУСТАҚИЛ БЎЛИШ МУМКИНМИ?

риятимизда этика ва эстетика бўйича ҳатто илмий номзодликни ҳимоя қилишга ҳуқуқи бўлган махсус илмий кенгаш ҳам тузилмаган. Бу Тошкент давлат дорулфунуни фалсафа факультетида кейинги ўн йиллик тарих давомида ишбоши бўлган собиқ раҳбарлар ахлоқнома ва нафосатнома фанларидан мутахассис кадрлар етиштиришга қаттиқ қаршилик кўрсатиб келганликлари, бу фанларга доир махсус илмий кенгаш тузиш шартлари ва ҳуқуқларининг жилови Москвада бўлганлигининг оқибатидир.

Гап шундаки, қайта-қайта танқид қилиб туришимизга қарамай, фалсафа факультетининг собиқ раҳбарлари ҳатто талабаларнинг этика ва эстетикадан диплом иши ёзиш ҳуқуқларини ҳам атайин бўғиб келдилар. Шу боисдан кейинги саккиз йиллик миллий-маданий тарих даврида ТошДДнинг фалсафа-иқтисод факультетида ўзига хос эстетик турғунлик қарор топди.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ШАБАДАСИ ЭСА БОШЛАГАН даврга келиб, яъни 1991 йил 16 январда «Халқ сўзи» рўзномасида «Декан қандай бўлиши керак» сарлавҳали мақола чоп этилди. Муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган бу мақолада ўзбек дорулфунунининг бутун жумҳуриятимиз учун ягона бўлган фалсафа факультетида миллий нафосатнома ва ахлоқнома соҳаларида ёш миллий мутахассислар тарбиялаб етиштириш борасида бизлар

ТУРКИСТОННИНГ ТУГАНМАС ДАРДИ

Профессор Аҳмад Заки Валидий (1890—1970) турк тарихи илмининг XX асрда етишган энг эътиборли вакилларидан. Унинг турк ва ислом тарихига оид ўнлаб китоблари жаҳон шарқшунослик фанининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Шарқнинг араб, форс, турк тилларини мукаммал билган, Ғарбнинг инглиз, француз, немис тилларида Европа университетларида дарс берган бу жаҳоний олимнинг мавқеи четда жуда баланддир. Ўз даврида унга академик В. В. Бартольд, Муҳаммад Фуод Кўпрулузода ҳам тан берган эдилар. Туркистон жадидларининг карвонбошиси Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йилдаги мақолаларидан бирида унинг келажагига жуда катта ишонч ва умид билан қараган эди. Афсуски, Заки Валидий ўзи туғилиб ўсган Бошқирдистонда ҳам, умрининг энг яхши йилларини берган Туркистонда — бугунги Ўзбекистонда ҳам қадр топмади. Асосий сабаб унинг сиёсий фаолияти эди. У чор истибдоди ўрнига келган ва кўп жиҳатлари билан ундан даҳшатлироқ бўлган болшевиклар тузумини қабул қила олмай, Октябр тўнтаришининг ташкилотчиларига қўл силтаб, Советлар билан алоқасини узган ва «босмачилик» дея хато номланиб кетган миллий озодлик курашига қўшилган.

Аҳмад Заки Валидий 1920 йилдан кейин қора рўйхатга тиркалди. Анвар пошшо шаҳид бўлгач, ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1923 йилдан сўнг эса номи илмий доираларда ҳам бутунлай тилга олинмай қўйди.

Замон айланиб, халқимиз истиқлол олди. Ҳамма нарса аслига қайта бошлади. Миямизга қўйиб келинган ақидалар мазмуни тобора равшан тортаётир. Жумладан, «халқ дўстлари» душман чиқиб, «халқ душманлари» дўст эканлиги маълум бўлмоқда. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» шу йилги 14-сонида Сиз — азиз газетхонларни шундай халқ «душман»ларидан А. З. Валидий ҳаёти ва ижоди билан таништириб, унинг РК(б)П Сиёсий бюроси аъзоларига мактуби ва Чўлпон ҳақидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола этган эди. Бугун унинг рус мустамлакаси давридаги Туркистон ҳаётига доир кузатишларидан, фикр-мулоҳазаларидан парчалар тақдим қилинмоқда. Булар, ўйлаймизки, йўргакдаги мустақиллигимизни қадрлаш, асраб-авайлаш, ҳимоя этиш, сақлаб қолиш нуқтаи назаридан фойдадан холи эмас. Парчаларни муаллифнинг «Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи» (Истанбул, 2-нашри, 1981 йил) китобининг I жилдидан (Ғарбий ва Шимолий Туркистон) жузъий қисқартиришлар билан олиб, таржима қилдик.

Б. ҚОСИМОВ

БИР-ИККИ СЎЗ

ТУРКИСТОН МАСАЛАСИ

...БУГУНГИ ХАСТАЛИКНИНГ ЭНГ МУШКУЛ ЖИҲАТИ туркистонликларнинг иқтисодий қуллиққа тушганлиги ва русларнинг кўплаб кўчириб келтирилиши натижасида бу ердаги туркларнинг ўз ватанларида нуфус жиҳатидан миллий озчиликка айланиб қолиш хавфидир. Асосли бир суратда бундан қутулмоқ учун бирдан-бир чора Туркистоннинг Ҳиндистон, Хитой ва Эроннинг ҳосилдор ерлари билан темир йўллар орқали боғланиб, у томонлардан буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш ва ўз молларини худди шу йўл билан уларга, улар орқали бошқа мамлакатларга эркин чиқара олиш ҳуқуқига ва имконига эга бўлмоқдир. Туркистоннинг жанубидаги Кушка темирйўли излари билан Ҳиндистоннинг чет темирйўл станцияси Нию-Жемен орасидаги 600 километрлик масофа Ҳирот ва Қандаҳор орқали бирлаштирилса ёхуд Кушка—Машҳад — Теҳрон ва Искандарун темирйўли қурилса, шубҳасиз, Туркистон учун қулликдан, бандилик фалокатларидан қутулиш йўллари таъмин этилган бўларди. Агар Хитойдан Шарқий Туркистонга қурилмоқчи бўлган темирйўлни ҳам Жунғория орқали Еттисув билан бирлаштирилса, Туркистон ўзининг жаҳон бозоридаги қадим мавқеини тикларди. Лекин руслар Туркистоннинг бу йўллар орқали бошқа мамлакатлар билан алоқага киришишини ҳам, Русиядан бошқа бирор ердан ўз сарф-харажати учун олди-берди қилишини ҳам хоҳламайдилар. Улар Туркистоннинг бир замонлардагидек жаҳон савдосининг муҳим марказларидан бири бўлишини орзу қиладилар. Фақат руслар бу ўлкада нуфус жиҳатидан ўз аксарият устунликларини таъмин этганларидан сўнг, ҳар хил маҳаллий «сепаратизм» таҳликаси бартараф қилинганидан сўнг. Бундай ҳолда Туркистонга таҳдид этган иқтисодий, маданий, ижтимоий фалокатлардан ва қулликдан қутулишнинг, ўз табиий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда келгусидаги тараққиёт ва иннкишофни таъмин этувчи энг сўнгги чора сиёсий истиқлолдир. Туркистон учун истиқлол барча ишларнинг бошидир. Истиқлол бўлмаса, Туркистонга фақат четдангина олиб келиш мумкин бўлган замонавий техника асбобларга йўл йўқ. Чунки руслар Туркистонга келтирилишини хоҳламаган нарсаларнинг улардан бекитиқча, унинг устига бу ўлканинг тараққиётига сабаб бўладиган воситаларнинг кириб келишига албатта қаршилик кўрсатадилар. Шунинг учун Туркистон, Русиянинг қайси идора усулида яшамасин, юртни ўзи истагандек идора эта олмайди. Туркистондаги миллионларча кўчиб юрган аҳоли бирор ерга жойлашишни, экин-тикин билан шуғулланишни, кўпдан-кўп янги каналлар очиб, ер ўзлаштириб, тирикчилик ўтказишни истайди. Лекин кўчманчи туркларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши фақат Амударё, Сирдарё, Или ирмоқларининг Орол ва Балхашга беҳуда оққан сувларини катта каналлар очиб, суғориш ишларини йўлга қўйиш орқалигина амалга ошади. Ҳолбуки, бу ирмоқларнинг хусусан қуйи оқимларидан фойдаланмоқ учун улкан замонавий тўғонлар, Мисрдаги Асвон ва Ҳиндистон бандларидек маҳобатли бандлар, сув омборлари қурмоқ керак бўлади. Дарёларнинг бир қисмида, масалан, Хоразмда тўғон ва банд қурилажак жойлар тоғу тошдан узоқда бўлгани сабабли керакли тошларни келтирмоқ учун махсус темирйўлларга эҳтиёж сезилади. Бундай тўғон ва темирйўллар учун миллионлар ва миллиардларни сарфлаш лозим бўлади. Бундай сарфу харажатлар учун мустақил Туркистонгина дунёнинг турли томонидаги буюк маданий мамлакатлардан сармоя ола олади. Руслар, албатта, буни қилмайдилар. Чунки, аввало, пуллари йўқ. Иккинчидан, пуллари бўлган тақдирда ҳам бундай ишни ўша ерга Русиядан ишчи ва деҳқонларни олиб келиб жойлаштириш имконияти очилгандан сўнггина қиладилар.

Туркистон мустақилликка қандай қилиб эришади? Бу масала ҳар бир миллатдаги каби туркистонликларнинг ҳам маданий савияларигагина боғлиқ эмас. Айни чоғда бизни Русиянинг кучлилиги ва буюклиги, русларнинг бизда бир неча миллиондан иборат нуфусимизни ташкил этиши, бу нуфуснинг сону сифатига доир ҳисоб-китоблар ортиқча ташвишга солмаслиги керак. Русия, албатта, Туркистон, Озарбойжон, Финландия, Эстония, Гуржистон ва бошқа кичик миллатларни, Шарқдаги ярим мустамлака шаклидаги давлатларни алоҳида олганда, ҳар биридан салмоғи ва кучи жиҳатидан устундир. Лекин бундай кичик миллатларнинг ва ҳозирда мустақиллик олган давлатларнинг ҳеч бири ўз мустақилликлари учун курашганларида русларнинг устунликларига қараб ўтирмаган эдилар. Улар, аввало, бир тарафдан, катта миллатлар орасидаги рақобатдан, иккинчи томондан, истиқлолини муҳофаза этмак истаган ўзга миллатлар билан бирлашиб зўр бир куч ташкил қилишдан умидвор бўлиб яшайдилар.

БИЗ ФУРСАТ КУТГАН МИЛЛАТЛАРДАНМИЗ. Миллий қудратимизни шундай бир кўздан кечирсак, Ўзбекистон фуқаролари баробарида қозоқ, қирғиз, татар ва бошқирдларнинг, яъни «ўрта турк» деб атаганимиз туркларнинг ва туркманларнинг маданий қуввати, табиийки, Афғонистондан ва Эрондан кам эмасдир. Туркистонда ўз миллатимиздан етишган мутахассис ва олимларнинг миқдори Ўрта ва Олд Осиё давлатларидан Ҳиндистон ва Туркиядангина оздир. Айниқса, савдо, санъат ва деҳқончиликда туркистонликларга осиёликлардан ҳеч бир киши бас кела олмайди. Бу масалаларда улар европаликлар билан ҳам жуда аъло даражада рақобат қила оладилар. Фарғона пахта заводларидаги, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Бухородаги турк ишбилармонларининг тажрибаси Русия ҳукумати европалик сармоядорларини ҳимоя этмаган тақдирда, вазиятни хоҳлаган пайтларида ўз қўлларига ола олишларини кўрсатмоқда. Мингларча йиллар мобайнида такомиллашиб борган суғориш ва деҳқончилик маданиятининг бошқа соҳаларида туркистонликларга Шарқда биргина ҳиндлар ва хитойлар рақобат эта оладилар. Рус деҳқони сира рақобат қила олмайди. Ҳолбуки, иқтисод, тижорат, ва зироат ҳар қандай мамлакатда давлатнинг ҳам асосидир. Хуллас, ажнабий зўравонлик ва истило ўртадан қалқиб, ҳуррриятга эришилса, бу жиҳатлардан Туркистонда туркистонликларга бас кела оладиган ҳеч бир кас йўқ. Табиийки, замонавий маориф масалаларида орқадамиз. Лекин тажриба гувоҳки, ҳаракатнинг ўзи билан ҳам иш одами етказса бўлади.

Туркистон учун энг буюк ва энг муҳим иш бугунга қадар чўлма-чўл кўчиб яшаб келаётган туркларни серҳосил ирмоқ ҳавзаларига ўрнаштириб маданий ҳаётга ундамоқ, боболаримизнинг кўчманчилик ҳаётлари давридаги футуҳотлари натижасида Туркистон ҳудудидан четда қолган тарқоқ кучларни тўплаб, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ туркларининг назарини Туркистонга жалб эта олишдир. Ғарб турклари учун мустақил Туркия қандай бўлса, Шарқ ва Шимол турклари учун ҳам мустақил Туркистон шундайдир. Туркистонни, турклиқни севганлар бизга хайрихоҳ бўлиб, сочилиб кетган татар ва қирғиз, ё туркман маданиятлари ўрнида Туркистонда ташкил топажак турк маданияти атрофида тўпланмоқ истаганлар, албатта, бирлашажаклар ва бугун Русияга хизмат этиб турган техника мутахассисларимизни, муҳандис ва агрономларимизни ҳам миллий йўлга олиб киражакдир.

Шуниси ҳам муҳимки, Туркистоннинг миллий ҳаракати ҳеч бир вақт бир-бирлари билан қондош, диндош ёхуд ирқдош бўлган давлатлар зиммасига юклаб қўйилмайди. Туркистон мустақил ҳолда жонли бир вужуддир. Туркистон ўзига ўзи эга бўлган кун ўз буғдойини ўзи ейди, ўз пахтасидан бўлган газмолни кияди; завод-фабрикалари учун ёқилғиси, кўмири етарлидир. Темирйўл ва сув кемаларини ўз нефти билан юритадир, ўз мудофааси учун ўз порохидан, ўзининг миси ва темиридан фойдалана оладир. Туркистон учун Ўрта Осиёда тинч ва осойишта яшамоқ энг муҳим маслакдир. У, даставвал, ўзбирларини тўплайди, ўзлари учун хайрихоҳлар топади ва булар орқали истиқбол йўлларини таъмин этади.

Туркистон масаласида болшевикларнинг ва бошқа русларнинг роли масаласига келганда, биз учун рус тузумининг ҳаммаси бирдир. Бунга Жанубий Туркистоннинг рус тобелигидаги эллик-олтмиш ва Шимолий Туркистоннинг 200 йиллик тарихи шоҳид. Туркистон чор ҳукуматига қарши қандай исён қилган бўлса, болшевикларга қарши ҳам худди шундай исён этгандир. Демак, Туркистон учун туркистонликларга мувофиқ келадиган ҳеч бир рус ҳукумати бўлмаган. Ҳар иккисида ҳам шароит бирдир. Бас, шундай экан, ҳар бир ҳаракатимизда қўлларимизни боғлаган, тараққиёт ва инкишоф йўлига тўсиқ бўлиб келган бу ғовни ортиқ орадан кўтармоқ лозим. Бизнинг бутун умидимиз бизга келажакда ҳам қўшни бўлажак Русияда Туркистоннинг мустақилликка эришишига имкон берадиган ва мустақил бўлгандан сўнгра русларнинг таадди ва тажовузларига монеъ бўла оладиган бир вазиятнинг вужудга келишидир. Русияда қандай идора бўлишидан қатъи назар мустақиллигимизни ҳақиқатда таниган русларга қарши бир ёмон фикримиз бўлмаслиги табиийдир. Бизнинг бугунги таважжуҳимиз аввало ўзимизга, сўнг бошқа ғайрирус миллатларнинг бу йўлда собит ва қувватли бўлмоқларига қаратилгандир. Биз улар билан биргамиз ва муштарак идеалимизнинг амалга ошишида ҳамкорларимиз бўлган бирликда курашамиз.*

1924

РУС МУСТАМЛАКА СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАҚСАДИ

...ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ АСРНИНГ УЧИНЧИ ЧОРАГИДА 8 миллионга бормаган нуфус XX асрнинг биринчи чорагида 15 миллионга чиқди. Космополитларнинг қарашларича, ўлканинг кашф этилиши маданият учун буюк ғалабадир. Уларга кўра, рус келгиндиларининг кўпайиши натижасида Туркистонда маданий тараққиёт инкишофи таъмин этилганмиш. Ўлкадаги қайси қавмнинг ва қайси тилнинг ўрнига у келяпти, бу улар учун мутлақо аҳамиятсиз. Инсонларнинг саодати миллатлардан бирининг бошқаларини ютиб, ёхуд атрофида тутиб туриб бир андозага солиши билан амалга ошмайди. Айниқса, Ўрта Осиё қавмларининг ўртадан сурилиб, улар ўрнига Русия ва Хитойнинг ҳукмрон бўлиб қолиши миллионларча ерли аҳолининг асрларча истиробт чекишига олиб келадики, бу ўлка тарихининг энг қора ва энг бахтсиз саҳифаларини ташкил этган бўлур эди. Чунки ерли қавмлар Русия ва Хитойнинг куч устунлиги билан яна кўп асрлар тобеликда турган тақдирда ҳам мустақил яшамоқ фикридан, тил ва адабиётидан осонликча воз кечмайди. Русия ўрта турк элига, олайлик, Ҳиндистондаги инглизлардек, ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеи, муҳофазаси учун мустамлакадаги бойликларни ўзлаштириш ва одамларни ишлатиш фикри билангина келган содда, афанди миллат эмас; у бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфус жиҳатидан ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужигини, аравакашини, этикдўзини, кўча супурувчисини, ҳожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди. У темирйўл хизматини, машина-завод ишларини, аскарликни ўз қарамоғига олиш билан кифояланмай, ўрта туркнинг ичига-бағрига кирмоқ, ўзини улар билан тенг кўрсатиб севдирмоқ, бирга ўтириб-турмоқ, қон-қардош бўлиб кетмоқ йўлини тутди. Ўз тил ва адабиётини, музикасини, ҳатто иморатсозлигини ҳам ерликларнинг завқига мослади. Аслида рус ҳукмронлигининг ерлилар учун энг таҳликали томони ҳам шундадир. Шунга кўра, русларнинг аста-секин бузиш ва ютиш сиёсати ерликларни сескантирмайди, ҳатто баъзи ғофилларимиз буни ўзларига юксак мавқе-мартаба деб биладилар. Бир кўп вилоятларда бугун нуфус руслар фойдасига ошган экан, бу худди мана шу сиёсатнинг самарасидир.

Туркистонда ерлашган русларга ҳар хил имтиёзлар берилиб, булар маориф ва маданият соҳасида ҳукумат ҳимоясида бўлганликларидан сўнгги юз йил давомида қозоқ ва бошқирдларга нисбатан ўн баравар олға кетдилар, буерлилар эса, ҳукуматнинг терс тадбирларига бўйин суниб, ҳаётда тузук-қуруқ яшай олмаганликлари оқибатида орқада қолдилар. Илгариги Туркистонда эски одатга кўра аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир туркистонликлар аскарликдан озод этилганликлари сабабли аста-аста шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар. Аввалари ўрта туркнинг муштарак бир адабий тили бор эди. Русия буни ҳам аста-аста парчалаб йўқ қилди. Шу сабабли у бугун катта харажатлар талаб этувчи салмоқли илмий асарлар, улкан қомуслар, давлат ҳужжатлари тўпламлари, қонунлар ва бошқалар нашр қилиб, муштарак турк адабий тилини қарор топтирмоқни хоҳламайди, аксинча, кун сайин рангсизланиб, куч-қувватини йўқотиб бораётган, келажак насллар, қондош-қариндошлар мутлақо тушунолмайдиган кичкина бир қабиланинг аҳамиятсиз тилини орзу этади. Шундай тақдирда, мавқеи рус тилига олиб бериш осон кўчади. Бартолднинг «Туркистон маданий ҳаёти тарихи», Радловнинг «Аус Сибириен»и замонавий санъат тарихчиларининг тадқиқотлари сифатида қимматли тарихий асарларнинг мавжуини ташкил қилган икки минг йиллик бу муаззам ерли маданиятни келгусидаги тарих ва археология тадқиқотчилари мавзуи сифатида четга суриб, ўрнига славянларнинг византияликлар билан қоришиб кетган ёхуд русларнинг Европадан ўсиб чиққан «евроосиё» санъатларини сизга тақдим қилади. Ажабо, буларнинг бирини ташлаб юбориб, иккинчисини қабул этиш билан башарият нимага эришар экан? Бу ўлканинг рус бўйинтуруғи остидаги сўнгги икки асрлик ҳаётидаги сўнгсиз изтироблари, битмас-туганмас исёнларининг қандай майдонга келгани-ю, нимадан куч олгани ушбу китобимизда атрофлича айтилди. Рус нуфусини тиқиштириш мақсадида Осиёнинг бу ердаги она сутидай ҳалол эркини, жаҳоний давлатлар тузиб, улар мисолида инсон жамоаларининг диний ва маданий ишларига заррача дахл қилмай, биргина сиёсий ва иқтисодий асосларга суянган умумий бир ҳаёт қурмоқ усулини жаҳонга неча марталаб намойиш этган бир миллат — туркларни четга суриб қўйилса, Ўрта Осиёда саёҳат этиб, русларга маддоҳлик қилиб юрган саёҳатчилар нимага эришадилар? Дарҳақиқат, чор Русиясининг Ўрта Осиёдаги давлат тузуми бошда европаликларда катта умид уйғотди, бироқ бу ҳокимият XX асрга ўтиб, ўзининг асл моҳиятини кўрсата бошлагач, ёлғиз бизда эмас, жуда кўп бетараф европаликларда ҳам (масалан, доктор Ле Чўк) жуда кескин эътирозлар туғдирди.

Русиянинг болшевик даври эса маданият оламини тамомила кутилмаган бир аҳволга солиб қўйди. Русия Осиёда ғоят узоқни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатлари ҳеч қандай чек-чегара билмаган, ҳирс ва иштаҳаси эса кун сайин ошиб борувчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам давлатчиликка ниҳоятда боғланган, хусусий мулкка қараб қолмай, ҳукумати кўрсатган ҳар қандай жойга, ҳар қандай ўлкага бориб жойлашишга чемодани тайёр, ҳаракатчан, ғайратли келади. Рус миллати бу ҳаракатчанлик ва ғайратни алоҳида бир батартиблилик деб билади. Рус истилолари, янги-янги ўлкаларни забт этмоқ ва у ерлардаги қавмларни маданий-иқтисодий шароитлар воситасида ассимиляция қилиб, улар ҳисобига кенгайиб, кўпайиб, кучайиб бормоқ ғоясини кўзда тутади. Буни Вамбери, ҳув ўша, 1871 йили кўрсатиб берган ва шундай деган эди: «Русия шиддат билан ўсмоқда. Буюк Пётр замонида аҳолиси 15 миллион эди. Катерина тахтга чиққан йили 25 миллион бўлди. Александр I ўлган йилда 58 миллионга чиқди, ҳозир (1871) эса — 77 миллион бўлибди. Нуфуснинг бундай шиддат билан кўпайиши руслардаги кўп туғилиш қобилиятидан эмас, ишғол этган ўлкалардаги аҳолини тезкор руслаштира олишлари билан изоҳланади. Бундан ўттиз йил бурунги Бутлинг, Катрин ва Регулининг илмий экспедициялари натижалари шуни кўрсатадики, Лена ҳавзасида ёқутлар, Ғарбий Уролда вогул* ва вотяклар** сон жиҳатидан ҳозиргидан беш маротаба кўп эдилар, қисқа бир вақт ичида руслашдилар. Руслар ишғол қилган турк қавмларининг бошига ҳам энди ёқут ва вогулларнинг куни тушади».

РУС ЎЗ ВАЗИФАСИНИ МИЛЛАТЛАР СИРАСИДА янги бир жуғрофий миллат — «Русия миллати» ясамоқ деб ўтган асрнинг биринчи ярмида белгилаб олган эди. Келиб чиқиши араб бўлган шоир Пушкин «Ҳайкал» номли шеърида ўзини Русияда яшаган қавмлар муштарак шоирлари сифатида танияжакларини сўйлайди ва «муаззам Русиянинг барча ерида яшовчи, турли-туман тилларда гаплашган халқларнинг ҳеч бири менинг номимни тилларидан туширмаяжаклар, хоҳ мағрур славян ўғли бўлсин, хоҳ фин авлодлари, хоҳ тоғларида сарсари кезгувчи тунгус, хоҳ сахроҳар дўсти қалмиқ, ҳаммалари баббаравар мени ёд этажаклар», дейди. Асли татар, лекин славян бирлиги фикрининг асосчиларидан ҳисобланган ёзувчи Аксаковга кўра, бошқирд ва қирғизлар буюк рус миллатининг саҳрода яшовчи ва шу пайтгача насроний-ликка ўтмаган авлодларидан иборатдир. Чор замонида руслар ассимиляция сиёсатларини кўпинча дин орқали амалга оширар эдилар. Энди «янги рус» деганимиз болшевик руслар эса, бу сиёсатни яна ҳам зўрайтириб, янги индустрия соҳаларини очиш, жамоа хўжаликларида ерликлар билан руслари аралаштириб жойлаштириш, умумий бола боғчаларда, ёшларнинг муштарак спорт ташкилотларида, умумий мактабларда рус ва ғайрирус учун умумий пайғамбарга айлантирилган Ленин таълимотини ўртоқ бир дин шаклида мияга қуймоқ, ғайрирусларни рус вилоятларига кўчирмоқ йўли билан ҳали ҳеч бир замон тарихида ва дунёнинг ҳеч бир қитъасида кўрилмаган суръат ҳамда қувват билан амалга оширмоқдалар. Бу йўл билан миллионларча «ғайрирус» бир неча йил ичида русга айланиб қолади.

Ўта марксистик системага суянувчи бу кескин йўл Русиянинг кенгайиб бораётган истилолари учун асосдир ва у монеъсиз ўсиб боришига қараганда узоқ давом этади. Русияни Шарқий Европа ҳисобига кенгайтириш у жойлардаги ер танглиги сабабли натижа бермайди. Сибирия, Ўрта Осиё ва Кафказиядаги маҳаллий халқларни маданий ва иқтисодий тузумлари заифлигидан фойдаланиб, ўзлаштириш, бир «жуғрофий миллият», яъни «рус миллати» ўрнига «Русия миллати» шаклида муттасил катталашиб бормоқ жараёнининг босқичлари сифатида изоҳланиши лозим. Бу жараёнда илгарироқ руслашган ҳар бир «ғайрирус» навбатдаги ҳар бир «ғайрирус»ни руслаштирмоқ йўлида гоҳо алоҳида бир шижоат кўрсатади. Русларнинг ўзлари бу жараённи гўё «табиий такомил» (стихийное движение) каби кўрсатадилар. Аслида бу мутлақо ундай эмас.

«Рус сели» механизми маълум ва уни ҳаракатга солиш кишиларнинг қўлида бўлган жараёндир. Бунинг асосий омили Русия истило қилган ўлкалардаги халқлар сиёсий тузумининг маданий жиҳатдан заифлигидир. Шу сабабдан уларни руслик ютмоқда ва улар наздида лаққа гўшт бўлиб турибдилар. Илгарилари бу кенгайиш христианлик йўлида кенганидан кўпинча Шимолдаги ғайримусулмон фин ва турк шомоний қавмлари ҳисобига амалга ошган эди. Мусулмон қавмриализми «ғайрирус қавмлар»нинг ўзлари учун ортиқ бир хавотир туғдира олмайдиган даражага эришди. Энди «мустамлака» деб келинган Туркистон ва Кафказия «асл рус ватани» ҳисобланадиган бўлди ва руслаштириш йўлида ортик макру ҳийлага эҳтиёж қолмаганига амин бўлди. Илгарилари рус социалистлари ўзлари тарафидан «мустамлака» (колония) ёхуд «чет ўлкалар» (окраини России) деб аталган бу ўлкаларнинг «рус ватани» (родина) дея номланиши, Ленининг ўлими ва Русияда иш бошига — давлат тепасига «жуғрофий миллат», «шаклан» (яъни тил) ҳар хил, мазмунан (яъни руҳ ва мафкура) бир совет халқи» шиорларини амалга оширмоқни ваъда қилган гуржи Сталиннинг келиши рус империализми тарихида янги бир давр очди. Эҳтимол, «Русия миллати» Сталиндан сўнг ҳам бундан кейинги диктаторларини «янги рус»ликка кўчган «ғайрирус»лардан сайлаяжак. Муштарак тафаккур, муштарак ватан, Совет Русияси тақдири номи билан иш кўрмоқ, ватанни ёппасига индустрлаштириш ва колхозлаштириш, бу ғояларни ҳамда шу «муштарак»ликни символлаштирган «ғайрирус раҳбар»ларнинг қўли билан амалга оширмоқ ҳақиқатда бугунги «янги рус»ликнинг шиоридир.

«ЯНГИ РУС» ЗИЁЛИСИ РУСИЯДАГИ МИЛЛАТЛАРНИНГ табиий жуғрофий бир миллат бўлиб қўшилишига тўсиқ бўлган кичик миллатларга, исломият билан буддизм каби динларга қанчалик душман бўлса, «рус чоризми» ва «ортодоксал христианлик»ни ҳам шунча ёмон кўради. Унинг биринчи мўлжали турли йўллар, масалан, суғориш ишларини йўлга қўйиш баҳонасида Амударёнинг жанубий соҳилларини, Кўксувни, Балхобни, Мурғоб, Ҳажан (Ҳерирўд), Этрек дарёларининг Афғонистон ва Эрондаги қисмларини, Арас ирмоғининг ҳам ўнг қирғоғини қўлга олиб Ҳиндукушга, Хуросон орқали Эрон Озарбойжони ичкарисига дохил бўлмоқ ва Шарқий Туркистонни ишғол этмакдир. Бундай шароитда Ғарбий Туркистон билан Кафказия русликнинг навбатдаги истилолари учун марказ ва асос бўладилар, рус истилочилик ҳаракатининг бир босқичи бўлишлари жиҳатидан эски Қозон, Астрахон ва Ғарбий Сибирия (Тура) хонликларининг бир замонлардаги аҳволига тушадилар.

Ҳозирги янги руслик тутган йўл қуйидагича:

1. Коммунизм билан рус империализмини бири-бирининг давоми билиб, уларни икки асос, принцип сифатида бирлаштирган Русияга тобе миллатларга ва бутун дунёга иккиюзлама сиёсат юритмоқ;

2. Рус миллатининг жаҳонга ҳоким бўлиш ғоясини «муқаддас идеал» даражасига кўтармоқ ва бу миллий ғояни амалга оширмоқ йўлида тайёр турувчи мутаассиб ва жанговар миллат тайёрламоқ;

3. Ҳар қандай воситалар билан бўлса-да, рус нуфусини оширмоқ;

4. Русларнинг Осиёни янгидан ишғол қилинажак ерларига ўша даҳзадаёқ жўнаб кета оладиган даражада ҳаракатчан, айни пайтда қўнимсиз бўлишини таъмин этмоқ;

5. Истило ва футуҳотда қатъиятни таъмин этмоқ учун бошқарувдаги олий марказият ва диктаторлик системасини мукаммаллаштирмоқ.

Русларнинг янги мустамлакалари Мўғулистонга оид Советлар нашриётида чоп этилган «Ғарбий Мўғулистон ва Уренхой ўлкаси» номли уч жилдли асар бу жиҳатдан фавқулодда аҳамиятли ва ибратлидир. Унинг учинчи жилдида (541—543-саҳифалар) рус мужикларининг Хитойга тобе бўлган Юқори Енисейдаги Уренхой туркларини ўз жойларидан қувиб, ерларини зўрлик билан ўзлаштиришларини ҳақли бир иш сифатида исбот қилмоқ ҳаракатида шундай дейилган: «Русиянинг тарихи славян қабилаларининг Шарққа босқичма-босқич кўчиб бориб, маданий савиялари ўзларидан паст бўлган қавмларни руслаштирмоқ йўли билан борганини кўрсатиб турибди. Ўз вақтида финикийлар ва қадим юнонларнинг эски дунёнинг ҳар тарафини босиб олиб, маданият тарқатишлари нақадар табиий ва қонуний бўлса, славянларнинг кўчиб бориб руслаштириш ҳаракатлари ҳам шу даражада табиий ва қонунийдир. Ҳар қандай бошқача тушунмоқ дунёни идора этувчи табиат қонунларидан бирини инкор этмоқ демакдир. У қонун эса заиф бўлганнинг ўз ер ва мавқеини табиатан ҳамда маънан ўзидан кучлироққа бермоғидир. Уренхойлар йўқолиб битадилар... бу ғоят, табиийдир. Ҳайвонлар учун ҳам шундай, уларнинг ҳам ожизи ўлади, ўрнини бўшатади ва янги келгани кучли унсур билан қоришиб кетади. Руслар... буюк имкониятга эга бу ўлкани уни ишлатишни ва ундан фойдаланишни билмаган бир қавмнинг қўлидан олишда ўзларини ҳақли билдилар». Ленининг ўнг қўли бўлган Артём ҳам 1920 йилнинг мартида «Биз (руслар) бошқирд, қозоқ ва ўзбек чўлларини Америкага айлантирамиз. Биз бўлмасак, бу ерларда темирйўллар, Оренбург, Семипалат, Олмоти каби шаҳарлар бўлар эдими?» деган ва бу ердаги тубжой халқнинг тақдирини Америкадаги қизилтанлиларнинг аҳволига ўхшатишини очиқ айтишдан ўзини тия олмаган эди. Дарҳақиқат, Советлар шу тахлит бугун европаликлар тарафидан масхараомуз, гоҳо истеҳзо билан қарши олинган «беш йиллик планлар» билан Осиёнинг ўз қўллари остида бўлган қисмларини «америкалаштирмоқ» ва ерлиларни «қизилтанлиларга айлантирмоқ» ишини планли бир суратда, буюк бир шижоат билан амалга оширмоқни истайдилар. Истанбулда яшагани ҳолда совет империалистик сиёсатини ёқлаган Врангел қўшинининг офицери, рус мутафаккир «евроосиёчи»ларининг сўнгги ишончи княз проф Трубецкой Осиёда фақат уч буюк қавмнинг тил ва маданияти яшаб қолажагини сўйлайди. Булар: рус, хитой ва ҳинд миллатлари эмиш,. Бошқа барча қавмлар охир-оқибат шу уч қавмдан бирисига қўшилмоқ ва сингиб кетмоққа мажбур бўлар эмиш. Русия миллати йилда уч миллионга кўпайса, бунинг икки йиллигини Эронга, бир йиллик ортишини Афғонистонга жўнатмоқ у ердагиларни тамомила руслаштиришга кифоя қилармиш...

Русларнинг янги истилоларига қарши курашмоқ, «сел»ни тўхтатмоқ учун энг таъсирчан чора — бугунги Русия жанубидаги Украина, Кафказия, Туркистон ва Мўғулистонда яшаётган, яъни истиқболда руслашишга маҳкум этилган миллатларнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалишини, русга сингиб кетмайдиган, ем бўлмайдиган, кучайишига сабаб бўлмайдиган юксак истеъдод соҳиби бўлмиш миллатлар даражасига кўтаришни таъмин этмоқдир...

ТУРК ЭЛИ ТУРКЛАРИНИНГ ҲАЁТ КУРАШИДА ТУТАДИГАН ЎРИНЛАРИ

...БАЪЗИ ОДАМЛАР РУСГА ТОБЕ ТУРКЛАРНИНГ, хусусан туркистонликларнинг миллий ҳаракати ҳали жуда ибтидоий босқичдалигини, инглиз, немис ва рус миллатларининг бутун янги давр тарихини ағдар-тўнтар қилган қудратли миллий шуурлари, миллий маданиятларининг улуғворлиги қаршисида ўртаосиёликларнинг довдираб қолишларини, бир кун ўз тақдирларини ўзгартириш имкони туғилганда ҳам ундан фойдалана олмаяжакларини сўйлайдилар. Лекин турк миллатининг шундай умтоз қавмий хусусиятлари бордирки, уларни уйғотиб ишга солишга муваффақ бўлинса, йўқотган нарсаларини озгина бир муддатда тиклай олади.

Мингларча йиллик тарихимизда қизил чизгилар каби ўтган миллий хусусиятларимиздан бири **жонлилик** ва битмас **фаоллиқдир.** Қадим тарихда Осиё ва Европа ҳудудида турк ва мўғул аралашмаган бирорта буюк байналмилал ҳодиса бўлган эмас. Турк бирорта шундай мамлакатга келмаганки, рхирида у ўша жамиятнинг тепасига кўтарилмаган бўлсин. Асарини Чингизнинг чиқишидан бироз олдин ёзган эронли Муборакшоҳ Журий «Оқча баробарида қул қилиб сотилиб юрган ҳеч кимсанинг подшоҳ бўлганлиги инсоният тарихида кўрилган эмас, биргина турклар шундайдирлар» деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Хитой, Ҳинд, Эрон ва Мисрга қул сифатида келтирилган турклар кўп вақт ўтмай, у ердаги сиёсий ҳаётда мавқе эгаллай бошлаганлар ва кўп марталаб бутун давлат идорасини бошқарганлар. Мавлоно Жалолиддин Румий дерки, «Туркни ўтган йил асир олган эдилар, қара уни сотиб олган араб дорда осилиб турибди». Туркнинг ҳақиқий миллий сажияси мана шундай. Яъни ҳар доим ҳаётнинг қайнок қозонида, кураш майдонида бўлмоқ ва ҳар ерда ўзининг кимлигини кўрсатмоқ. Тарихан турк ҳеч бир вақт босилган жойда қолмаган, аксинча, лаҳза ўтмай худди резинка сингари ўрнидан қалққан ёки сиқимлаб ташламоқчи бўлган ҳовучнинг ичидан симобдай сирғалиб чиққан.

Туркнинг бутун тарихий такомили давомида кўзга ташланган энг аён ирқий хусусиятларидан бири тарихнинг биз билган давридан буён аскар бўлиб келганлиги, **интизомсеварлиги,** ҳаётнинг энг оғир мушкулотига ҳам тайёр туриши, машаққатларга узоқ муддат **сабрли** бўла олишидир. Қадим турклар ўзларини мана шу жиҳатдан тарбиялашга фавқулодда аҳамият берганлар ва инсонни бўшаштирадиган фароғатдан, хотиначилиш қилиб қўядиган назокатдан, вужудни оғирлаштирадиган емаклардан сақланганлар. Улуғлар, аслзодалар ёнларидаги аскардан ортиқ овқат емаганлар ва аскар билан айни бир шароитда яшаб ўзларини махсус очликка, сувсизликка, иссиқ-совуққа ўргатиб борганлар. Бу миллий хусусиятларни унутганларни «тожикваш» деб камситганларки, «Ғўрўғли» достонининг ўзбек

Мирпўлат МИРЗО

ТЕМУР СЕВГАН РИВОЯТ

Турон ёв зулмидан бўлолмасди ҳур,
Дунёга келмаса гар буюк Темур.

Унинг — чопганда ҳам омади ғоят,
Тушмабди тилдан ушбу ривоят.

Эмишки, саҳрода иккита сайёҳ
Йўлин йўқотибди адашиб ногоҳ.

Гирён бўлибдилар қум аро қақраб,
Бириси — эрони, бириси — араб.

Сарфлаб сўнгги томчи сувин эрони,
Қолмабди яшашга ортиқ имкони.

Офтобнинг тиғида қовжираб, ҳориб,
Ҳамроҳи арабга дебди ёлбориб:

— Сен арабсан, араб — танти, мард дерлар,
Исбот эт шу нақл чин бўлса агар...

Араб чуқур ўйга толибди бир зум
Сўнгра узатибди охирги сувин.

Дебди: — Сен ича қол, айладим тортиқ,
Араб шаъни менга баридан ортиқ.

Ва у йиқилибди қумга шу асно...
Уқувчим, туйдинг сен бундан не маъно?

Зеро, ривоятда борки ҳикмат-сир,
Ақида қилмаган бежиз жаҳонгир.

Е раббий, замонлар эврилиб не ҳол —
Таъна-маломатдан ўзбек қадди дол?

Элда борми ўғлон — тикиб жонини,
Ҳаргиз ёқлай олса унинг шаънини?

Темур бобо, бу кун керак сўзингиз,
Юрт номусин тиклаб беринг ўзингиз.

МАШЪУМ ТЕПАЛИК

Уттизинчи йиллар... Ёш бола эдик...
Бот-бот эсга тушиб, бағрим қилар хун:
Шаҳарнинг чеккаси... Сирли тепалик...
Ўқ саси, фарёдлар янграр ярим тун.

Асабий кечалар... Оталар дилгир...
Юраклар чок-чокдан сўкилар эди.
Уқлардан тун бағри титраганда зир,
Юлдузлар кўз ёшдек тўкилар эди.

Биз машъум тепага чиқардик тонглар,
Майсалар шабнамдан қуримай туриб.
Ҳар гал кўзимиздан ўчарди ранглар,
Унда янги-янги қабрлар кўриб.

Бўзлар қабоҳатни ёполмай тупроқ —
Уюлган шошилинч кечаги тунда.
Чиқибдир ундан қўл, чиқибдир оёқ —
Кафансиз жасадлар ётарлар унда.

Мурғак вужудларга югуртириб муз,
Катталар қиларди мунгли тиловат...
Ахир, шул фожелар ёдимда ҳануз,
Қандоқ дейин — ўтган ишга саловат.

О, жаллод эътиқод, нафратим сенга,
Ўртар юрагимни теран ўч-алам.

Айтурлар, худди шу тепалик узра,
Отмишлар кўксидан Қодирийни ҳам!

Бот-бот тилкалайди мени у тунлар,
Ўқ саси... Фарёд... Бу сўнг сўзлар балки:
У сўзлар не эди — айтолур кимлар,
Сўраб кўринг, эслар юлдузлар балки.

ЎКИНЧ

Гарчи кўксимизда орденлар қатор,
Оҳ, кўнгил кун сайин ғуссага ботар.
Аламнок нигоҳлар шундоқ сўз қотар:
«Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!»

Биз ҳам бир маҳал ёш, бўз йигит эдик,
Бир вақт «Ленин!» дедик, «Инқилоб!» дедик.
Муте юртимизни баттар қул этдик,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Лабларни куйдирган қўшиқлар қани?
Юксак ғояларга ошиқлар қани?
Яшадик умрни ўздан қизғаниб,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Идрокда неки бор — давр сингдирди,
Мағрур руҳимизни янчди, синдирди,

Оҳ, кўплар қабрга кафансиз кирди...
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Бу ҳолат жонланар тонгларда хира —
Ёв ўқи ёмғирдек тинмасди сира,
Омон сақлаб қолдинг нега, ҳамшира,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Айтдик на оминни ва на бисмилло,
Даҳрий, осий бўлиб улғайдик илло.
Арбоблар кўзини ўйнатди тилло,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Воажаб, бу замон шарҳин ким сўрар,
Сиғинган зотларинг фитналар қурар,
Оқибатда туркий туркийни қирар,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Кўкракларда нишон, дилларда гумон,
Шафақлар товланган уфқларда туман,
Кеч куз оралади боғларни туғён,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Қайтмас умр, эвоҳ, кечди беҳуда,
Бари ёлғон экан... Англадик жуда...
Эй дўст, ростдир фақат қалбнинг тубида
Чўкиб ётган аччиқ ўкинч ва армон!

ЎЛИКФУРУШЛАР

Губернатор кўрсатиб қаҳрин,
Музофотни титратди бутун:
«Тўн кийганни битталаб қиринг,
Дукчи эшон исёни учун!»

Вайрон бўлди қадим Мингтепа
Замбараклар сочган оловдан.
Қарилардан гўдакларгача —
Қақшадилар, топталиб ёвдан.

Бундоқ қирғин кўрмаган дунё,
Дарё-дарё бўлиб оқди қон.
Кўча-кўйда, даштларда ҳатто
Уққа учди жами тирик жон.

Қуртига барг кесай деб қирга
Чиққан шўрлик увол кетди, ҳай.
Тор кўчада қапишди ерга
Қатиқ сотиб юрган болакай.

Неча кунки, хор-зор мурдалар
Ётар тўзиб, эгалар қани?

Лекин нетсин, шу жойда қолар —
Излаб борса гар туғишгани!

Оқшомлари шўрлик оналар
Аскарларга арз айтар тўп-тўп.
Кўрай ўғлим жасадин дея,
Топиб бер, деб эланарлар хўб.

Шоп мўйловли мурдор зобитлар
Мийиғида кулиб тамагир,

Тап тортмасдан дердилар:
«Аввал
Эвазига узат нимадир...»

Бу нечук ёв — тубан ва разил,
Мўмин юртни қириб бўлган дам,
Қолсин дея бир йўла сабил,
Сотса унга мурдаларни ҳам!

Қимдир фарёд қилар — бағрида
Қуш чўқиган, таниб бўлмас тан.
Аммо бу чоғ гўдак қалбида
Ал-қасос!.. деб йиғларди Ватан!

Маҳмуд ТОИРОВ

ТУРНАЛАР

Баҳорнинг ортидан эргашиб келган,
Аллоҳ ила пинҳон сирлашиб келган,
Излари осмонда гуллашиб келган,
Турналар, хуш кўрдик,
хуш кўрдик сизни.

Сизни кўриб еру-осмон жилмайди,
Кўзларда зорланган армон жилмайди.
Шаҳидлар онаси ҳамон йиғлайди,
Турналар, хўш кўрдик,
хуш кўрдик сизни.

Самодан ҳам ботгай изингиз кўзга,
Сиз қайтмас ёрдирсиз бағри қон қизга.
Ҳавасим келади ҳур қушлар сизга,
Турналар, хуш кўрдик,
хуш кўрдик сизни.

Қаранг, ташрифингиз қалдирғоч
қутлар,
Ўзига шукур, дер имони бутлар.
Ҳушёр бўлинг ҳали кўпдир
бебурдлар,
Турналар, хуш кўрдик,
хўш кўрдик сизни.

Инсон ҳам, қушлар ҳам ўтар дунёдан,
Яхшилар озори фитна, риёдан,
Сизга умр сўрар Маҳмуд худодан,
Турналар, хуш кўрдик,
хуш кўрдик сизни.

МУҲАББАТ

Соғинч менинг кўзларим тилар,
Орзу алдаб сочларим силар.
Юрак эса висолин тилар,
Сен қайдасан, айтгин, муҳаббат?!

Гулни кўрсам кўзим куяди,
Дилим ширин дардни туяди,
Ўзга наҳот мендек суяди,
Сен қайдасан, айтгин, муҳаббат?!

Сенинг қошинг тундек қародир,
Менинг қалбим ғамдин яродир,
Севмоқ асли жонга балодир,
Сен қайдасан, айтгин, муҳаббат?!

Булбул куйган гулзордамисан,
Мажнун чеккан оҳ-зордамисан,
Сен ҳам мендек озордамисан,
Сен қайдасан, айтгин, муҳаббат?!

МАШРАБ

Орни осиб узилмаган дорлар-а,
Зорни осиб узилмаган дорлар-а,
Шоҳ Машраб-ей, Туронини бўзлатиб,
Уч асрким дор остида зорлар-а.

Оқлар уриб у оҳига сиғмади,
Бу дунёнинг даргоҳига сиғмади.
Сўзни осар муртадлари бор учун,
Йиғлади-ей, Оллоҳига йиғлади.

Шоҳлар асли бир сирдан огоҳ эди,
Ул девона сўз мулкига шоҳ эди.
Девонасин сиғдирмаган бу юртда,
Тахт эгаси шоҳ эмас, гумроҳ эди.

Наманганнинг осмонида ой йиғлар,
Не замонким, гадой йиғлар,
бой йиғлар.
Машраб оҳи қулоғига етганму,
Кўкда куюб ҳаттоки ҳумой йиғлар.

Орни осиб узилмаган дорлар-а.
Зорни осиб узилмаган дорлар-а,
Машраб кетди, Қодирий ҳам,
Чўлпон ҳам,
Энди кимни қошларига чорлар-а,
Орни осиб узилмаган дорлар-а.

ЭЛИМ

Тиғ тилган танангда тиғлар ярадор,
Мажруҳлар оҳидан соғлар ярадор.
Фарғона азадор, Паркент азадор,
Ана, бўзлаб борар толиби илм,
Қай дардингга малҳам бўлайин, элим.

Андуҳ-ғофилликнинг аччиқ меваси,
Ёқасин чок қилган кимнинг беваси,
Улим-қисмат даштин сарсон теваси,
Тиловатга очсам титрайди қўлим,
Қай дардингга малҳам бўлайин элим?

Умид — дил мулкида.қўл етмас сароб,
Ишонч — сели кўрга томувчи кабоб,
Қотилинг ким ўзи?.. Топилмас жавоб!
Гарчи ғафлатдан-да уйғотмас ўлим,
Қай дардингга малҳам бўлайин, элим!

Бу сирли ўтларда токай ёнасан,
Дардин ичга ютган қонли жоласан,
Туганмас андуҳга токай, онасан,
Кўзимга жовдираб боқади ўғлим...
Қай дардингга малҳам бўлайин, элим!

Темур УБАЙДУЛЛО

КЎҲНА ИШҚ

Кўҳна олам, кўҳнадир
Бу севгининг фарзонаси.
Шоҳсанам кўз ёшининг
Ғариб бўлди ҳар донаси.

Бу ўшал ишқдир Навоий
Гули дея зор йиғлаган.
Бойқарога лаззат этмай,
Давлати шоҳонаси.

Кезди Лайли доғида
Саҳро ошиб, тоғлар ошиб.
Ул куни Қайсга тақилди
Мажнунлик нишонаси.

Тош кесиб ўтди оламдан,
Ишқ элин Фарҳоди ҳам.
Ширин ҳам Фарҳод демиш,
Ейилиб зулфи шонаси.

Ишқ аро ким бахтиёр,
Утди охир нолакор.
Чун абри навбаҳор йиғлаб
Машраби девонаси.

Дардига истаб даво
Кирди назм бўстонига
Сипқориб севги шаробин
Темурий мардонаси.

КАМ-КАМ

Табиб айтармиш бемор
Дардига даво кам-кам.
Отарсан менга ёрим
Ишқингни раво кам-кам.
Садоқат бирла доим
Тазм айларман сенга.
Ушалгай тирик бўлсам
Ҳар не муддао кам-кам.
То саҳар чеккан фиғон,
Ютган оҳ-зардобларим
Етказурмикан сенга
Субҳидам сабо кам-кам.
На бўлди сенга жонон,
Этмайсан мени писанд,
Синарсан ё жамолингдан
Қилғайсан жудо кам-кам.
Хаёл ичра васл истаб
Тилаб инсоф сен малакдан.
Ўтиб умри Темурий
Бўлмакда адо кам-кам.

ГУЛИМ ТАНҲО

Гўзаллар кўп, малаклар кўп,
Гулим танҳо, гулим танҳо.
Ёнур ҳажру фироқида
Дилим танҳо, дилим танҳо.
Жамоли икки чашмимнинг
Банд айлаган зиёсини,
Васф этурга булбул каби
Тилим танҳо, тилим танҳо,
Кулиб боқса мунаввардир,
Недир кўнглим, бутун олам,
Нигоҳи бахш этар ором,
Сўлим танҳо, сўлим танҳо.
Кетай дерман шитоб айлаб
Валек йўлим тополмасман,
Еткарурким висолингга
Йўлим танҳо, йўлим танҳо.
Назар этма ўзгаларга
Кўйингда мен адо бўлгум,
Десанг баским мани дилбар
Қулим танҳо, қулим танҳо.
Ишқ султони этди таслим
Темур бўлса ҳамки исмим,
Айру эткай мени сендан
Ўлим танҳо, ўлим танҳо.

ИККИ ОҒИЗ ДИЛ СЎЗИ

Қутлайман!



Эсимда, ўшлик ижодкор Қўлдош Мирзони Ўзбекистон халқ шоири раҳматли Туроб Тўла кашф этганди. Ўшанда унинг тўғрисида қувнаб: «Янги булоқ кўз очди», — деб жамоатчиликка суюнчилаган эди. Бу мўъжиза булоқ сувининг азим дарёга келиб қўшилиши осон бўлмади. Назаримда, бу ҳолни Қўлдош Мирзо қуйидаги сатрларида ифодалагандай:

Ер қаъридан булоқ бўлиб чиқди-ю,
Мовий кўкни кўриб бирам шодланди.
Сўнгра мўъжазгина ариқ бўлиб у,
Улуғ ният билан йўлга отланди...

Бу «жилға»нинг йўли бир қарашда кўпларнинг йўлига ўхшаб кетади. Дастлаб туркум-туркум шеърлар ёзди. Айтмоқчи бўлган гаплари шеърга сиғмай қолди шекилли, насрга ўтди. Эндиликда у «Заррин зарралар», «Қиштлаб қолган қалдирғоч», «Гавҳар», «Жаҳон сеники» номли китобчаларнинг, «Мубтало бўлдим сенга», «Сеҳрли садо», «Бобур Мирзонинг тойлоғи» деган тарихий қиссаларнинг муаллифи.

Қўлдошбой ўзи тасвирлаётган даврни ва турмуш манзараларини чуқур идрок қилиб, юракдан ҳис этади. Улуғ боболар тўғрисидаги қиссаларининг тилида тарихийлик ва қаҳрамонлар суҳанида ажиб намак борки, бу — айни муддао. Қўлдош Мирзонинг ҳикоя ва қиссаларини ўқиганда, мунгли бир оҳанг етовнда бўласиз. Инсоний фожеани, қисмат қийноқларини тасвирлаш, албатта, бадиий адабиётнинг бош ва азалий вазифаси. Унинг ижодидаги мана шу хислатлар менга ёқади.

У Тошкентга ойда-йилда бир келади. Ўта тортинчоқ. Ёзганларини минг бир истиҳола билан кўрсатади. Шу андишали ўшлик укамиз Қўлдош Мирзо эллик ёшга тўлди. Уни кийин фасли билан табриклаб, адабий жараёнда фаолроқ бўлишини тилайман.

Носир ФОЗИЛОВ

ФОЛБИН

ҲИКОЯ

ТЕҲРОН КЎЧАЛАРИДАН БИРИ. Гузар. Турли тусдаги, турли ёшдаги ўткинчи-кеткинчилар беҳисоб.

— Келажагингиздан хабар берадиг, бахтингиз, тахтингиздан айтади. Келинг, бир фол очдиринг. Мана шу Оллоҳнинг безабон махлуқи — жажжи қуш фол кўради. У холис, у ҳақгўй. Одам бўласи эмаски, тамагир бўлса, хушомад қилса, авраса...

Фолбин хирилдоқ ширасиз овоз билан манзират қилади. Бу сўзларни у кунда минг марталаб айтади. Такрорлайвериб безор бўлиб кетади, чарчайди. Бугун негадир унинг сўзлари руҳсиз, умидсиз ҳаволанади.

— Шу гўзал булбулигўё истиқбол исидан, бахтнинг боғидан, қисмат қиличидан сизни огоҳ этади. Бир зум тўхтаб ўтинг. Ҳой нозанин, сизни бахтнинг боғи қизиқтирмайдими? Гулсуврат қиз, истиқболингизни билгингиз келмайдими? Умрингизнинг давоми ҳақида бир сония ўйлаб ўтинг, бойвачча...

Шундоққина йўл устида махсус ясалган жомадон. Ундаги мўъжаз қўналғада ўтирган лиму ранг қушча фолбиннинг гапларини тасдиқлагандай чиёйиқ-ҳақ, чиёйиқ-ҳақ деб қўяди ва қанотларини қоқади. Очиқ жомадондаги бир-бирига қарама-қарши қилиб ўрнатилган ҳавозаларнинг бунисидан унисига пириллаб ўтади. Гоҳо жомадон ичига тушиб, бурчакка тўқиб қўйилган тариқдан чўқийди, ангишвонага ўхшаш идишдан сув ичади.

Кекса, қомати эгик хожаси пастак курсида ўтирибди. Кифтлари калласи бараварида турпиб чиққан. Кўп йиллардан буён шу тахлит ўтирганлиги унинг бутун вужудида шундоққина акс этиб турибди. Ўсиқ қошлари остидаги нурсиз малларанг кўзлари ялинчоқ йилтирайди. Бу кўзлар бир вақтлар тим қора бўлганига ҳозир ишониш қийин...

Фолбиннинг сўзларига оғир халтани аранг кўтариб кетаётган ўмрови чўкик кампир қўлини силтайди, қошкўзини обдон бўяган ўрта ёшли аёл лабини буради. Барваста киши эса унинг сўзларини худди эшитмаётган каби, ажабтовур қушчани ҳам кўрмаётгандай лоқайд ўтади. У ёқдан-бу ёққа ўтаётган одамлар орасидан бир жуфт масъум кўз қушчага ҳайрат билан тикилади. Бу кўзлар анча нарида. Яқинлашишга юраги бетламайди. Чунки фолбин хуш кўрмайди. Фол очиришга эса боланинг пули йўқ. Бола узоқдан қушнинг мўъжизакор юмушини ҳавас билан кузатади.

Фолбин сийқа гапларини қайтаради, одамларни чорлайди, фол очдиришга қистайди. Бўй етган икки дугона унинг олдида ҳайиқиброқ тўхтади. Кўзларида қизиқиш, ҳавас.

— Неча пулга фол очади? — сўради қизларнинг дадилроғи.

— Атиги бир динор.

Қутига диринглаб танга тушди.

— Қани, фариштам, шу гўзалнинг бахти боғидан дарак бергин-чи?

Қушча қанотларини силкитиб, чиёйиқ-ҳақ, чиёйиқ-ҳақ, деди-да, ҳафсала билан бир хил шаклда букланиб, жомадонга тўрт қатор қилиб текис тизилган хатлардан бирини кичкина тумшуғи билан чўқиб олди, эгасига тутди. Фолбиннинг кўк, жигар ранг доғлар қоплаган озғин қўли уни қизга узатди. Енгил ҳаракатланувчи бу абжир қўллар бугун негадир титрар эди.

— Сиз-чи, сиз? Истиқболингиз ҳақида билгингиз келмадими, гулчирой?

Хижолат тортган иккинчи қиз бутун қомати билан ғалати карашма қилди. Дугонаси қўлига қистирилган тангани қутига ташлади. Қуш яна бир мактубчани чўқиб олди.

Мактубчаларни очиб ўқишган қизлар ҳиринглашиб, бир-бирининг пинжига кириб узоқлашишди.

Фолбин одатдаги гапларини такрорлади. Овози қалтираб чиқди. Аъзойи баданида чуқур беҳоллик сезди. Ўзини дадилликка олиб ўрнидан турди. Оёқ-қўли мажолсизланиб жойига ўтирди. Серажин манглайида резареза тер пайдо бўлди. Қуш гўё унинг ҳолини билгандай чиёйиқ-ҳақ, чиёйиқ-ҳақ, деб билагига қўнди, ундан бу қўлига ўтди. Меҳри товлаб қушни силамоқчи бўлди, ҳовуч қилган қўли эпақага келмади. Бу ҳолда унинг кўнгли бузилди. Унинг тақдири, ризқ-рўзи мана шу митти қуш билан боғлиқ. Тўққиз йилдан буён у садоқат билан хизмат қилиб келяпти. Унгача икки қушни ўргатишга ҳаракат қилиб кўрган эди. Бири қўлдан чиқиб қочиб кетган, бошқаси ўлиб қолган.

Бу қуш ҳам учиб кетмасин деб, дастлаб унинг қанотларини қирқди. Ўзига эликтирди. Ҳадемай, қуш ўргатганларини бемалол бажара бошлади. Узун тунлар шам олдида ўтириб, мижозларга маъқул келадиган ёқимли сўзлар топиб, дастадаста қоғоз тўлдирганда, ҳамдамлик қилди. Саъдий, Ҳофиз, Бедил китобларини варақлаб муносиб байтлар қидирганда, тумшуқчасини қаноти остига тиқиб мудраётган қуш қоғознинг шалдирашидан дарҳол уйғониб, чиёйиқ-ҳақ, чиёйиқ-ҳақ деб хожасига ҳамдардлик билдирарди...

Жонивор мана шундан бери ундан нари кетмайди, бебошлик ҳам қилмайди, қочмайди. Қафасга ҳам ўз ихтиёри билан киради. Умрининг кўпроғини қафасдан ташқарида ўтказди. Фақат уйдан гузарга, гузардан уйгагина қафасда келиб кетади. Дастлабки вақтларда қуш мусофир хожасининг кўзига мўлтираб тикилган бўлса, энди хожанинг қушга юраги ачишади: жуфт кўрмай ўтиб кетяпти. Ахир қуш қуш бўлиши керак эди, ҳамжинслари орасида яшаши керак эди... Неча марта қўйиб юборишга жазм қилди, лекин ҳар гал бир фикр шаштидан қайтарди: бу ер ахир қушнинг юрти эмас! Бу ерда унинг турдошлари йўқ. Ўзи сингари қуш ҳам бу ерда ёлғиз, бегона.

Фолбиннинг миясини нохуш ўйлар чулғади. Одамларни фол очтиришга даъват этмай қўйди. Зотан, бунга мадори ҳам йўқ эди. Бу гузарда уни, келгиндилардан бошқа, ҳамма танийди. Уч йилдан бери шу ерда. Бу ер — унинг қуш билан топган тўртинчи манзили. Мажолсиз қўли билан чап қўлтиғидаги ҳамёнини пайпаслади. Шу пуллар билан анча вақт бир қора кунини ўтказса бўлади. Нима қилсайкин? Қуш, мана, ўз ҳолича юрибди, эркин. Учиб кетса, ушлаб қолармиди?

Фолбин тушлик қилмоқчи бўлди. Қутидаги тангаларни олиб, чўнтагига солди. Жомадонни ёпмоқчи бўлган эди, қуш қафас сиртига учиб ўтди. Ундан учиб чап билагига қўнди. Хожаси уни қафас ичига солмади, ўз ҳолига қўйди — кетса, кета қолсин. Йўқ, қуш кетмади.

Фолбин ошхонага йўл олди. Қуш қафас устида маҳкам ўтирганича борар эди. Бояги бир жуфт маъсум кўз бу ҳолни ҳайрат ва ҳавас билан кузатиб турибди. Эргашиб келаётган бу ҳавасманд нигоҳни фолбин ҳис қилиб одимлайди. У тўхтади: ё шу болага бersами? Бир асоратдан иккинчи асоратга ўтказиб берадими? Бунинг қандай афзаллиги бор?

Томоғидан овқат ўтмади. Фақат бир қадаҳ қаҳва ичди, холос. Қуни-суви битдими, нима бало?

Ҳар кунгидан кўра эртароқ кулбасига отланди. Яна қушни қафасга солмади. Ҳолсизгина қадам ташлади. Нохуш ўйлар бадтар ҳолини қуритди. Қушни яна кулбасига олиб кириб кетадими?.. Йўқ. Таваккал қилиб, қўйиб юборади. Яхшиси — шу. Шу азму қарор билан қушни қўлига олди, йўл четига чиқди. Вужудидаги кучни билагига йиғди ва дарахтлар устига иргитди. Қадамини тезлатди. Оёқлари майишиб кетди. Ҳар кунги йўлидан бошқа ёққа бурилди.

У аранг қадам ташлаб борар эди. Оёқлари ерга алпанг-талпанг тушарди. Боши айланди, кўз олди қоронғилашди. Йўлни кўрмаган ҳолда таваккал қилиб кетаверди. Аъзойи бадани қора терга ботган эди.

Тезроқ юриши керак. Ишқилиб, кулбасига етиб олсин-да. Кулбасига етиб олса, бўлди. Энди унинг хаёлида шундан бошқа нияти йўқ эди.

У эшикни очди-ю, оёғига болта урилгандай мункиб кетди, чўккалади. Тиззаларидан дармон кетиб юз тубан йиқилди. Бор кучини йиғиб, чорпояга интилди. Ҳолсизланаётган қўллари билан чорпоя четини тутиб, унга чиқмоқчи бўлди. Чиқолмади. Йиқилди. Оғзи-бурнидан чуқур хўрсиниқ чиқди. Икки қўли билан чорпояга осилиб, бошини унга қўйди-да, жон берди.

●

ФОЛБИННИНГ ТАНАСИ совуганича йўқ эди. Парвоз ва қўрқув-ҳаяжондан ҳарсиллаб қолган қуш кулбага учиб кириб келди. Чорпоя оёғига қўнди. Чорпояга осилган ҳолда қотиб қолган хожасига боқди. Зум ўтмай ҳовлини унинг чиёйиқ-ҳақ, чиёйиқ-ҳақ, деган мунгли овози тутди...

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ҳаким Назир ва Пиримқул Қодиров

АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Махсус мухбиримиз
Хайрулла ИСМАТУЛЛА
Америкадан ёзади

Ўзбеклар ва дунё

АҚШНИНГ ИНДИАНА УНИВЕРСИТЕТИДАН ТАШҚАРИ мен Колумбия, Висконсин-Мэдисон, Иллинойс (Чикаго), Техас (Остен) ҳамда Техас қишлоқ хўжалиги ва уни механизациялаш университетларида бўлдим, ўқиш-ўқитиш ишлари билан танишдим, дарсларга қатнашдим, талабаларнинг саволларига жавоб бердим.

АҚШ университетларининг аксарияти пулли, ўқиш учун талаба пул тўлаши керак. Талабаларнинг ҳар йили университетга тўлайдиган пули ота-онасининг йиллик маошига ва қайси штатдан ёки мамлакатдан келганлигига боғлиқ. Агар ота-онасининг йиллик маоши ўн минг доллардан ошмаса, у талаба ўқиш учун пул тўламайди. Лекин бундайлар оз фойизни ташкил этади. Агар талаба университет жойлашган штатдан бўлса, у ҳолда нисбатан кам пул тўлайди. Кўпинча ўқиш учун пул тўлаш талаба танлаган факултетга ҳам боғлиқ.

Мен бўлган университетларда талабалар ўқиш учун йилига олти мингдан ўн олти минг долларгача ҳақ тўлашар экан. Бунинг устига ётоқхона ва китоб-дафтар нархи ҳам жуда қиммат. Бу соҳада бир енгиллик бор: агар талаба АҚШ армияси сафида хизмат қилган бўлса, пул тўлашдан озод этилади ёки кам тўлайди. Шу сабабли кўп талабалар бўш вақтларида, айниқса таътил даврларида ишлашади. Бу ерда ишнинг яхши-ёмони бўлмайди, ишга ҳақ асосан соатига қараб, соатбай тўланади. АҚШда бир соат ишга уч доллар — у олтмиш сентдан (тийиндан) кам тўланмайди, деб ёзиб қўйилган ҳужжатларда, лекин одатда ишга олувчи ишламоқчи бўлган киши билан ҳақ тўғрисида ўзаро келишиб олади.

АҚШ университетлари жуда катта, хоналар танқислиги йўқ. Ҳар бир профессорнинг ўз хонаси, ҳар бир факултетнинг ўз кутубхонаси, китоблардан нусха кўчириш қурилмалари, компютерлари бор. Университетларнинг ҳар бирида ўрта ҳисобда 30—45 минг талаба билим олади: Индиана университетида 35 минг, Техас (Остен) университетида 45 минг, Висконсин-Мэдисон университетида шу университет чиқарган китобчада кўрсатилишича, «43 минг 695 та. Шулардан 22 минг 290 таси толиблар, 21 минг 405 таси толибалар. Чет эллардан келганлар уч минг тўқсон олтита».

Университет ётоқхоналари жуда қулай, шинам. Барча қулайликлар мавжуд, ҳатто Москва телевидениесининг биринчи программасини кун-у тун кўриш мумкин. Бироқ ўта даражада қиммат. Менга докторантлар турадиган иморатдан жой беришди. Хона яхши, телефонидан бутун дунё билан гаплашса бўлади, аммо ҳар ойига тўрт юз долларга яқин ижара ҳақи тўлашим керак. Фақат мен учун эмас, барчага баробар. Агар бирор меҳмон бир неча кунга келса, унда кунига 19 доллардан тўлайди. Бу яна АҚШ миқёсида энг арзон саналади.

АҚШда ҳар университет энг яхши олимни, машҳур профессорни ўз штатига олишга ҳаракат қилади. Сабаби, бу ерда талабалар қайси профессорлар дарс беришига қараб университет танлайдилар («Мен фалончи профессорда ўқимоқчиман» деган ниятда). АҚШ да университет талаба танламайди, балки талабалар университет танлайдилар.

Университет профессорларининг ойлик маошлари бошқа мамлакатлардагига нисбатан юқори. Бир ўқитувчи одатда иккинчи ҳамкасбининг ойлиги миқдорини билмайди. Ойлик биздагига ўхшаб умумий бир рўйхатга — ведомостга қўл қўйиб олинмайди. Ҳар ойнинг биринчи куни ҳар бир ўқитувчига конвертга солинган чекни деканнинг ёрдамчиси беради. Чекка исмишарифингиз, мансабингиз ва ойлик миқдори ёзилган бўлади. Хоҳлаган банкка бориб пул олишингиз мумкин. АҚШ университетларида профессорлар бир йилда тахминан 25 минг доллардан 50 минг долларгача маош оладилар. Айрим факультетларда, масалан, бизнес, тиббиёт, математика факультетларида йиллик иш ҳақи бундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Университетга ишга кирмоқчи бўлган ўқитувчи-профессорнинг олдига қўйиладиган талаблардан бири — ўз соҳасидаги учта таниқли олимнинг у ҳақдаги ёзма фикри керак. Бу университетларда биздагига ўхшаб «кетганингга шукур», деб, қўлидан иш келмайдиган ўқитувчига яхши тавсиянома ёзиб бериш одати йўқ. Мабодо, бирор машҳур олим номаъқул кишига мактаб тавсиянома ёзса, унинг ёлғон тавсияси тезда ошкор бўлади, иккинчидан, у олим ўз обрўйини кетказади, илм аҳли ҳам унга ишонмай қўяди. Шу сабабли, ўз қариндош-уруғини, таниш-билишини ёмон бўлса ҳам яхши деб ёзиб бериш касали ҳали буларга юққан эмас.

АҚШ университетларининг четдан келган киши кўзига ташланиб турадиган томонларидан яна бири, бу — АҚШ университетларида таълим олаётган, жаҳоннинг барча мамлакатларидан келиб ўқиётган ёшлар. Бу университетларда Оврупо, Осиё, Африка, Австралия, Лотин Америкасининг барча мамлакатларидан келиб таълим олаётган талабаларни учратиш мумкин. Айниқса Японияндан келиб ўқиётган ёшлар жуда кўп. Бунинг сабаби, Япония ҳукумати ўқиш системасини шундай қурганки, ёшлар учун Японияда таълим олгандан кўра Ғарбий Оврупода ёки АҚШда таълим олиш арзонга тушади. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони, японияликлар талаба ривожланган мамлакатда ўқиса, у ердаги технологияни ўрганади ва кейинчалик уни ўз ватанида жорий этади ҳамда ўқиш мобайнида чет эл бозорини, иқтисодини яхши билиб олади.

ИНДИАНА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ яқинда босилиб чиққан расмий маълумотида кўрсатилишича, унда ўқиётган 35 минг талаба орасида Россиядан тўрт аспирант-математик Григорий Чечкин, иқтисоддан Сергей Ковалёв, кимёдан Елена Путилина ва фалсафадан Димитрий Зайцев бор, холос. Бизнинг Ўрта Осиё жумҳуриятларидан келиб илм олаётганларни учратмайсиз, Ўзбекистон Октябр тўнтаришидан кўп ўтмай, 20-йилларнинг биринчи ярмидан бошлабоқ, ўзи иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда бўлса ҳам, ўз фарзандларини Оврупога илм олишга кўплаб юборганди. Бу ўқишга борганларнинг кўпчилиги аниқ фанлардан етук мутахассис бўлиб етишгандилар. Бироқ 30-йиллари бошланган ёвузлик борганлар тақдирини фожиага айлантирди ҳамда хорижга бориб ўқишга чек қўйди.

Ҳозирги кунга келиб жумҳуриятимиз раҳбарлари бу масалани ҳам ҳал қилиш йўлларини ахтаришмоқда. Икки иқтисодчи олимимиз, бир ҳуқуқшуносимиз яқинда АҚШнинг Ҳарвард университетида олти ой ўқишда бўлди. Яна кўплаб ёш олимларни ўқиш учун чет элларга юбориш тадбирлари кўрилаётганлиги келажакка умид билан қарашга имкон беради.

Висконсин-Мэдисон университетидаги Халқаро йиғилишда мен бир неча дақиқа Қозон университети ректори, профессор М. Усмонов билан Чикаго шаҳрига жойлашган Америка Ислом коллежининг президенти профессор Асад Ҳусайнга таржимонлик қилдим. Коллежнинг президенти Қозон университети ректорига Америка Ислом коллежига студент ва аспирантлар юборишни таклиф этди. Президент Асад Ҳусайн келган талабаларга ҳам моддий, ҳам маорифий ёрдам берилиши ҳақида гапирди. Маорифий ёрдамга, агар келган талаба инглиз тилини билмаса, бир йил давомида тайёрлов курсларида ўқитилиш киради. Коллеж президенти Ўрта Осиё жумҳуриятларидан ҳам талабалар таклиф қилиш ниятида эканлиги ҳақида гапирди.

Ўқишга сарфланган ҳар қандай харажат тез фурсат ичида ўзини оқлаши ҳаммага маълум ҳақиқат. Биз ҳам тезлик билан бу ишга киришсак, яқин 5—10 йил ичида бозор иқтисодиёти, бизнес, тиббиёт, электроника ва умуман техникавий фанлар бўйича замонавий билимга эга дастлабки мутахассисларни етказиб чиқаришга улгурган бўлардик.

АҚШ университетларининг ўрганса арзийдиган яна бир томони, бу — уларнинг кутубхоналаридир. Бирор мамлакатда илм қандай аҳволда эканлигини билиш учун унинг китоб дўконларини ва кутубхоналарини кўриш кифоя. АҚШ университетлари кутубхоналари жуда катта, тоза, шинам ва тинч. Хоҳлаган китобни бир-икки дақиқада топиш мумкин. Ҳар бир кутубхонада мавжуд китоблар номи ёзилган қутичалардан ташқари ўнлаб компютерлар ҳар қадамда турибди. Компютерга истаган китобингизнинг номини ёки муаллифнинг номини ёзсангиз, ўша дақиқа қаерда сақланаётганини кўрсатади. Айниқса, Индиана университетининг Асосий кутубхонаси алоҳида ажралиб туради. Бу қутубхонага кириш учун ҳеч бир ҳужжат керак эмас. Бунинг устига ўз китобларингизни ҳам олиб киришингиз мумкин. Савол туғилади: «Китоб ёки зарур варақларни олиб чиқиб кетишлари мумкин-ку?» — деган. Бу ерда сақланаётган барча китоб варақларига магнит заррачалари ўтказилган. Агар бирор кимса, бизнинг кутубхоналардагига ўхшаб бирор варақни олиб чиқса, биринчидан, эшик очилмайди, иккинчидан, чиқиб кетаётганида қаттиқ қўнғироқ чалинади.

Колумбия, Индиана университетларининг кутубхоналарида ўзбек тили, адабиёти ва тарихига оид бутун дунёда чоп этилган барча китоблар сақланмоқда. Ҳатто бизнинг жумҳуриятимизда ўзбек ва ўрис тилларида чиққан жуда кўп китоблар — улуғ Алишер Навоий асарларидан Абдулла Орипов китобларигача ўзбек адабиётига ажратилган алоҳида жавонларда авайлаб, зарур ҳароратда сақланмоқда. Мен бу кутубхоналарда Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Машраб қиссаси қўлёзмаларини, Алишер Навоий, Бобурнинг хорижий мамлакатларда икки аср мобайнида нашр этилган барча асарларини топишга муваффақ бўлдим.

Бу кутубхоналарни кўриб, ўзимизнинг кутубхоналарни эслайман. Жумҳуриятимизнинг Бош кутубхонаси ҳисобланмиш — Навоий кутубхонаси бир неча йиллардан бери ачинарли аҳволда. Кутубхонанинг янги биноси йўқ, китобларнинг путури кетган, қидирган китобингни бир неча кун кутишга тўғри келади. «Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ» мисраси шу кутубхонага атаб ёзилгандек туюлади...

АҚШ университетларининг театрлари кишини ҳайратга солади. Биргина Индиана университетида иккита театр биноси бор: бири 400 ўринли, иккинчиси 3800 ўринли. Бу жойлар ҳеч вақт бўш қолмайди. Кўпинча саҳна ўйинлари, ашула, мусиқаларга талабалар бепул, текин қўйилади. Университетнинг театр санъати факультети ҳам шу икки театр ёнига жойлашган. Кундуз кунлари театрларнинг саҳна майдонлари талабалар ихтиёрида бўлади.

АҚШ университетларининг яхши, ўрганса арзийдиган томонлари кўп. Лекин шу билан бирга, бизнинг юртимизга мос келмайдиган, татбиқ этиб бўлмайдиган томонлари ҳам топилади. Донишманд кишилар «Яхшини кўриб, шукур қил, ёмонни кўриб, фикр қил», деганларидек, биз ҳам жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатидан ўзимизга мос келадиган фойдали томонларни ўрганишимиз лозим. Ўзгалардан орланиб сўрамасдан, сунъий ғурур билан ўрганмасдан, келажак тараққиётимизга золим бўлиб қолмайлик.

Индиана университети
Блумингтон
АҚШ

ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

МЎЙМИНОВ САБОҚЛАРИ

Атоқли олим, дилбар инсон, меҳрибон устоз, улкан фан ташкилотчиси, Ўзбекистонда янги фалсафа мактабининг асосчиси Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий мероси ҳар хил баҳс-мунозаралар, турлича ёндашув ва баҳоларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу табиийдир. Чунки улкан аллома қолдирган илмий мерос ижтимоий фанларнинг деярли барча соҳаларига дахлдор бўлиб, кўп қиррали ва кенг қамровликки, унга бир томонлама ёндашиш асло мумкин эмас. Яқинда Ўзбекистон Фалсафа жамияти ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан ўтказилган олимлар йиғилиши Иброҳим Мўминов сабоқларига бағишланди. Йиғилишни Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳамедов олиб борди. Унда академик Э. Юсупов маъруза қилди, ЎзФА академиклари И. Искандаров, М. Хайруллаев, Ш. Шоабдураҳмонов, академия мухбир аъзолари А. Аъзамхўжаев, С. Азимжонова, М. Баратов, А. Валиев, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Сандов, филология фанлари докторлари И. Абдуллаев, Т. Мирзаев, фалсафа фанлари докторлари А. Аҳтамов, М. Нурматов, О. Файзуллаев, Қ. Хоназаров, тарих фанлари докторлари Қ. Фозилхўжаев, А. Ўринбоев, тарих фанлари номзоди Қ. Муниров, Иброҳим Мўминовнинг ўғли, тиббиёт фанлари доктори А. И. Мўминов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Қуйида ана шу йиғилишда ўртага ташланган айрим фикр-мулоҳазаларни муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

С. Шермуҳамедов: — Атоқли аллома Иброҳим Мўминовни хотирлаш, унинг ўгитларини эсга олиш, илмий меросига яна бир бор назар ташлаш ижтимоий фанларимизнинг бугунги ривожи учун ғоят муҳимдир. Чунки у Ўзбекистондаги янги фалсафа мактабининг кўплаб йўналишларини биринчи бўлиб бошлаб берган ва ривожлантирган аллома, илмий-ташкилий жабҳаларда ёқ раҳбар, ё иштирокчи сифатида биринчилардан иш бошлаган олимдир. Чиндан ҳам И. Мўминов халқимизнинг ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихининг, ўрта асрларнинг сўнггидаги буюк мутафаккир Бедил фалсафий қарашларининг, немис файласуфи Гегель диалектикасининг биринчи тадқиқотчиси эди.

Биринчи бўлмоқ ҳамиша оғир кечган. Бу йўқни бор қилиш билан баробар. Иброҳим Мўминов бошлаган ёки у қўл урган ишларга бугуннинг кўзи билан қарасак ҳам, у биринчиликни аъло даражада бажара олганлигини ва ижтимоий фанларни, хусусан, Ўзбекистонда фалсафа илмини юксакликка кўтарганини комил ишонч билан таъкидлай оламиз. Унинг буюк хизмати ҳам ана шундадир.

Э. Юсупов: — Иброҳим Мўминов кенг қамровли аллома эди. Мен буюк аллома илмий меросини ҳар томонлама таҳлил қилмоқчи эмасман, балки ана шу улкан илмий меросдан келиб чиқадиган сабоқларнинг айрим нуқталарига диққатни тортмоқчиман.

Маънавий қадриятларни ҳурмат қилган ва ўрганган одамгина баркамол бўлади. Миллий тарихни билган кишигина миллатини билади. Маънавий қадриятларни ҳурмат қилиш ва миллий тарихни билиш эса, инсонда ўзига хос миллий ғурур ва ифтихорни тарбиялайди. Биз эса, миллий тарихимизни яхши билмаймиз. Форобий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Замахшарий, Яссавий, Нақшбандий каби буюкларимизни кам биламиз, улар билан ифтихор қилишни ўрганмаганмиз. Иброҳим Мўминов тадқиқотлари, хусусан, унинг Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тарихига бағишланган асарлари эса бизни бунга даъват этади, миллий тарихимиз ва маънавий қадриятларимизни ҳар томонлама ўрганишимизга кенг йўл ва катта имкониятлар очиб беради. Олим илмий меросининг умрбоқийлиги ва ҳаётийлиги шу эмасми?!

Иброҳим Мўминов тарихий шахслар ва уларнинг хизматларига баҳо берганда, уларнинг аждодларга нисбатан нима қилганлиги ва биз авлодларга нима қолдирганлигидан келиб чиқар эди. Аллома тарихий шахсларга, хусусан, ҳаёти ва фаолияти анча мураккаб, зиддиятли, шу билан бирга жуда ҳам буюк давлат арбобларига баҳо беришнинг ёрқин намунасини «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари орқали кўрсата олди. Шунинг учун ҳам бу асар олим ҳаётлигида ҳам, ундан кейин ҳам турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Одатда бундай мунозаралар бир ёқлама кечди, кўп ҳолларда кимларнингдир қутқуси билан амалга оширилди. Бундай қутқу ва тазйиқлар олимни қаттиқ ҳаяжон ва изтиробга солди, оқибатда навқирон умрнинг сўнишига ҳам олиб келди... Аммо унга тош отганлар, қарши бўлган одамлар илм кишилари эмас эди, балки олимлик ниқобига ўралган сиёсий одамлар эди, Москва топшириғини бажараётган югурдаклар эди. Бугунги давлат мустақиллигимиз ҳақида дастлабки тамал тошларидан бирини қўйган, халқимизни қаддини ростлашга даъват этган ва ўзлигимизни англашга ундаган буюк бобокалонимиз Темур ҳақидаги китоб тўғрисида салбий тақризларнинг Москва журналларида босилиши ҳам ана шу билан изоҳланади. Иброҳим Мўминов эса, бу тенгсиз олишувда ёлғиз қолди, бир ўзи жанг қилди. Биз унга мадад бера олмадик. Аммо у парво қилмай, ўзига ҳамфикр сафдошлари ва шогирдларини тўплаб, темурийлар даврини ўрганишда давом эта берди: Самарқандда темурийлар даври санъатига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумга бош-қош бўлди, «Темур тузуклари»ни рус тилида нашр этди, буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг факсимиль нашрининг чиқишига бошчилик қилди... Аммо тўхтовсиз тош отишлар ва тазйиқлар ўз ишини кўрсатди: маънан ғолиб аллома жисман мағлуб бўлди. Биз эса, юрак ҳовучлаб, томошабин бўлиб турдик. Чунки тазйиқ шамоли Москвадан эсаётган эди. Биз учун эса, Москванинг гапи — гап, Москванинг сўзи — сўз. Чунки ҳур фикрлиликка, ўз сўзимизни айтишга ўрганмаганмиз. Бу энди оддий хато, камчилик ёки кўрқоқлик эмас, балки бизнинг сиёсий фожиамиз эди.

Биринчи ўзбек миллий қомусини яратиш унинг зиммасига тушганлиги ҳам бежиз эмас. У ўзининг илмий-ижодий зиёлилар ўртасидаги катта обрўси билан Қомус бош таҳририяти ишини тез орада мукаммал йўлга қўйишга шароит яратиб бера билди, чуқур билими туфайли чигал масалаларни зудлик билан ҳал қилишга имкон яратди. Иброҳим Мўминов вафот этганда, Қомуснинг тўрт жилди нашр этилган, 10-жилд босмахонага топширилган, қолган жилдларнинг муаллифлар жамоаси аниқланган ва бир маромда иш кетаётган эди. Ўзбек миллий қомуси алломанинг ўзига қўйиб кетган муносиб ҳайкалдир. Аммо у нур тарқатадиган, зиё сочадиган ҳайкалдир. Ҳали кўп авлодлар ундан зиё ва маърифат олғусидир. Олимнинг илмий жасорати ва абадийлиги шу эмасми?!

Иброҳим Мўминов қарийб 20 йил Ўзбекистон Фанлар академиясида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу йиллар ниҳоятда оғир ва зиддиятли эди. Ана шундай даврда фанни, бунинг устига сиёсий партия йўриғига боғлиқ бўлиб қолган ижтимоий фанларни бошқариш осон бўлмаган. Аммо домла ҳар бир ишда, ҳар бир янги ташаббусда ҳақиқат ва адолат йўлини тутган, ижтимоий фанлардаги истиқболли соҳалар ва устивор йўналишларни асосан тўғри белгилай олган. Шунинг учун ҳам бу йилларда Академия таркиби жиҳатидан ғоятда кенгайди, кўпгина янги илмий текшириш институтлари ва бўлимлар очилди, олимлар шаҳарчаси барпо этилди, «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбетон фани тарихи», «Ўзбек тилининг академик грамматикаси», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» каби фундаментал тадқиқотлар нашр этилди, ўзбек адабиёти, тили, фольклори ва тарихи ёдгорликларини, ёзма манбаъларни нашр этишнинг мустаҳкам илмий асослари яратилди.

Биринчи қадамлар, албатта, нуқсонли бўлади, чунки ҳали қилинмаган ишга қўл урилади, ҳали ўтилмаган йўлдан ўтишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бугун устознинг қай бир қарашлари эскирган, қай бирлари хато бўлиши мумкин. Ҳатто қай бирлари даврнинг тазйиқи, сиёсий партиянинг қутқуси билан юзага келгандир. Аммо ана шу хатолар, иккиланишлар, зиддиятлар остида ҳам катта қалбнинг катта самимияти ётибди. Бунинг устига, бугунги кун билан ҳамоҳанг бўлмаган, аммо бошимиздан кечган давр шарт-шароити билан изоҳлаш мумкин бўлган бундай нуқталар Иброҳим Мўминов фаолияти ва илмий меросида асосий ўрин тутмайди. Шунинг учун ҳам устоз илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш ва ундан сабоқ олиш, унинг шогирдлари бошини қовуштириб, янги-янги ишларга йўллаш алломанинг порлоқ хотираси олдидаги бизнинг инсоний бурчимиздир.

И. Искандаров: — Иброҳим Мўминовдаги юксак ҳофиза қудрати, чуқур билим, одамларга муносабат ва уларни билишдаги ўзига хослик кишини ҳайратга солади. Унинг вафотидан иккиуч ой олдин 1974 йилнинг апрелида «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» монографияси қўлёзмасининг муҳокамаси бўлди, яъни аниқроғи, муаллифлар жамоаси билан асар масъул муҳаррири И. Мўминовнинг ўзига хос мулоқоти ўтказилди. Шунда аллома икки соат давомида қўлёзма ҳақида батафсил ўз мулоҳазаларини баён этди. Бу танқидий мулоҳазалар шу даражада асосли эдики, оқибатда турли фан вакилларидан ташкил топган муаллифлар жамоаси уни қабул қилишга мажбур бўлди. Чунки устоз тилчи билан тилшунос сифатида, фольклорчи билан фольклорист сифатида, экономист билан иқтисодчи олим сифатида баҳс юритаётган эди. Фаннинг бир қанча соҳаларида бундай билармонлик касб этиш алоҳида одамларгагина муяссар бўлган.

Иброҳим Мўминов ижтимоий-гуманитар институтларида ишлаётган профессорлару бўлим мудирларинигина эмас, балки аспиранту лаборантларгача шахсан танир эди. Ходимлар ҳам унинг қабулига катта умид ва ишонч билан эркин бора олар эдилар. Шуниси қизиққки, ҳеч ким навбат кутиб қолмас, чунки қабул куни ва соатлар қатъий белгилаб қўйилмас, унга мурожаат этувчи шахс исталган пайтда унинг қабулида бўла олар эди.

А. Сандов: — Мен Иброҳим Мўминовни шахсан кўрган ва таниган эмасман. У киши вафот этганда мактаб ўқувчиси эдим. Аммо бугун у кишининг табаррук номи билан аталаётган Фалсафа ва ҳуқуқ институтини бошқарар, у киши қилган ишлардан кўпроқ воқиф бўлар, аллома илмий меросини янада чуқурроқ ўрганар эканман, Иброҳим Мўминов ёди ва иши биз учун жуда катта бирлаштирувчи кучдир, деган қаноат ҳосил қиламан, улкан алломанинг фаолияти ва асарлари ўзига хос дорилфунун, дегим келади. Чунки И. Мўминовни тарихчи тарихнавис, ҳуқуқшунос ўзига ҳамкор, шарқшунос ва тилчи ёзма манбаларни нашр этишда кўмакдош, деб билади. Бундай бўлиши табиийдир. Чунки аллома, менинг ҳисобимга кўра, ўтмишда ўтган 51 мутафаккир ижоди ҳақида қалам тебратган экан. Бу мутафаккирларнинг фаннинг турли соҳаларига мансублигини ҳисобга олсак, устознинг қомусий олим эканлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Мен бир ҳуқуқшунос сифатида устознинг юридик фанлар соҳасига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Ҳуқуқий таълимот сиёсатнинг чизиғидан бир қадам чиқмай, унинг йўриғига айланган, оқибатда ўз мавқеини йўқотиб, у билан қўшилиб кетган бир замонда алломанинг «Темур тузуклари»ни нашр этиши жуда катта жасорат эди. Модомики, «Темур тузуклари»ни катта бир юридик асар, ўз замонасининг ўзига хос конституцияси сифатида тан олар эканмиз, бу жасоратни ҳам унутмаслигимиз керак.

М. Хайруллаев: — Домла оқар дарё эди. Дарёга тўсиқ солишга уринувчилар, унинг зилол сувини ифлослантирувчилар бўлади. Аммо шу тиниқ сувдан баҳраманд бўлган, ундан тўйиб-тўйиб ича олган биз шогирдлар ҳамма вақт унга муносиб бўла олмадик, домлани тазйиқ ва тош отишлардан асраб қола олмадик. Оқибатда улкан аллома даврнинг, замоннинг қурбони бўлди. Ҳатто вафотидан ўн йил ўтгач, шундай «қайта қуруувчилар» чиқдики, устознинг хотирасини оёқости қилмоқчи, Темур ҳақидаги ҳалоллик билан ёзилган китобини баҳона қилиб, Фалсафа ва ҳуқуқ институтидан унинг номини олиб ташламоқчи, унга ўрнатилган хотира лавҳасини бузмоқчи бўлдилар. Бундан ортиқ жаҳолат ва худбинлик бўладими?!

Ш. Шоабдураҳмонов: — Иброҳим Мўминовдан катта илмий мерос қолди. Бу меросни ўрганиб, тадқиқ этиб ўзбек фанида Иброҳим Мўминов тутган ўринни белгилаб беришни фаншуносларга қолдириб, ҳозирги кунда жуда ноёб бўлиб қолган қадриятларни тиклашда ўрнак бўла оладиган Мўминов ўрнаклари — ўзига хос инсоний хислатлари ҳақида қисқагина гапиришни лозим топаман.

Мўминов табиатан юмшоқ, мулойим (адолатсизликка эса, муросасиз), одампарвар, бағри кенг, меҳрибон, фикрида қатъий, сермулоҳаза, кечиримли, инсофли эди. У ҳамиша одамларга яхшиликни раво кўриши билан ажралиб турарди. Домла ўзбек илми тараққиётини юқори малакали кадрлар етиштиришда кўрарди.

И. Мўминов ижтимоий фанлар бўйича ҳимоя кенгаши раиси бўлган вақтларда кўп сонли илмий даражали мутахассислар етишиб чиқди. Шуни айтиш керакки, ижтимоий фанлар соҳасида самарали меҳнат қилаётган илмий кадрларнинг ҳозирги авлодини ҳеч иккиланмай И. Мўминовнинг шогирдлари дейиш мумкин.

Эсимда: собиқ СССРнинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада бўлган илмий йиғилишга, Ашгабот шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё тарихи, адабиёти ва санъатига бағишланган ЮНЕСКО нинг конференциясига ўзи билан бир неча ёш олимларни ҳам олиб борган эди. Уларнинг чиқишларини кўриб ич-ичидан қувонганининг шоҳиди бўлганман. Кейин билсам, домла шу йўсинда шогирдларини ота бургутдай узоқ ва баланд парвозларга ҳозирлар экан. Устознинг бу хислати ҳам бир сабоқ бўларлидир.

1963 йил. Менинг докторлик ишим юзасидан бўладиган ҳимоя йиғилишида Кенгаш раиси Мўминов қатнаша олмади. Ҳиндистон сафари муносабати билан Москвага кетган эдилар. Ҳимоя маросими тугаллаб қолганда, мени телефонга чақираётганларини айтишди. Домла Москвадан қўнғироқ қилаётган эканлар, ҳимоя тафсилотларини сўрадилар, кейин «ҳаммаси яхши бўлади, энди Ҳиндистонга бориб келсак бўлади» дедилар мени олдиндан табриклаб. Ўшанда домланинг безовта бўлганидан бироз ҳижолат чекканман бўлсам-да, одамлар севинчига севиниш, қайғусига шерик бўлишдай бир бахт бор эканлигини ҳис қилган эдим.

Тарихимизни эъзозлаган асарлари устида қора кўланкалар пайдо бўлганда ҳам домла ўз фикрларида қатъий турди, машъум давр тазйиқлари у кишини иккилантира олмади, ҳаётининг охиригача ўзи ишонган илмий қарашларга содиқ ва собит қолди. Ҳур фикрлаш ва янгича тафаккурнинг тантанаси домланинг ҳақ эканлигини кўрсатди.

А. Аъзамхўжаев: — Олдимизда Иброҳим Мўминов ўз вақтида қўйган муаммоларни эндиликда янги давр талабига асосан чуқур ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Дарҳақиқат, Иброҳим Мўминов ўз илмий изланишларида ўзбек халқининг ўтмишига оид кўпгина муаммоларни кўтариб, ижтимоий фанга катта ҳисса қўшди. Ана шулардан бири Амир Темур масаласидир. 60-йиллардаги вазият ҳаммамизга маълум. Марказга ёқмаган фикрни айтиш ниҳоятда хавфли эди. Ана шу йилларда Иброҳим Мўминов мардоналик билан Амир Темурнинг тарихдаги ролини янги манбаъларга асосланиб, қайта кўриб чиқишни ўртага ташлади.

Амир Темур ҳақида илмий маъруза қилди. Кейинчалик Темур ҳақида махсус китоб чиқарди. Бу китоб республикамиз мустақилликни мустаҳкамлаётган ҳозирги вақтда катта аҳамият касб этади. Эндиликда Темур муаммосини ҳар тарафлама пухта ишлаш айни муддаодир. Бу ишда Иброҳим Мўминов асарлари катта роль ўйнаши шубҳасиздир.

Иброҳим Мўминовнинг дадиллик билан қилган ишларидан яна бири «Темур тузуклари»ни нашр эттиришидир. Бу тарихий ҳужжат Темур давридаги ижтимоий тузум, давлатнинг моҳияти ни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқшуносларнинг учун эса алоҳида қимматга эгадир. Юқорида ўртоқлар ҳаққоний таъкидлаганидек, И. Мўминов илм-фаннинг атоқли арбобигина эмас, неча ўнлаб олимларнинг мураббийси ҳамдир. У киши фақат файласуфларгагина эмас, балки ижтимоий фаннинг барча соҳаларидаги олимларга ёрдам қилини узатган олийжаноб шахс эди. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам Иброҳим Мўминов ёрдамидан баҳраманд бўлганлардан биридир. Ғоятда талабчан, интизомли, ўзининг юриш-туриши билан ҳам сабоқ бера оладиган Иброҳим Мўминов қолдирган илмий меросни ўрганишга бағишланган бу йиғин биринчи қадамдир. Бу қадам хайрли бўлсин, Иброҳим Мўминов меросини ўрганиш узлуксиз давом этсин. Зеро, бу биз тириклорнинг буюк инсон хотираси ва сиймоси олдидаги бурчимиздир.

А. Валиев: — И. Мўминов Тошкентга 1955 йилда кўчиб келди ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтига раҳбарлик қила бошлади. У даврда бутун Ўзбекистонда фан докторлари сони 40—50 тагина эди. Фалсафа соҳасида эса атиги 2 фан доктори бор эди (И. М. Мўминов ва В. Й. Зоҳидов). Фан кандидатлари ҳам саноқли эди.

Институтга келган кундан бошлаб И. М. Мўминов республикада фалсафа фанини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашни режалаштирди. 1955 йилнинг охирида шу институт қошида фалсафа бўлими очилди. Бир йилдан сўнг бу бўлим Академия Президиуми қошидаги мустақил фалсафа ва ҳуқуқ бўлимига айлантирилди ва 1958 йилдан эса, мустақил Фалсафа ва ҳуқуқ институти мақомини олди. Тез орада фан докторлари ва кўплаб фан кандидатлари етиша бошлади. Кўпчилик олий ўқув юртларида мустақил фалсафа кафедралари ташкил топди. И. М. Мўминов файласуфлар олдига дастлаб олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланмалари тайёрлаш вазифасини қўйди. 60-йилларда кетма-кет диалектик материализм, тарихий материализмдан ўқув қўлланмалари чоп этилди. И. М. Мўминов бу ишларга бош-қош бўлдилар, ўзлари айрим бобларни ёзиб бердилар ва умумий таҳрирни амалга оширдилар.

1967 йилда мен докторлик диссертациясини ёқлагач, 1968 йилдан мени И. М. Мўминов тавсияси билан Қомус бош муҳаррирининг ўринбосари этиб тасдиқлашди. Ўша йиллар ниҳоятда мураккаб, зиддиятли йиллар эди. Москванинг мустамлакачилик, зўравонлик сиёсати ниҳоятда авжига чиққан, арзимаган нарсалар учун одамларни миллатчиликда айблаб, қувғин қилиш одатга айланган эди.

Қомус — халқ иқтисоди, маданияти, фани, урф-одати, анъаналари, хуллас, бутун ҳаёт-мамоти кўзгуси. Унда ҳар бир тарих, воқеалар, шахслар объектив равишда берилиши лозим. Ўша даврнинг қанчалик зиддиятли, мушкуллигини Қомусда босиш учун тайёрланган ва аксилинқилобий, социализмга, совет тузумига қарши деб топилган ҳаракатлар, шахслар ҳақидаги материаллар тақдирини ҳал қилишда кўрдик. Масалан, Қомуснинг дастлабки жилдларида Амир Темур, Беҳбудий, жадидлик, жадидлар ва шу каби мақолаларни тарих ва фан нуқтаи назаридан ниҳоятда адолатли ва ҳар томонлама бериш керак эди. И. М. Мўминов шахсан Амир Темур

Давоми еттинчи бетда

СУРАТДА: Иброҳим Мўминов атоқли ёзувчилар Садриддин Айний ва Ойбек билан. 1944 йил

ИШБИЛАРМОНЛИК МЕЗОНИ

Шу кунга қадар давлат қарамоғида бўлиб келган маданий муассасалар иқтисодий танглик шароитида қўшимча даромад эвазига кун кечирмоқдалар. Хусусан, кўпгина кутубхоналар ноёб, кам нусхадаги китобларни уйда фойдаланишга бериш, қарздор китобхонлардан жарима олиш, ошиқча ёки кутубхона йўналишига тўғри келмаган адабиётларни ким ошди савдоси йўли билан сотиш, кутубхона биносини ижарага бериб туриш, оммавий тадбирларни ўтказиш, турли рўйхатларни тайёрлаш каби ишлар билан шуғуллана бошладилар. Лекин ишбилармон кишилар бу билангина чекланиб қолмадилар. Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят кутубхонасининг директори Николай Апаев ташаббуси билан кутубхона учун 60 гектардан ошиқ ер олиниб полиз экинлари экилди, асаларичилик йўлга қўйилди. 1991 йили ана шу ердан икки миллион сўмга яқин даромад олинган. Шу билан бирга кутубхонада бичиш-тикиш устахонаси, стоматолог хизмати, видеосалон, бильярдхона, ўйинхоналар ҳам ташкил қилинган. Вақти-вақти билан ким ошди савдоси ўтказиб турилади. Кутубхонани таъмирлаш учун давлат томонидан 8 минг сўм ажратилган бўлса, кутубхона даромад ҳисобидан 28 минг сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширди. Юмшоқ мебеллар, учта компьютер, нусха кўчирувчи «Ксерокс» аппаратлари сотиб олинди, кутубхона ходимларининг маоши ошди. Тажриба сифатида қулай ва кўркам мебел, ойнаванд китоб жавонлари ишлаб чиқариляпти. Келгусида ўқув залларидаги китобхонлар учун мутолаа пайтида бепул чой ва қаҳва тарқатиш режалаштирилган. Аввал кутубхонага 390 номдаги газета-журналга обуна бўлиш учун 4 минг сўм ажратилган бўлса, 1992 йил кутубхона 8224 сўмлик 652 номдаги газета-журналга обуна бўлди. Кутубхонада маркетинг бўлими ҳам ташкил этилган. Кутубхонага ишга олинаётган йигит-қизларнинг қобилияти, билими, дунёқараши ва ижодкорлигига алоҳида эътибор берилади.

Кутубхона жамоаси мижозларга ўзига хос хизмат кўрсатади. Мижоз кутубхонадалигида унинг уй-рўзғор юмушларини махсус ёрдамчи ходимлар бажаради. Фақат бу маиший хизмат учун китобхондан ҳақ олинади.

Хуллас, янгича хўжалик шароитида янгича иш олиб бораётган бу кутубхона фаолияти билан республикамиз кутубхоначилик жамоасини яқиндан таништириш мақсадида республика Маданият ишлари вазирлиги шу кутубхонада икки кунлик семинар-практикум ўтказди.

Семинар-практикумда барча республика, вилоят кутубхоналарининг директорлари, ахборот-библиография бўлимлари мудирлари, вилоят маданият ишлари бошқармалари инспекторлари, Маданият олий билимгоҳи ўқитувчилари қатнашди. Бу тадбир қатнашчилар учун ўзига хос тажриба алмашиш мактаби бўлиб, «Универсал илмий кутубхона-ахборот ва ҳордиқ чиқаришни ташкил қилиш маркази» мавзуида ўтказилди. Семинарни Республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Н. Иброҳимова очди. Қизғин ўтган давра суҳбатида республикамиз кутубхоначилик ишидаги муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кутубхоначилик иши, китоб тарихи, библиографияшунослик, нашриётчиликка оид саволлардан иборат «капитал шоу», кутубхона директори Н. Апаев билан «ток-шоу», «Ишбилармон кишилар» клубининг Самарқанд вилоят кутубхоналари бирлашмасининг раҳбари Л. Генкина билан ўтказган директор бенефиси қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Кутубхоначилик калейдоскопида йил давомида ўтказилган оммавий тадбирлардан парчалар намойиш қилинди. Кутубхона директорлари иштирокида «Сиз қандай раҳбарсиз?» мавзуида хизмат ўйини ўтказилди.

Семинар якунидаги муҳокамада семинар қатнашчилари бир қатор муаммоларни ўртага ташладилар. Кутубхоначилик иши ҳужжатларини республикамиз кутубхоналарига мослаштирган ҳолда тайёрлаш, кутубхоначилик соҳасидаги қонунларни, низомларни қайта кўриб чиқиш, кутубхоначи мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш, кутубхоначилик олий дипломи бўла туриб, шу соҳада ишламаётган собиқ мутахассислар билан иш олиб бориш, кутубхоналарнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, Сирдарё вилояти кутубхонаси тажрибаси асосида вилоят кутубхоналарининг аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ана шу муаммоларнинг ҳал этилишида Маданият ишлари вазирлиги билан бир қаторда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг ролини ошириш лозимлиги таъкидланди. Бу кутубхонанинг сўнгги иккиуч йил ичида Республика илмий-услубият маркази сифатида вилоят ҳамда бошқа тармоқ кутубхоналарига ёрдами ва таъсири сезилмаётганлиги, ҳатто мана шундай республика миқёсидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда четда қолиб кетаётганлиги афсус-надоматлар билан айтиб ўтилди.

З. БЕРДИЕВА

БЎЁҚЛАРДА ВАТАН ТАСВИРИ

Саҳар туриб саломга эгилган нозик майсаларнинг кўзидаги томчи ёш — шабнамни кўрганмисиз? Эндигина очилган шафтоли гулининг бўйидан маст бўлганмисиз? Ёхуд хаёлпараст кузнинг ҳазонрезги боғлари ичра сукутга чўмиб ўй сурганмисиз? Тун қоп-қора сочларини ёзган кезда олисларда сирли милтираган сонсиз юлдузлар узра парвоз қилиш ҳисси қамраб олганми сизни?

Ёш рассом Рокия Эшмуродованинг асарларини томоша қиларкансиз ана шундай саволлар оғушида қоласиз, она юрт соғинчини туясиз.

Бу юрт — Рокия қалб ҳарорати, тинимсиз меҳнати-ю, гўзал хаёлоти натижасида кашф этилган. Бу юрт — ёш рассомнинг ўзи дунёга келган Очамайли қишлоғи.

Мана бу шарқираб оқаётган дарё эса унинг ўзи бир пайтлар ўртоқлари билан атрофида қўй боқиб юрган Оқдарё, мусаффо болалигу, ҳароратли ёшлик дамлари ўтган қадим Китобдир.

— Тўғрисини айтсам, рассом бўламан деб ҳеч ўйламагандим. Биз кўпинча қишлоғимиздаги болалар билан биргаликда қўй боқишга чиқардик. Енгинамиздан шовуллаб Оқдарё оқиб ўтарди. Сувн асалдек ширин булоқларимиз бўларди. Худди эртаклардагидек гўзал эди қишлоғимиз. Ҳозир эса улардан асар ҳам қолмаган...

Хуллас, Рокия ўзи билмаган ҳолда қишлоғининг гўзаллигига мафтун бўлиб турли табиат тасвирларини чиза бошлайди. Адабиёт, санъатнинг қадрига етадиган отаси уни Тошкентдаги республика махсус рассомлик мактабининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга олиб келади. Бундан сўнг Рокия ўқишини Тошкент Давлат театр ва рассомлик институти рассомлик факультети графика бўлимида давом эттиради.

Бу орада у бир қанча асарлар устида иш олиб борди. Талайгина портретлар, суратлар чизди. Ўқиди, изланди, ўрганди.

Ёш мусаввирнинг асарларини томоша қиларкансиз, воқеалар гўё кўз ўнгингизда рўй бераётгандек қаяжонга солади сизни. Мана, унинг ана шундай асарлари сирасига кирадиган «Тўй» туркумига мансуб «Совчилар», «Тўй тараддуди», «Тўй» номли суратлари.

Пахса деворлардан иборат оддийгина қишлоқ ҳовлиси. Ҳовли этагида анвойи гуллару, райҳонлар экилган. Ҳамма жой саранжом-саришта. Шу пайт бирдан кўзингиз деворга суянганча, ҳаяжон ичра шаҳло кўзлари чақнаб турган сулув қизга тушади.

Чиройли қилиб ўрилган қалин сочлари сададек қоматига ярашиб тушган бу гўзални қаяжонга солган не ҳодиса?!

Шундай дея аста пастак девор оша «мўралайсиз». Йўлак бўйлаб келаётган, бошларига дастурхон қўйиб олган уч-тўрт аёлга кўзингиз тушади. Совчилар!

Энди эса тўйга тараддуд бошланди. Ҳовлидаги сўри янгалару, аммалар билан гавжум. Кимдир кўрпа қавияпти, кимдир палак тикяпти, кимдир ип йигириш-у, жияк-дўппи тикиш билан овора. Чеккароқда эса қизларини тўю-томоша билан узатаётган ота-она нималарнидир пинҳона маслаҳатлашмоқда. Хуллас, ҳамманинг хаёли эртанги тўйда.

Ва, ниҳоят, тўй. Мана, карнай-сурнай садоси янграмоқда. Атрофни ёритиб гуриллаб ёнаётган гулхандан балоқазодан асраш мақсадида куёв келинни айлантиради. Ҳамма ҳаяжонда, ҳаммаси юракка яқин, ўзбекона.

Хуллас, Рокия асарларининг ҳар бири, жумладан, «Пиллакорлар», «Отахон», «Қишлоқ тонги», «Хаёл оғушида», «Жиззах қўғолони» каби суратлари инсонга нимаси биландир яқин, асло бефарқ қолдирмайди. Мен шу ўринда Рокиянинг китоб графикаси бўйича вилоятимизда ҳозирча ягона мутахассис эканини таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

— Биласизми, бизда ижодкорга, ёш истеъдодларга нисбатан эътибор жуда паст. Мана шу бир хонали уйни олгунча ҳам идорама-идора юғуриб эсим кетди.

Ҳозир у Қарши санъат билим юртида ёшларга сабоқ бермоқда. Унинг ҳали амалга ошмаган режалари, рўёбга чиқмаган орзулари талайгина. Хайрлашиб ташқарига чиқарканман, атрофимизда Рокия Эшмуродова сингари қалби эзгуликка тўла, ҳалол инсонлар, ажойиб истеъдоди ила сиз ва бизнинг ҳам қалбларимизни эзгуликка ошно эта оладиган инсонлар борлигидан кўксим ғурурга тўлди.

Муҳаббат ЭЛБОЕВА

Р. ЭШМУРОДОВА. «Тўй тараддуди»

«КЕТАВЕРДИНГ ИЗЛАРИНГГА ЗОР ЭТИБ...»

ХОНАНДА ЭРКИН РЎЗИМАТОВ ИЖОДИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Инсоннинг кимлиги ва аслияти юз-кўзларида ёзилган бўлади, дейишади. Эркинни бир кўрган киши уни одобли, маданиятли ва камтарлигини дарҳол пайқайди. Унинг қўшиқларини бир бора эшитган тингловчи ҳам овозидаги дард сеҳрига ошно бўлиб қолади. Ва уни қайта-қайта тинглагиси келаверади. Эркин эса гоҳ мақом йўлларида, гоҳ дардли ва шўх ашулалар айтиб, зукко тингловчининг дилларини ром этаверади. Улуғ Машрабнинг ўлмас мисраларини ўзгача бир қалб, ўтли овоз билан куйлайди:

Кўрдим юзнигни девона бўлдим,
Ақлу ҳушимдин бегона бўлдим...

Гўзал ва дилбар юзни кўриб девона бўлиш, сўнгра ақл-ҳушдан айрилиш бахтига ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Хонанда шоир изтиробларини гўё ўзиники каби ҳазин пардаларда тингловчи қалбига муҳрлашга ошиқади. Бу осон эмас, албатта. Лекин жозибали овоз соҳиби Эркин Рўзиматов Машраб дардини машрабона куйлашга ҳаракат қилади:

Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,
Кечдим боридин, риндона бўлдим...

Эркин асли қувалик бўлиб, машҳур ҳофиз Таваккал Қодировнинг ҳамқишлоғи. Болалигидан унинг дилўртар қўшиқларига ошно бўлиб ўсди. Машраб мисралари ҳам ҳофизнинг бетакрор овози туфайли унинг қалбига қуйилди. Энди у ҳам шоир ғазалларига ўзи куй басталаб, ўзи ижро этмоқда:

Бир боқишингга жумлаи жонона тасаддуқ,
Шаҳло кўзунгга оқилу девона тасаддуқ...

Фарғона мусиқа билим юртида ғижжак сози бўйича таълим олган Эркин кейинчалик Тошкент давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси бўлимида таҳсил кўрди. Бу ерда устозлари Ориф Алимахсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Саодат Қобуловадан мақом ва классик ашулалар айтиш сирларини ўрганди. Шу боис ҳам ёш мақомчиларнинг II республика кўригида қатнашиб, Фарғона — Тошкент мақом йўлларига хос «Баёт»ларни, «Сараҳбори дугоҳ»ни тароналари билан ижро этиб совриндор бўлди. Шунингдек, у таниқли хонанда Маҳмуд Тожибоев билан бирга катта ашулаларни ҳам меъёрига етказиб куйламоқда. Айни пайтда Маҳмуджондан танбур чалиш сирларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Аслида унинг куйга, қўшиққа муҳаббатини уйғотган киши акаси Озодбек. Айтишларича, ота-боболари ҳам санъатга ихлосманд кишилар бўлган. Қўшиқнинг авлод қувиб келаётгани Эркиннинг бахти экан...

— Мен асосан анъанавий ижрочилик йўлларида куйлашни яхши кўраман, — дейди Эркин. — Айрим тенгдошларимга ўхшаб қуруқ тараққа-туруқдан иборат енгил-елпи йўлдан кетмадим. Чунки кўпчилик ёшлар оврупо чолғулари ёрдамида миллий эмас, балки техника ансамбли тузиб олишган. Бу ўз-ўзидан ўзбекона оҳангларга путур етказади ва тингловчи дидини бузади. Ушбу мулоҳазаларимга ошкоралик замонида мисоллар келтирадиган бўлсам, кўпгина дўстларим хафа бўлиб қолишади. Энг ёмони, улар ижро этаётган кўпчилик қўшиқларининг куйларини тўғридан-тўғри араб, эрон, турк, озарбойжон мусиқаларидан олишмоқда. Ахир андиша ҳам керак-ку! Бу ҳақда матбуотда жиддий танқидий мулоҳазалар айтилаяпти-ю, лекин натижа кам. Энг ёмони бадиий кенгашлар шундай қўшиқларни қабул қилиб, тингловчиларга ҳавола этмоқда. Хуллас, устоз Ғанижон Тошматов айтганидек, «улардан қочиб қутулишнинг иложи бўлмай қолди».

Яқинда Туркияда ижодий сафарда бўлиб қайтдим. Лекин у ерда ҳаваскорларни учратмадик. Аксинча етук, маҳоратли ва маданиятли санъаткорлар кўп экан. Шу боис Туркияда қўшиқ санъати ниҳоятда қадрланади. Бизда ҳам енгил-елпи, ўртамиёна ва тақлидчи ҳаваскорлар фаолиятини чуқур ўрганадиган пайт келди. Бундайларга катта минбарларни бериш шартмикан? Чунки миллий оҳангларга, нолаларга ва қочиримларга зиён етказиб, ёшлар дидини бузаётган асосан чаласавод ҳаваскорлар. Бу иллатнинг олди олинмаса миллий қўшиқчилик озор чекаверади...

Эркин янги қўшиқ яратиш олдидан ўзи айтган мулоҳазаларга доим амал қилади. Аввало бўлажак қўшиқнинг куйини ўзи яратади, унга мос сўз излайди. Ҳар қандай саёз шеърни танламайди. Ҳозиргача ижро этган ашулаларнинг йигирмадан ортиғига ўзи куй басталаб, нотага туширган. Бу хонанданинг ютуғи. Айниқса, «Кокилларин тўлқинидан сув уялармиш», «Қўшиқ айтиб ўтаман, кўзим ёр эшигида», «Ҳар йигитни имтиҳон эт, ошно бўлмай туриб», «Одамлар» сингари қўшиқлари билан ўз мухлисларини топган. Шунингдек, машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқов ижро этган қўшиқларни Эркин катта муҳаббат билан куйлайди ва ўзи ҳам шундай ўлмас қўшиқлар яратишга интилади. Бу йўлда илоё унга устозлар руҳи мададкор бўлсин!

Энг муҳими, унинг ўзига ўхшаган одобли, камтар ва меҳрибон оиласи бор. Рафиқаси Зумрадхон тиббиёт ҳамшираси. Ўғиллари Муроджон ва Муҳаммаджон энди-энди копток ўйнашни машқ қилишаяпти. Агар дадаларини ойнаи жаҳонда кўриб қолишса «Мани дадам, мани дадам» деб қийқиришади. Иккаласи ҳам торни яхши кўради...

Яқинда Саудия Арабистонидан келган ватандош меҳмонлар Эркин Рўзиматов қўшиқлари ёзилган лентани сўрашибди. Ва унинг миллий оҳангларда айтилган сара қўшиқларини олиб кетишди. Бу эса хонанда санъатининг хорижга қанот ёзаётганидан далолат.

Эркин Рўзиматовнинг асосий нияти халқимиз қалбига ёқадиган миллий оҳангларда куйлаш ва фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашдир. Биринчи галда эса санъаткор одобини қадрлайди.

Тингланг, айрилиқ изтиробларини тараётган ошиқнинг нидоларини, бевафо ёрнинг жабру-жафоларини Эркин ёниб куйлаяпти:

Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб...

А. ЖУРАЕВ

СУРАТДА: Э. Рўзиматов оиласи билан

ВИДО

ХОНАНДА МАЪМУРЖОН ТУХТАСИНОВНИНГ «ЯХШИЛИК» ҚУШИҒИНИ ТИНГЛАБ...

Шукрким, одам боласига хос бирон сезимдан маҳрум эмасман. Мана, ўттиз уч бор баҳор чечаклари, ёз нағмалари, кузак нолалари ва қишнинг қор қўшиқларини тингладим. Момақалдироқ шиддати неча бор кўнглимни ларзага солиб, ҳушёр торттирди... Саратон селу себор қилиб салқин гўшаларда кўзларимда мудроқликнинг рангин гиламларини тўқиди. Хазонрезгининг кўз ёшга ўралган нолаю фиғонлари-чи, қишнинг қаҳратонлари-чи?.. Бойчечак баёти, қалдирғочнинг вижир-вижири, чопқир ариқларнинг аллалари, турналар айтган видо, жимгина эриётган қорларнинг аламлари нақадар гўзал, нақадар бетакрор. Аммо уларнинг лоақал биронтасини бўлса-да, на бирон жойга ёзиб адо эта оласан, на хиргойи қиласан киши. Бу баётларнинг сўз муаллифи ҳам, бастакори ҳам, чолғучисию чолғуси ҳам битта — ЯРАТҒАН. Ниҳоятда ҳур ва айни пайтда хокисор қудрат.

●

Хайриятки, шабадалар янглиғ шивирлаш, куя-куя гулга айланган ой каби куйлаш, оқибатда мухлисларга эга бўлиш қисмати айрим одамларга-да, насиб этажак.

Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.
Сарриштан айшдин кўнгилни зиҳор
Уз, оҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бу нафасларнинг мубораклигини уларнинг ниҳоятда умрзоқлигидан билсак бўлади. Мана, неча замонлардан бери Мирзо Бобурнинг ё ўзи, ё сўзи тилга олинади, гоҳ табрикланади, гоҳ таҳқирланади. Мен бу улуғ куйчидан беш аср кейин замонинг зайли — автолар, шаҳар шовқини, турли гуруҳларнинг бата-банглари, тупукларга ўралган бўғиқ қийқириқларию суюқ сўзлари остида чор-ночор, бозор-ўчар ташвишларига кўмилиб яшаётган эдим.

Бирдан елкамга битта хазон тушди жаранглаб, шу жаранг замирида қулоғимга урилди оҳанг. Чайқала-чайқала йўл танобини тортиб келаётган одамлар ва ёлғиз отни эслатди у менга. Сиз от деганда кўпкарига шай, кўзи тўла хун, думлари қуюн, ёллари байроқ, сонлари қайроқ отни тушунманг. Сиз от деганда... Кошки тилимда дилимдаги тасаввуримдаги ҳолдан тойган, ёллари сўлғин, кўзлари толғин отни ифодаловчи битта сўз бўлса. Биттагина сўз. Эҳтимол, бу сўз кимнингдир тили учида тургандир, балки у эрта-индин бизга шу каломни айтар, дунёни ҳайратга кўмар. Ҳозирча, тасаввур қилинг, ҳозирча, кўз олдингизга келтиришга интилинг, мен айтаётган ўша ҳорғин, ёлғиз отни. Лекин ҳорғин деганим билан ҳам, ёлғиз деганим билан ҳам бари бир тушмаяпти от деган сўз бу ерга. Арғумоқ эса мен айтмоқчи бўлаётган ҳолатнинг яқинига ҳам йўламайди. Бедов, қулун, той, ғиркўк, саман, қора байир... нақадар соғлом, забардаст сўзлар булар...

Шоир эса: «Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол маъюс эгилади терак учлари», дейди хўрсиниб. Қаранг, бутунлай қарама-қарши ҳолатлар. Терак учлари эгилувчан, найза эса синса синадиги, эгилмайди. Бироқ шоир «мағлуб баҳодир» деган битта ибора билан найзанинг эгилишига ишонтира олади бизни. Келинг, биз ҳам ҳозирча шундай атайлик бу ҳолатни. Мунглиг муслимани олиб кетаётган ёлғиз... от. Унинг жиловдори эса бор-будидан айрилган, муҳташам кўнгил мулки таланган, вайрон этилган мағлуб баҳодир — Мирзо Бобур...

●

Найнинг нолалари келар қулоққа, юракка киради фиғон-фарёдлар... Шаҳзода кўнгил эса бу кўргуликларга кўнмайди. У бу бошнинг ҳам бўлганини, эгилганини кўрмаган. Шундан, тинчлик бермайди, саволлар ёғдиради, худди ёғиларнинг ўткир тиғларидай: «Нега шундай?» «Не бўлди сенга?» «Қаёнларга кетяпсан, шоҳим!» Мағлуб баҳодир шафқатсиз кўнгилнинг саволларига жавоб бермакка интилади, каломга лаб жуфтлайди. Худди шу пайт биз чизаётган қувғин манзарасини, ҳорғин одамлар ва ёлғиз отнинг кетишини ифодалаётган най ноласи узоқларга чекинади, ўжар кўнгилга жавоб беришга шайланиб бошини кўтарган шоир-шоҳ ҳолатини акс эттирувчи оҳанг урилади қулоққа ва юракнинг поёнсиз адирларидан, бўғизларни куйдириб, мижжаларни титратиб, бир хўрсиниқ, бир видо отилади оламга:

Ким кўрибдир, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ...

●

Тирикчилик эгиб қўйган эди менинг ҳам қадди-бастимни. Бошимдан қайноқ сув қуйиб юборди кимдир гўё. Жимирлаб-жимирлаб куйди жону жаҳоним. Илкис қаддимни ростладим. Бобур кетяпти юртидан, дейишди шамшир шамоллар, юрак-бағримни тилиб.

Толейи йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Билдим, барчамизга ёд бўлиб кетган бу рубоий бор-йўғи тавба-тазарру экан. Кетишнинг бош сабаби йўқ экан бу ерда. Шунинг учун ҳам у видо бўлолмас экан. «Яхшилик» экан Бобур айтган видо...

Дастлаб бу қўшиқни унда-бунда узуқ-юлуқ эшитиб юрдим, холос. Ниҳоят яқинда уни ёзиб олдим. Кейин минг эшитдим, мингдан эшитдим. Биласизми, бу қўшиқда бир чора замон истаб кетишликдан мақсад бор. Бобурни ота юртида слиб қололмайдиган сабаб бор. Дунёда кўнгилгина кишининг чин дўсти, рафиқидир. Фақат шу дўстгина сотмайди, хиёнат қилмайди. Шунинг учун ҳам шоир-шоҳ фақат унгагина дардини дастурхон қилиб борадур:

Бу замонни нафеъ қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз нетайин, бу замондин яхшилиғ.
Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимга ҳеч ороминжондин яхшилиғ...

Куйчининг кимлигини билмайман, танимайман. Чунки у кўпчиликдан фарқли, ўзи ҳақида гапирмади ҳали. Шу жиҳати билан ҳам ёқди у менга. Аслидаям, мухлислар олдида сир-асрор бўлиб қолиш қандай яхши. Нечоғли хуш ҳолатдир санъаткорнинг ўзи ҳақида гапирмаслиги.

Умид борки, хонанда ҳали яна кўплаб шундай умрбоқий қўшиқлар яратади. Бордию шундай бўлмаган тақдирда ҳам у шу биргина қўшиғи билан минглаб мухлислар хотирасига муҳрланиб қолди. Буни қарангки, Мирзо Бобурнинг дилхун сўзлари орадан беш аср ўтгач, ўз оҳанги ва ижрочисини топди...

●

Видо айтолмасдан қоламан уларга. Қароқчи руҳларга талонган, ёсуман туйғуларга алданган бу мўъжаз карвон-қўшиқ гарчи классик руҳда, ҳазин пардаларда бўлса-да, жуда тез кечади. Худди дунё отли бу жўшқин нахрдан Мирзо Бобур шитоб-ла кечгандай. Қанчалик ўхшашлик, мутаносиблик бор бу тақдирларда. Асли ижрочи, бастакор маҳорати шу бўлса керак. Менинг эса умрим узайиб кетаётгандай туюлади негадир ҳар гал. Дунёда мангудай, оламга устундай туриб қоламан. Йиғига ўхшаган бир нарса тиқилиб келади бўғзимга. Жон деганлари шудир, эҳтимол.

Равшан ФАЙЗ

ШАРҚДАН АЙРИ БЎЛМАЙЛИК

куюнчак газетхонлардан хатлар

Биз Шарқда яшаймиз. Башарият киндик қони тўкилган Шарқда. Афсуски, бугунга келиб Шарқ адабиёти, санъати, маданияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Радио ёки ойнаи жаҳон орқали онда-сонда бериб турилаётган ҳинд фильмларидан куй-қўшиқлар ёки бирон сана муносабати билан уюштириладиган Шарқ адабиёти ва санъатига оид эшиттириш, кўрсатувларни ҳисобга олмаганда, Шарқнинг замонавий маданияти, санъати ва адабиётидан мутлақо бехабармиз, десак ҳам бўлади.

Марказий ва Россия телевиденнеси кўрсатувларида Оврупо, Америка мамлакатларида шу кундаги энг зўр қўшиқчилар, группалар ҳақида ахборот, санъатларидан намуналар бериб борилади.

Биз хорижий Шарқ мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто қўшиниларимиз — Тожикистон, Қозоғистон, Озарбойжон, Қирғизистон, Туркманистон маданияти ҳақида ҳам етарли маълумотга эга эмасмиз.

Ёшларимизни баркамол тарбиялаш мақсадида жумҳурият радиоси ва ойнаи жаҳонида ҳозирги замон Шарқ санъати, адабиёти, умуман, Шарқ маданиятига оид туркум кўрсатувлар мунтазам бериб борилишини йўлга қўйиш зарур. Бунда асосий эътибор ҳар бир мамлакатнинг шу кундаги энг зўр ҳофизлари, рассомлари, актёрлари, бастакорлари, ёзувчи-шоирлари, режиссёрларининг ҳаёти ва ижодига қаратилса, мақбул иш бўлар эди деб ҳисоблайман.

А. МУТАЛОВ

МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Навоий вилоят Давлат педагогика институтида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги муштарийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни институт ректори, Ўзбекистон халқ депутати Равшан Раҳмонов очди ва ҳафталик саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар, суҳбатлар, адабий асарлардан намуналар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳафталикни республиканинг жасоратли нашрларидан бири эканлигини таъкидлади. Сўзга чиққан ўқитувчи ва талабалар ҳам ҳафталик ҳақида ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Учрашувда ҳафталик бўлим мудири Ашурали Жўраев қатнашиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб берди. Шунингдек, ҳафталикка иккинчи ярим йиллик учун обуна қизғин давом этаётганлиги ва бу жараёнда институт муштарийлари фаол қатнашаётганликлари эътироф этилди.

МЎМИНОВ САБОҚЛАРИ

Боши бешинчи бетда

мақоласини тайёрладилар. Мақола муҳокамадан ўтди, мутахассислар томонидан маъқулланди ва босмага кетди. Китоб чиқиши олдидан И. М. Мўминов мени чақириб, Амир Темур мақоласини биринчи жилддан олиб ташлашни илтимос қилдилар, бу мен учун томдан тараша тушгандек бўлди. Мен бу мақоласиз Қомусни чиқариб бўлмайди, ҳамма шу жилддан биринчи навбатда ҳудди шу мақолани излайди, деб мақолани сақлаб қолиш учун уриниб кўрдим. Шунда у киши бу буйруқ жуда юқори доиралардан келганини, ҳатто Москва ҳам буларга аралашаётганини айтдилар. Натижада бир босма тобоқ ҳажмидаги ниҳоятда зўр ёзилган мақола олиб ташланди.

О. Файзуллаев: Табиат ҳақидаги илмни, яъни табииётни ривожлантиришда бизнинг буюк олимларимизнинг хизматлари ниҳоятда катта. Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби улуғ ватандошларимизнинг кашфиётлари бутун жаҳонда тан олинган. Лекин бу кашфиётларнинг умумий сабаблари ва кейинги минг йиллик жаҳон маданияти ривожидаги оқибатлари мужассам ҳолда унча тадқиқ қилинмаган эди. Шунингдек, табиий фанларнинг ҳозирги замон ривожининг фалсафий муаммолари билан шуғулланувчи олимлар деярли йўқ эди. Бу иккала масалани биргаликда ўрганишни Иброҳим Мўминов 50-йиллар охирларида муҳим илмий вазифа, деб ҳисобладилар ва ҳозир бир илмий мактаб тусига кирган йўналишга асос солдилар.

Физик, математик, химик, биолог ва бошқа табиатшунос ҳамда техника олимларини бу ишга жалб этиш учун Фанлар академияси Президиуми қошида Илмий семинарлар кенгаши, Табииётнинг фалсафаси кенгаши, Фан тарихи кенгашини ташкил қилдилар. Бу кенгашлар кўп йиллар давомида атоқли олимлару аспирантларни қовуштириб, илмий, методологик ва методик анжуманлар ўтказилди, Ўрта Осиё ва собиқ иттифоқ миқёсида конференциялар ташкил қилинди, жаҳон конгрессларида маърузачилар уюштирилди.

1973 йил ЮНЕСКО қарори билан Беруний ва Коперник йили деб аталди. Иттифоқ Фанлар академияси Москвада иккала олим юбилейини биргаликда ўтказди. Катта зал саҳнасининг икки томонида катта портрет осилган. Бирининг тагида: «Беруний—1000 йил», иккинчисиникида эса: «Коперник — 500 йил» деб ёзиб қўйилибди. Ўшанда шуниси қувонарли эдики, залда чет элдан келган донгдор олимлар, иттифоқнинг таниқли академиклари, Польшанинг иттифоқимиздаги элчиси ва бошқа казо-казо олиму фозиллар ўтиришиб, Беруний ҳақида Ўзбекистон академиги Иброҳим Мўминовнинг, Коперник ҳақида ҳам Ўзбекистон академиги Владимир Шчегловнинг докладларини мароқ билан эшитишди ва олқишлашди. Бу И. Мўминов асос солган Ўзбекистон табииётшунослик тарихини ўрганиш мактабининг тан олиниши бўлди.

Т. Мирзаев: — Мен Иброҳим Мўминов ҳақида ўйлаганимда, у кишининг қилиб улгурмаган ёки уни амалга оширишга йўл қўйилмаган ишлари бажарганларидан кўпроқ бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўта беради. Чунки бу буюк инсон жуда кўп хайрли ишларнинг бошида турган раҳнамо, дадил ғоялар ва кутилмаган ижобий ташаббусларнинг ижодкори сифатида уни яқиндан билганларнинг хотирасида абадий қолган. Шу муносабат билан мен иккитагина воқеани эсламоқчиман.

1972 йилнинг май ойида атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 100 йиллигини И. Мўминов раҳбарлигида мисли кўрилмаган кенг миқёсда нишонладик. Шоирдан ёзиб олинган достон ва термалар беш жилдда ўзбек тилида нашр этилди, уч жилдда рус тилида тайёрланди. Бир бахши репертуари асосида бундай нашрни амалга ошириш ҳали дунё тажрибасида кўрилмаган эди. Қилинган меҳнат натижасидан хурсандчилик кайфиятида юрган ўша кунлардан бирида Иброҳим Мўминов хонадонига ташриф буюрдим.

Суҳбат давомида туркий халқларнинг муштарак эпоси «Эдегей» қораланганча қолаётганлиги, атоқли олимлар М. Богданов ва В. Жирмунский уни оқлаш билан боғлиқ ишларини охирига етказолмай, вафот этганликларини, бу ишга киришган устоз Ҳоди Зарифга ҳам умр вафо қилмаганлигини айтиб, «Эдегей» достонини ўрганиш ва оқлаш ишига бош бўлишларини сўрадим. Таклиф домлага ёқмади. Шунда мен устознинг Амир Темур бўйича олиб борган тадқиқотлари ва қилаётган ишлари жумҳуриятимиз илмий-маданий ҳаётида мислсиз катта воқеа бўлганлигини айтиб, у кишини бунга кўндирмоқчи бўлдим. Шунда домланинг фиғони чиқиб кетди ва яна мени хафа қилгиси келмади шекилли, бироз юмшаб шундай деди: «Мулла Тўра, ўйлайсизки, Темур менга фақат шараф келтирди, деб. Йўқ, у жуда қимматга тушаётир. Халқ бахшилари ҳақида яхши иш бошлагансиз. Ўшани давом эттиринг ҳозирча. «Эдегей»га ҳам вақти-соати етар». Мен ўшанда Темур туфайли домлага тош отилаётганлигидан, ҳатто унга қарши Москва журналларида туркум мақолалар тайёрланаётганлигидан хабарсиз эканман. Эҳтимол, «Эдегей» достонини ўрганиш ишларига бош бўла олмаганлиги домлага армон бўлиб қолгандир...

Э-ҳе, бу буюк инсон ўзи билан қанча орзу-армонларни олиб кетди экан...

1973 йилнинг мартида жумҳурият фаоллари, илмий-ижодий зиёлиларининг йиғини бўлди. Унда Яссавий, Амирий ижодлари танқид қилинди, олимлар ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. Ўша даврнинг таомилига кўра, фаоллар йиғилиши қарори бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинар эди. Шундай йиғилиш Тил ва адабиёт институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда И. Мўминов қатнашди. Муҳокамада кимдир Машраб ижодини ҳам танқидий ўрганиш зарурлигини айтди. Домла бундай мулоҳазалар тўғри эмаслигига кўпчиликнинг диққатини жалб қилдилар. Шундай бўлса ҳам эртасига мени чақириб, яна танбеҳ бердилар. Мен бундай фикр Институт йўли эмаслигини, ҳиссиёт билан билдирилган шахсий мулоҳаза эканлигини айтдим. Ўшанда домланинг «Умумий хорга қўшилиб, ура-урачилик қилишдан кўра, индамай туриш ҳам мардликка киради, чунки ҳақиқат ҳамиша ғолиб келган, вақтинчалик сиёсий ўйинларга қўшилиш кишини бебурд қилади», деган насиҳатлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

С. Шермуҳамедов: — Сўзга чиққан ўртоқларнинг барчаси таъкидлаганидек, И. Мўминов ўзининг бутун онгли ҳаётини илм-фанга, инсонларга бахшида этган улуғ ватанпарвар ва инсонпарвар аллома эди. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ғоятда ибратли ва сабоқ бўларлидир. Шунинг учун ҳам биз кейинги фалсафий ўқишларимизни «Иброҳим Мўминов сабоқлари», деб атасак ва уни ҳар йили домла туғилган кунда ўтказсак, ғоятда ибратли ишга қўл урган бўламиз. Бу — бизнинг улуғ инсон хотираси олдидаги бурчимиздир.

ШОИРА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Бугун талотумлар — қайта қуриш, демократия, ошкоралик, мустақиллик ҳақидаги ҳайқириқлардан кейин одамлар қалбан бир қадар осойишталикни, сокинликни қўмсаётгани сезилиб қолмоқда. Уларни эндиликда турли сиёсий қарашлар, ҳар хил программалар, ваъда қилинаётган анжуманлар, митинглар эмас, турмушнинг кундалик ташвишлари кўпроқ жалб қилмоқда. Ана шундай жараёнда эса бадиий сўз қудратига, ижодиётга рағбат кучаяди. Қалблар ўз ташналигини сеҳрга айланган сўзлар, ҳақиқий шеърият билан қондиришга интилади. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиеванинг «Баҳор» концерт залида ўтган 50 ёшлик тўйи оқшоми бунинг яна битта ёрқин далили бўлди.

Кечани очган ва олиб борган Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева адабиёт байрамлари, ижодкорлар тўйлари халқимиз учун заруратга айланаётганини, ҳақ сўзга талаб кучаяётганини таъкидлади. Шунингдек, у ўзбек шоиралари ижоди, улар орасида Ойдин Ҳожиева асарларининг тутган ўрни хусусида сўз юритди.

Ўзбекистон Адиблар иттифоқининг раиси Эркин Воҳидов шоирани қутлаб эсдалик совғалар топширар экан, унинг адабиётимизга ҳайқириқ шеърлар янграб турган пайтда кириб келганлигини, бироқ улардан фарқли ўлароқ сокин, дардчил, туғёнли шеърият йўлини танлаганини, бу йўлда гўзал асарлар яратгани ҳақида фикр билдирди.

— Шоир асарларида соддалик, табиийлик, халққа яқинлик, унинг маҳорати ошиб, ижоди янада тўлишган, ўзини бадиий ижод оламида эркин ҳис қила бошлаган пайтдагина намоён бўлади. Ойдин Ҳожиева асарларида ана шундай соддалик, табиийликни ва айни пайтда ижодий камолотни кўраман, — деди уни қутлаб халқ ёзувчиси Саид Аҳмад.

Шундан кейин Саудия Арабистонидан келган юртдошимиз Комил Абдуллоҳ (Тошқин), Гулчеҳра Нуруллаева, Зулфия Мўминова, Карим Баҳриев, Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева, муаллима Вазира Ибодова, ёш шоирлар Гуландом, Фарҳод Арзиев, Ғиждувон тумани ҳокими ўринбосари Бахшанда Болтаева, Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Раҳимжон Мақсудов ва бошқалар шоирани тўйи билан табрикладилар ҳамда унга бағишланган шеърларидан ўқидилар.

Кечада шеърларга рақс ва қўшиқлар уланиб кетди. «Баҳор», «Дуторчи қизлар» дасталари, «Чаман» болалар рақс дастаси, Дадахон Ҳасанов, Нодира Зиёхонова каби таниқли хонандаларнинг ҳаяжонли чиқишлари адабий кечани янада файзли қилди.

Тўй оқшоми якунида Ойдин Ҳожиева сўз айтди ва янги шеърларидан ўқиди. (Шоиранинг сўзини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз).

Маълумки, бугунги иқтисодий оғир шароитда бундай адабий-ижодий кечалар ўтказиш осон эмас. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номидаги жамоа хўжалиги ушбу кеча ўтказилишига ҳомийлик қилди. Бу шоирага, адабиётга бўлган чинакам ҳурмат намунаси бўлди.

ЮРАГИМНИНГ ПАНОҲИ

Бухорода бир қишлоқча бор. Бунда саратон кезлари кечалар юлдузлар учади. Мурғак қалбимнинг чинни деворларига жаранглаб урилади.

— Кимнингдир юлдузи ўчди, болам, — дерди Онам хомуш. Юрагимда Дард уйғонади. Ўҳлолмайман.

Ер мисдай қизиган ёзда дарвешми, қаландарми, ҳофизми ғазал айтиб келади: Дарвозада анграйиб қарайман. Одамнинг товшидан нур, олов чиқаркан! Онам тинглайдилар, йиғлайдилар, бир бўлак чой, нон, қанд берадилар.

— Ғойибдан элчилар келди, болам, — дейдилар оҳиста.

Мен у ёниқ ва ҳасратли ғазални сотиб ололмайман. Малика эмасман. Зарим ҳам, зўрим ҳам йўқ. Бошимда каллапўшим, оёғимда кавушим йўқ. Юрагимда Дард бор. Дард қуши бола очаверади...

Чориғи пиёз пўстидай, ҳассаси игнадай Кенжа ботир қайси йўлдан ўтаркан деб кутардим. У қачон ёнар тошни излаб топаркан?

Бўғдойзорларимни қаҳатчилик балоси ўриб кетди. Бедазорлар, жўхорипоялар, қовунполизлар, ўрикзор боғларни Оқ дев ямлади. Дарёларим, кўлларимни симирди бу Оқ дев — Пахта. Қурбақалар қуриллаб, балиқлар рақсга тушган ҳовузларни таффот қуритди. Улар юрагимга паноҳ излаб келди. Юрагим кенгайиб бораверди. Юрагим ойнасида кўрдим: унда Дард, ғам, Онамнинг кўз ёш деган қизи беланган бешик тебранади.

Иттифоқо, сигир ўтлатиб юрган қизчага резина кавуш, бахмал дўппича, гардиҳалили кўйлакча кийдирдилар. Муаллима сабоқ берди: Она. Нон. Ватан.

Мен Муллатош адиридаги сўфитўрғайларни, тупроққа чўмилган чумчуқларнинг чирқиллашини тинглагим келарди. Иккинчи куни рўмолчамга кулча тугиб, сигирни етаклаб адирга кетдим.

Кейинги йили мажбурлаб мактабга олиб боришди. Сен дунёдаги энг бахтли аволодсан деб ўргатишди. Юрагимда Дарднинг овози тинди. Ҳар қадамда, бахтлисан, деб қулоғимга қуйдилар.

Юлдузлар эсимдан чиқди.

Масжиду мадрасалар отхона қилинди.

Муқаддас китоблар ёқилди.

Ўзбекистоннинг сарбаланд минораларидан Оллоҳ овози келмай қўйди...

Ўзлигимни бугун англаб турибман. Зулматда адашиб, баногоҳ ойдинликка чиққан, бир тунда чўлда пайдо бўлган Мустақиллик қасри дарвозасида кўзи қамашиб, ҳайрон турган халқимдай. Бу халқнинг ҳассаси игнадай, чориғи пиёз пўстидай бўлиб қолибди.

Халқнинг бўғзига ханжар тираб, унинг гавҳарларини ёриб олган мустабид ва қароқчи жон талвасасида. У қирқ бошли аждаҳога ўхшар. Бир бошини янчса, ўнтаси ўсиб чиқади.

Бизга энди эсанкираш ярашмас, калтафаҳмлик ярашмас, четдан келиб, пешонамизни силаса, тиз чўкиш ярашмас.

Ўзбекистоннинг энг оддий фуқаросидан тортиб, президентигача энди ҳаммамизда битта масъулият: бу қадим юртни озод ва обод этиш! Йўқотган нарсаларимизни санашга қолган умр етмас. Топганимиз — Истиқлол, ҳимоясиз; ёвлари, ғанимлари, маккорлари кўп бебаҳо хазина.

Халқ уйғонмоқда. Адабиёт уйғонмоқда. Уйғонган халқнинг шоири, бедор адабиётнинг вакили бўлиш мен учун давлат!

Ўтган йўлларимда яхшилар ёди: Уйғун бобо, Миртемир бахши, Тўхтасин Жалоловдек фозил олим, Тошпўлат Ҳамид. Саидахоним. Ўтар йўлларимда қарзлар, қарзлар...

Меҳрибон Зулфия опанинг меҳру мурувватлари. Сафдошларим, шоира сингилларим, ёш авлод истеъдоди.

Бу Ватаннинг чин тарихини ёзмоқ, маънавияти, маданияти, маорифини тубдан янгиламоқ, барча даҳоларимизнинг иззатини тикламоқ, Истиқлолнинг қанотига кирмоқ...

Қадимда подшоҳлар бир ёнида олиму уламо, бир томонида ҳакиму ҳукамога таяниб, эл сўраганлар, сиёсат юргизганлар. Шу ҳикматга интилаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга худо ёр бўлсин.

Бу оқшом нафис адабиёт даврасининг файзли, мароқли ўтишида хизматини аямаган анжуман раиси Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима хонга; ҳофизу ҳофизаларга; раққосаларга; сўз айтган яхшиларга, фидойи шоир Мирзо Кенжабекка, анжуман ҳомийси Саломатхон Ғаниевага минг раҳмат.

Қутловлар йўллаган Ихлосманд дўстларимга —сизларга чексиз ташаккуримни билдираман.

Ойдин ҲОЖИЕВА
1992 йил, 14 июн,
Бегим куни



«Ўзбекфильм» киностудиясининг «Юлдуз» ва «Давр» ижодий уюшмалари таниқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ҳақида тўла метражли хроникал-публицистик фильм яратишмоқда.
Сценарий муаллифлари Аъло Ҳўжаев ва Ғаҳодир Музаффаров.
СУРАТДА: фильм режиссёри Б. Музаффаров ва оператор М. Салимов.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент давлат дорулфунунининг журналистика факультетида тантанали кеча бўлиб ўтди. Факультет касаба уюшмаси ташкил этган ушбу кечада 5-курс талабаларига дипломлар топширилди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг раиси Л. Кабиров битирувчи журналистларни қизғин табриклади ва дипломларни тарқатди. Қўйи поғонада таҳсил олаётган толиб ва товибалар уларга гуллар тақдим этишди, ўзлари тайёрлаган ранг-баранг концерт дастурларини намойиш этдилар.

Шуниси қувонарлики, ўттиз саккиз битирувчидан тўрт талаба «аъло» баҳоларга ўқиганликлари учун имтиёзли диплом билан тақдирландилар. Булар — Вилоят Зоирова, Ёдгор Тойматов, Абдусамад Раҳимов ва Сирожиддин Рауповдир.

Факультет тарихида биринчи марта шу йилги битирувчиларнинг кўпчилиги аллақачон ўз соҳаларида иш бошлаганлар. Қўчқор Норқобил — «Саодат», Расул Жума — «Ёшлик» ойномаларида, Ҳалим Саййид ва Мирза Раҳим «Оила ва жамият», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида, Нормурод Мусом ўғли — «Спорт», Абдусамад Раҳим «Маърифат», Сирожиддин Рауф «Туркистон» газеталарида, Маъмуржон Қиём ва Акбар Сирожиддин Ўзбекистон радиосида, Мақсуда Бобомурод қизи Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида ва бошқа бир неча талабалар ижодий ташкилотларда фаолият кўрсатмоқдалар.

ЎзАО ХАБАРОТИ

— Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи битирувчилари бўлиш бизга насиб этди!

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги 227-ўрта мактабнинг 11-синфини битирувчилари ўзаро суҳбатларида шу гапни қайта-қайта таъкидладилар. Мактабни муваффақият билан битириб чиққан 55 нафар йигит-қиз мустақил ҳаёт сари қадам қўйишди, — дейди мактаб директори М. Ортиқхўжаева.

Тил ва адабиёт муаллималари Ш. Файзиева ва М. Маҳмудова тайёрлаган сценарий асосида ўтказилган битирувчилар кечаси қизиқарли ва мазмунли ўтди.

М. ШУКУРОВА

ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблари учун «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Диншунослик асослари», «Жамиятшунослик» (инсон ва жамият) ҳамда педагогика институтларига «Мовароуннаҳр халқ педагогикаси» фанларидан ўқув қўлланмалари яратиш учун очиқ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказиш Республика халқ таълими вазирлигининг Республика ўқув-методика марказига топширилган.

Танловда якка муаллифлар, ижодий жамоалар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда бошқа фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

ТАНЛОВ ИККИ БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛАДИ

Биринчи босқич — концепциялар босқичи бўлиб, 1992 йилнинг июн-октябр ойларида ўтади.

Танлов комиссиясига тақдим этилган концепциялар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

— мазкур курснинг ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий ва маънавий жиҳатдан асосий вазифаларини шакллантириб бериши ва унинг номини таклиф этиши;

— Ўзбекистон халқлари тарихи, дин, жамиятшунослик (инсон ва жамиятнинг ўзаро алоқаси), Мовароуннаҳр халқлари педагогикасига бўлган ҳозирги замон нуқтаи назарини акс эттириши, мазкур ўқув предметларининг ўсиб келаётган авлодни маънавий тарбиялашдаги ҳамда уни янги шароитда ҳаётга тайёрлашдаги роли ва ўрнини белгилаб бериши;

— ўқувчилар, ўсмирлар ва талабалар учун мўлжалланадиган ўқув адабиётларига бўлган ижтимоий талабларни ҳисобга олиши;

— курсни ўрганиш дастури мазмунини, боблари ва бўлимлари тавсифини ҳисобга олиши, янги предметнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини таърифлаши, мазкур курсни ўрта умумтаълим мактабларининг турли синфлари ва педагогика институтларида ўқитилиши хусусиятларини изчиллик билан ифода этиши;

— ўқув-методик адабиётларнинг ўқувчилар учун ўқув, муаллимлар учун эса ўқув-методик қўлланмалар рўйхати ва умумий тавсифини ўз ичига олиши керак.

Концепция матни танлов комиссиясига стандарт шрифтда, икки машинка оралиғида, ўзбек ёки рус тилларида, варақнинг бир томонига ёзилган ҳолда, ўзбек тилида 1,5 муаллифлик босма табоқ, рус тилида бир муаллифлик босма табоқ ҳажмида тақдим қилинади.

Қўлёзма икки нусхада, сарварақда яширин имзо (девиз) билан республика ўқув-методика марказига топширилади. Манзилгоҳ: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй.

Қўлёзма билан бир қаторда муаллиф ўзи тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар: исми, отасининг исми, илмий даражаси ва унвони, мутахассислиги, иш жойи, эгаллаган лавозими, яшаш жойи, телефони кабиларни ўз ичига олувчи ахборотлар ёзилган варақ солинган ва оғзи елимланган конвертни ҳам юборади. Конвертда қўлёзмада кўрсатилган яширин имзо (девиз) қўйилган бўлиши керак. Барча ҳужжатлар 1992 йилнинг 30 сентябридан кечикмай тақдим қилиниши керак. Қўлёзмаларни тақдим қилиш муддати узайтирилмайди.

Танловга юборилган концепцияларни Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ Академияси ҳамда Республика ўқув-методика маркази томонидан тасдиқланган комиссия кўриб чиқади ва танлаб олади. Комиссиянинг қарори юзасидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Танлов комиссиясининг қарори Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Маъқул топилган концепция муаллифлари ўқув қўлланмаларини ёзиш ҳуқуқини оладилар ва мукофотланадилар.

БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ — 30 МИНГ СЎМ.

ИККИТА ИККИНЧИ МУКОФОТ — ҲАР БИРИ 15 МИНГ СЎМДАН.

УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ — ҲАР БИРИ 10 МИНГ СЎМДАН.

ТЎРТТА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ ҲАР БИРИ 3 МИНГ СЎМДАН.

Танлаб олинган концепциялар асосида ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар танловининг иккинчи босқичи ўтказилади. Унинг шартлари биринчи босқич натижалари маълум бўлгач эълон қилинади.

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Ўзбекистон мустақил давлатга айланди. Жаҳон мустақиллигимизни тан олди. Мустақил, эркин, демократик давлатимизни барпо этиш, унинг пойдеворини нурамас, метин заминда яратиш, бугуни ва келажагини абадул-абад дахлсиз, барқарор қилиш учун энг аввало биз, ҳар биримиз, ёшимиз ва касбимиздан қатъи назар, ўз тарихимизни қадимқадим замонлардан то ҳозирги замонгача теран ўқиб-ўрганишимиз, билишимиз зарур. Ўз тарихини яхши билган фуқароларгина озод, фаровон, инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан таъминланган ҳуқуқий давлат қура оладилар. Тарихий онг ,тарихий тафаккур тарихий маърифат заминидагина юзага келади. Тарихдан ибрат олиб яшаш халқни курашчан ва енгилмас қилади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз жумҳуриятимизнинг барча фозил олимлари, уламоларига мурожаат этамиз: неча минг йиллик тарихимизнинг асос китобларини яратайлик!

АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАМИЗ:



«ЭЛДИС-1010», «ЭЛДИС-1200» МУВОЗАНАТЛАШ ДАСТГОҲЛАРИ;

КУТАРГИЧЛАР;

ҒИЛДИРАКЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИНИ РОСТЛОВЧИ СТЕНД;
ШИНАЛАРНИ ЙИҒИШ ВА АЖРАТИШ;
ЧИРОҚЛАРНИ РОСТЛАШ;
ЭЛЕКТР ВУЛКАНИЗАТОР;
ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР УЧУН МАХСУС АСБОБЛАР ТУПЛАМИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, 607-хона. Телефон: 34-25-81.

ТЕЗ СОҒАЙИШНИ ИСТАСАНГИЗ

«Жайҳун» хайрия вақфи қошида ташкил қилинган, энг замонавий аппаратура билан жиҳозланган «Светодиагностика» (нур диагностикаси) маркази Ўзбекистон Адабиёт жамғармасининг поликлиникасида (Тошкент шаҳри Ҳамза кўчаси, 78-уй) иш бошлади.

Ўрнатилган антиқа аппаратура воситасида қисқа муддатда киши организмининг турли аъзоларида содир бўлган салбий ўзгаришлар топилади. Олинган маълумотлар мутахассис шифокор учун аниқ ташхис қўйиб хасталикни тез фурсатда даволаш имконини беради.

Марказ ташкилотлар ва муассасалар ходимларини шартнома асосида жойларнинг ўзида оммавий равишда текширишдан ўтказишни ташкил қилади.

Мулоқот учун телефонлар: 33-50-90, 33-50-26.

«ЖАЙҲУН» ХАЙРИЯ ВАҚФИ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, Адабиёт жамғармаси жамоаси уюшма аъзоси, шоир Тўлан Низомга умр йўлдоши

Ҳикматхон НИЗОМОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси журналистлар уюшмаси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси жамоаси уюшма аъзоси, «Ҳаёт ва иқтисод»— «Экономика и жизнь» журналларининг бош муҳаррири Исмат Хушевга акаси

Неъматжон ХУШЕВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

КИМГА ЗАВҚ, КИМГА СОВРИН

«Кўкдала» давлат хўжалиги билан «Муштум» мажалласи шартнома тузишганини эшитган дуппа-дуруст одамлар ҳам ҳайрон бўлишди. Давлат хўжалигининг-ку мажаллага фойдаси тегар, бу ўзўзидан тушунарли. Бироқ мажалла давлат хўжалигига нима қилиб берар экан?!

Ҳайрон бўлганлар ҳайрон бўлиб, «ё тавба», дея қолишаверди. Шартнома эса имзоланди. «Гуноҳкор»лар хўжалик раҳбари Ўзбекистон халқ ноиби Абди Турдиев билан Бош муҳаррир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовлардир. Шу ерда уларнинг шогирди, э кечирасизлар шериги, асли кўкдалалик Қулман Очилни эслаб ўтмасак бўлмасов. Аслида, хўжалик билан мажалла ўртасида шартнома тузиш режаси шу йигитнинг калласидан чиққан.

Шундай қилиб, айбдорларни аниқлаб олдик. Энди уларнинг қилган ишларини қоғозга туширсак. Қаршилар, бетарафлар йўқ. Демак, бир овоздан, ҳамма биз томонда. (Шунақаси ёмон-да).

Гапни хўжалик раҳбаридан бошлаймиз. Абди ака жуда оддий одам. Ҳар қандай киши билан тил топишиб, гаплашиб кетаверади. Сен катта, сен кичик, деб ўтирмайди. Бир ишга тушиб кетса, тўхтатиб бўлмайди. У кишининг қабул куни йўқ, йигирма тўрт соатлаб одамлар орасида бўлади.

Абди ака хўжаликка раҳбар бўлган йили экилган мевалар ҳозир ҳосил беряпти.

«Бекламиш» каналининг суви Кўкдалага келди.

Эрта-индин ҳар бир хонадонда зангори олов ёнса, ажаб эмас.

Илгари хўжалик қарз эди, энди чўнтагида милёнлаб пул бор.

Абди аканинг битта жиҳатини алоҳида эсда тутишларингизни сўрайман. У киши кулгига жуда ўч. Бунинг устига ёлғиз ўзи эмас, кўпчилик билан биргаликда кулишни хуш кўради. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан «Муштум» билан шартномага катта қилиб имзо чекиб юбораверди. Бундан муштарийларнинг хабари бор, газитда эълон қилинган. «Кўкдала»ликлар кулишса, айб Абди акада, шу одамни ушлайверасизлар.

Энди навбат Неъмат акага. Бу ёзувчи машҳур ҳажвчи Саид Аҳмаднинг, ўзлари айтганларидек, шогирдларидан. Бир кунда ҳеч бўлмаганда битта одамни кулдирмаса, кўнгли жойига тушмайди. Шогирдлари бир талай. Биттасини биласизлар, отнинг қашқаси Қулман. Ҳали Сирожиддин, Муртазо, Азимбек, Абдураззоқ деганлари бор. Ҳозирча улар сал камтарлик қилиб туришибди. Бир кун албатта портлашади.

Китобларини ўқигансизлар, санаб ўтирмайман. Агар «Кўкдала»дан бирорта кулмайдиган одам тополмасаларингиз, шу ёзувчи акамизни ҳам мах-

кам ушлайверасизлар. Айбдор-да, шартномага имзо қўйганлардан.

Шартноманинг мазмунидан хабарингиз бор. Яна такрорлаб ўтирмасам ҳам бўлар. Келишилганга биноан, «Муштум» «Кўкдала»га бориб аҳли жамоани кулдириб, кўнглини олиши керак. Бундан ўн кун олдин шунақа воқеа содир бўлди. Ҳамза мукофоти совриндори ёзувчи Шароф Бошбеков, ёзувчи Аҳмаджон Мелибоев, шоир Азиз Абдураззоқ, «Табассум» радио журнали бош муҳаррири Тўлан Қўзибоев, ҳажвчи Муҳаммад Очил, «Қизиқчи-91» танлови ғолиби Худойберди Зиётов, ҳажвий роллар устаси Толибжон Ҳожиев, тақлидчи Ғофир Мирзабоев, бекободлик хонанда Ёқуббек Соҳибов (шериклари билан), афсунгар Раҳмонбек Исломов, қаршилик таниқли артист Омон Беганжиевларни (ҳамкасблари билан) Кўкдалага бориб, икки кун давомида латифа, ҳангомагўйлик қилишди. Қаҳқаҳа овози нақд Тошкентга келди-ёв, ўзиям. Шўх рақслар, ажойиб қўшиқлар ижро этилди. Эшитишимизча, ўша байрамнинг завқи ҳали ҳам тарқамабди. Хабарсиз қолганлар армонда эмиш. (Ажаб бўпти).

Бош муҳаррирнинг ана шу гуноҳлари учун хўжалик раҳбари унга тўн ва дўппи кийдириб, белини белбоғ билан боғлаб ташлади. Олти минг томошабиннинг ўртасида пешонасидан «чўлп» этгизиб ўпиб олдида, кўзидан ёш чиқиб:

— Кам бўлманг, — деди.

Кейин «Кўкдала» мукофоти совриндорларига мукофотларни топширди.

Ёзувчи Шароф Бошбековга қайрилма шох қўчқорнинг ипини тутқазишганда, Шароф ака унинг шохидан ушлаб бундай деди:

— Билмадим, мен буни Тошкентга олиб кета олармиканман, қўчқор Бошбековдан ҳам бебошга ўхшайди-ку.

Совлиқ қўй эгаси бўлган Қулман Очил бир йўла қўчқорга ҳам эга бўлиш ниятида (ҳаддидан ошди):

— Қани кўрамиз, бу совлиқ Шароф аканинг қўчқори ортидан эргашиб кетармикан ёки Кўкдалада қолармикан? —деди.

Серсоқол эчкига эга бўлган Азиз Абдураззоқ:

— Мен бу эчкига Тошкентда давлат тилини ўргатаман. Ахир шаҳарда итларни ўз тилига мослаштираётганлардан қаеримиз кам? — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бошқотирмачи Фозилжон Орипов даканг хўрозни бағрига босиб:

— Бу хўроз, Тошкентда қичкирганида Кўкдала тонгини эслатиб туради, — деди хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, бу йилги Кўкдаладаги Муштум кунлари ҳам завқли ўтди. Кўкдала аҳли меҳр кўзда эканлигини таъкидлашиб, Абди Турдиев билан Неъмат Аминовдан борди-келдини янада мустаҳкамлашларини илтимос қилиб қолишди.

Саҳифадаги суратлар муаллифи Жўра БОБОРАҲМАТ

СОДДАЛАР СЎЗЛАШГАНДА

Бир содда гўзал шаҳарлардан бирини томоша қилаётганида бир киши келиб «Ёқдими?» деб сўрабди.

— Ҳа, — дея жавоб берибди содда.

— Сотаман, — дебди ҳалиги киши.

— Қанчага?

— Уч мингга.

Бунга лаққа ишонган содда уч минг сўмни санаб берибди. Ҳалиги киши пулни олгач:

— Айтиб қўяй. Бир-икки нарсани олиб қолишим керак. Ҳозир нарвон олиб келай, — деб жуфтакни ростлабди.

Содда бир соат кутибди. Икки, беш... Хуллас кута-кута тоқати тоқ бўлиб қишлоғига қайтибди. У дўстига бўлиб ўтган воқеани айтибди. Дўсти бир оз ўйланиб:

— Ҳа, эҳтиёт бўлиш керак-да. Йўқса, шунақа алдаб кетаверади, — дея танбеҳ берган бўлибди.

Кунлар ўтиб содданинг дўсти ўша шаҳарни томоша қилиб юрганида ҳалиги кишига йўлиқибди.

— Ёқдими? — сўрабди ҳалиги киши.

— Ҳа, — бамайлихотир жавоб берибди дўсти.

— Сотаман.

— Қанчага?

— Уч мингга.

Содданинг дўсти ҳам уч минг сўмни ҳалиги кишининг қўлига тутқазибди.

— Айтиб қўяй, бир-икки нарсани олиб қолишим керак. Шунинг учун ҳозир нарвонни олиб келаман, — деб ҳалиги киши энди кетмоқчи бўлган экан содданинг дўсти шартта ёқасидан тутибди:

— Ҳо-о. Кимни алдайман деяпсан. Ҳозир ўзим олиб келаман, — деган экан.

Бир содда музлатгич харид қилиб, орқалаб келаётганда бир киши учраб:

— Қиш бўлса, унинг устига ҳавонинг совуқлиги қирқ даражадан ортиқ. Нима қиласан буни? — дебди.

— Шуни ҳам билмайсанми?! Ҳаво қирқ даражa совуқ деяпсан. Бу эса йигирма даража. Буни ишлатиб исинаман-да, — жавоб берибди содда.

Одилжон ЖЎРАЕВ

СОВУҚ

Ҳикоя қилишларича, бу воқеа ўттизинчи йилларда бўлиб ўтган экан. Қаҳратон қишда Қўқонга бориб қолган домла Собир Абдулла Яйпанда яшовчи жонажон дўстларининкига ташриф буюрадилар. Мезбоннинг меҳмонхонаси шоирни зиёрат қилиш учун тўпланган дўст-ёронлару қўни-қўшнилар билан тўлиб, гавжумлашади. Зиёфат устида аския авжига чиқиб турганида эшик очилиб, қовоғидан қор ёғиб турган индамас, тунд бир одам кириб келади-да, ҳамма билан омонатгина сўрашиб, пойгакроққа чўкади. У аскияни, ҳазилмутойибани унчалик ёқтирмайдиган совуқ одам бўлиб, лақаби ҳам «Совуқ» экан. Табийки, бунақанги одамнинг олдида кулгилик гапни ўйлашиб айтилади. Буни яхши билган меҳмонхона аҳли жим бўлиб қолибди, суҳбат совибди. Бир-икки дақиқалик сукунатни Собир ака бузибдилар:

— Ҳали эшик очилиши билан бир совуқ кирдики...

Домла шундоқ дейишлари билан шарақлаб кулгу кўтарилибди. Бу гал гап таъсир қилибдими, ҳар ҳолда «Совуқ» ҳам ҳаммага қўшилиб кулибди. Шундан кейин аския яна келган жойидан давом этаверибди.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ЖЎРА-КУ

Дилором, Дилором,
Жонимга бергин ором.
Дилором, Дилором,
Дилимга бергин ором.

Қўшиқдан

Тинглаб роса қийналдим,
Топмай учин калава.
Дедим ўзим ўзимга:
Ишламайди голова.
Бунда чуқур маъно бор,
Ҳис қилганлар етади.
Баъзи шоир шунақа,
Мураккаб шеър битади.
Тинглаб яна демангиз:
«Пишмай қолган ғўра-ку!»
Хонанда-ла шоиримиз
Жуда қалин жўра-ку.

А. САМАРҚАНДИЙ

Кўкдала"да — „МУШТУМ" КУНЛАРИ

«МИНГ БИР КЕЧА» ВА «МИНГ БИР»ЛАР

Ҳамма бало Шаҳризоданинг эртакларидан бошланди. Уша соҳибжамол (ўз чўпчакларини чўзиб ўтирмай, шаҳаншоҳни бошқача тарзда йўлга солганида, «Минг бир кеча» деган эртаклар ҳам бўлмасди, кўп ғалваларга ўрин қолмасди. Мана энди, бир эртакнинг номи етти иқлимга талаш Улжас Сулаймоннинг «Минг бир сўз»ига чидаса бўлади. У ҳар ҳолда, бу номни биринчилардан бўлмаса-да, иккинчи бўлиб қўллади. Бироқ...

Ўзбек адабиётига, адибу шоирларга нима бўлди? Ном топилмай қолдими ё сўз омборига ўт тушдими, нима бало? Бир қарасанг «Минг бир масал», чап ёнга ўгирилсанг «Минг бир ёғду», ўнгга қайрилсанг «Минг бир ёғду», тўғрига йўл солсанг «Минг бир қиёфа», яна «Минг бир бирикма» ҳамда «Минг бир топишмоқ» деган китоблар чиқармиш... Хуллас, «Минг бир»лардан бир ўрмон бунёд бўлмоқдаки, бунинг сири не, синоати не билмоқ анча мушкулга ўхшайди. Замон равишига қараб «Минг бир рўзнома», «Минг бир журнал» деган нашрлар чиқарилса бўларкан. Нонинг тақчиллигини билиб эдик, лекин номнинг танқислиги... Ишқилиб худо ўзи бахайр айласин. Адабиётда ҳам бир асабийлик ҳукм сурмоқда, ёзғувчи, шуарога ҳам қийин. Тушунамиз. Энди «Минг бир»ларни тақиқлайдиган битта «Минг биринчи фармон»ми ё буйруқми чиқарилса бўлармиди? Лекин буйруқ ҳам кўп, сон-саноғига етиб бўлмайди. Биз ҳам балки минг биринчи киши бўлиб бу ҳақда оғиз жуфтлаётгандирмиз. Яна ким билсин?..

УТИНЧИ

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

БИЛДИРИШЛАР

Қовун-тарвуз пишиғи муносабати билан «Кўклам» ҳожатхонасига кириш нархи икки баробар оширилади.

МАЪМУРИЯТ

x x x

Февралнинг 30-кунида ўғрилар уюшмасининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Халқ милисасидан ўзларининг дастур ва низом лойиҳаларини таклиф этишлари сўралади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

x x x

Алишер Навоий номидаги клубда «Маленькая Вера», Амир Темур номидаги клубда эса «Тундаги тўлқоқ» фильмлари намойиш этилади.

ФИЛЬМЛАР БОШҚАРМАСИ

ШБМШ

Шум боланинг „Маслаҳат" шўрқати

Эҳ, биз соддалар, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтсалар керак-да. Оёғимизгача ақл, тирноғимизгача талант, истеъдод экану устига чим босиб ҳидини чиқармай ётаверишиз-а. Қайта қуриш, бозор муносабатлари бўлмаса бормн, ҳалигача бир-биримизни билмай, кимлигимизни танимай турткишибсуртишиб юраверардик. Мана, қаранг, қандай яхши. Ҳар уч кишининг биттаси, коператир, биттаси тижоратчи, яна биттаси экстрасенс. Фолбину башоратчиларнинг кўпайганини айтмайсизми. Энг сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозир ҳар битта беморга уч яримта экстрасенс, тўртта фолбин тўғри келади. Баъзан ким экстрасенсу ким экстремистлигини адаштирворсангиз, ишонмаслигингизни айтмаса — олам гулистон.

Баъзи қитмирлар «бозор шароитида ҳаммаёқни ишсизлар босиб кетади», деб бизни роса лақиллатишган экан. Ишсиз босиб бўпти. Қаёққа қараманг, қўшма корхона, кичик корхона, тижорат дўкон, хайрия фонд. Қўли бўш одам бир нима очиб, бир нима тузиб ётибди. Уватга селитра сепиб тинчгина тирикчилик ўтказиб юрган деҳқонлар ҳам бу ҳаракатдан четда қолмадилар. Улар «партиям омон бўлса, ранг-рўйим омон бўлмас» дейишди-да ўз фирқаларини тузишди. Аваллари фахрий қоровуллар бўларди, энди бўлса фахрий ранслар. Бунақа кетишда ишсиз одам қоладими?

Бозор иқтисодининг ҳам ўзига яраша паст-баланди, эгар-жабдуғи бўлар экан. Бугунги кунда «Нима қилмоқ керак?», деган машҳур савол янада маъруф янграмоқда ва биз унга ҳайбатли жомадонлар орасидан «Истанбул сафарига отланмоқ керак», деб жавоб қайтармоқдамиз.

Хўш, ҳурматли чойхўрлар, биз нима қилишимиз керак? Бир четда «кўпга келган тўй экан, начора, бўёғига энди ҳар ким ўзига хон, ўзига ҳоким, бутун ҳокимият ҳокимларга..!», деб ўтираверамизми ё биз ҳам эл қатори бир нима тузамизми?

Бу долзарб саволни узунасига қўйдигу узоқ мулоҳаза юритдик. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидай, маслаҳат солмаган кишимиз қолмади. Партия тузайлик десак, тираж масаласи шундоқ ҳам муаммо бўлиб турибди. Қўшма корхона очайлик десак, мемуари қайтган битта номард эрта-индин қўшмачиликда айблаши ҳеч гап эмас. Ўйлаб-ўйлаб охири чойхонамизда «Маслаҳат» ширкатини очишга қарор қилдик. Ширкат бугунги ошди-ошди, торт-торт, чўзчўз замонлари ниҳоясига етгунча миллати, ирқи, жинси, насл-насаби, фирқага муносабати ва оилавий аҳволидан қатъий назар — ҳамма ҳаммага текин маслаҳатлар бериб боради. Хизмат ҳақига ҳатто купон сўраган номард.

Кенқолинг текинига.

Биринчи маслаҳат

Ҳозир энг катта хавф — бу норасмийларнинг рухсат этилмаган митинглари. Митинг бошландими, тамом, шаҳар ҳаёти издан чиқди дениверинг. Бизнингча, яқин кунлар ичида норасмийлар эмас, расмийлар, яъни шаҳар ошхоналарининг фаррошлари, идиш-товоқ ювувчилар жомга чўмични уриб, намойишга чиқишса ажаб эмас. Уларга маслаҳат—шундай деб қичқиринг: «Турғунлик йиллари чайнашга эринмай шундоққина қолдириладиган бўлиқ суяклар, қоқилмаган ниликлар, қўл урилмаган «второй»лар қани? Челак-челак дам емаган паловхонтўралар, лағмондан чиқадиган калла гўштлари, асил лўнжлар, суяксавоқ, ичак-чавоқлар, сомсаларнинг қулоқлари, хомсўз мантилар, қовурилган жўжаларнинг бежирим бўйинлари қаерга кетди? Хонадонда ҳайвон тугул мушук ҳам асролмай қолдик-ку! Идишлари ялаб кетаётган пасткаш хўранданинг дастидан дод! Ҳукумат қаёққа қараяпти ўзи?»

Иккинчи маслаҳат

«Посудомойкачи»лар намойишига кундалик эҳтиёж буюмлари фабрикасининг тиш чўтка цехи ишчи-хизматчилари қўшилиб кетишлари ҳеч гап эмас. Аммо шуни унутмайлинки, намойишни намойиш қиладиган бу — шиор, «лозунка». «Лозункасиз» намойиш нимаю кўкйўталга йўлиққан ҳофизнинг хиргойиси нима — фарқи йўқ. Бас, шундай, экан, намойишчилар қўлида ранг-баранг шиорлар, чақириқлар, охири «қачонгача» деб тугайдиган ҳайқириқлар бўлиши шарт. Эски «Яшасин...»лар билан иш битмайди.

Бизнингча, чўткачиларнинг шиорлари мана бундай бўлиши керак: «Тишга босадиган нарсанинг ўзи бўлмагандан кейин чўтканинг нима кераги бор», деювчилар жазога тортилсин», «Магазинда, трамвайда ва айниқса метрода пул майдалатувчиларга бир боғлам-бир боғлам чўтка қўшиб бериш йўлга қўйилсин», «Биродарлар, тиш чўткаларидан унумли фойдаланайлик. Бир дона кийим чўтканинг пулига ўн дона тиш чўтка олишингиз мумкин».

Учинчи маслаҳат

Ҳурматли тиш дўхтирлари! Чўткачилар юришидан сўнг сизларда ҳам намойишга чиқиш истаги туғилса ажаб эмас. Буни биз яхши тушунамиз. Суяк ғажилмаса, кавагига бир нима кирмаса, кимнинг тиши оғрийдию ким сизларга мурожаат этади. Сизлар чўткачиларга ўчакишмай, яхшиси, ҳукуматдан фуқаролар маошини, турли хил нафақаларни кескин оширишни талаб қилинг, ичкилик арзонлашсин, денг. Маош кўтарилса, ичкилик мўл бўлса, одамлар дадиллашади. Дадил одам хасисланмай у-бу сотиб олади, дадил-дадил чайнайди. Демакки, тишига бир нима урилади. Қарабсизки, ишларингиз ҳа-ҳу демай яна юришиб кетади. Фақат соғ тишни касалидан фарқлай олсангиз бас.

Тўртинчи маслаҳат

Модалар ательеларининг қўли пул, йўғе, қўли гул усталари. Собиқ Қизил майдонда «Мижозлар дастидан дод» шиори остида намойиш қилмоқчи эканликларингизни эшитдик. Турғунлик йилларининг қозондай-қозондай салобатли қоринларию пўрим ануларига бичиб тикилган кийимларни қайта қуриш даврининг қилтириқ гавдаларига мослаб қайтадан тикиш осонми? Шаҳарда икки ярим миллион одам бор. Ҳар биттаси бир қопдан олиб келса, тикувчининг жони темирдан бўлганда ҳам чидамайди. Аҳли оломонга қараб қичқирадиган хитобларингиз тахминан мана будай бўлиши мумкин:

«Э, биродарлар, тўхтанглар! Яна қорин солмасликларингга ким кафолат бера олади? Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ дейдилар. Вақти-замони келиб, бу ошди-ошдилар ҳам тўхтар, пул санаш жонга тегар. Ана ўшанда, нима, кийим-бошларингизнинг орқа-олдига улама ямоқ соламизми? Ўйлаб иш қилинглар, мижоз биродарлар!..»

Бешинчи маслаҳат

Уй-рўзғор бекалари! Учирларга кўмилиб, купонларга чўмилиб юрибсизларми? Нима ҳам қилар эдик, бозор иқтисоди экан, худо хоҳласа ўтади-кетади. Ҳозирча мантиқозон, кабоб қўра, лагану шокосаларни ертўлага олиб тушиб қўйган маъқул. Бундан буёғига шилпилдоқни шиша бонканинг қопқоғига, шовлини увилдириқ идишига сузинг. Сарёғни ўрик данаги палласида тортсангиз, унча исроф бўлайди, чунки данакнинг иккинчи палласидан қопқоқ сифатида фойдаланишингиз мумкин.

«Сороковка» тахтага юзталик михни аста қоқиб қайта суғуриб олсангиз, ажойиб шакар ўлчагич пайдо бўлади. Фақат эҳтиёт бўлган маъқул, идиш ясайман деб, тахтани тешиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Пахта ёғи масаласига келайлик. Нархи ошгани билан бирон жойда очиқ сотилаётгани йўқ. Одамлар ёғсираб не-не ўчирларни минди-миндига айлантиришмоқда. Шаҳар маъмурлари олдига масала қўйинг: ёғ аҳолига водопровод жўмраклари орқали тарқатилсин. Пақирни сувга тўлдириб бир зум тиндирсангиз, мой деганингиз тепасига чиқади қўяди.

Бозор иқтисодининг бош шиори: «Тежа, тежа ва яна тежа. Яъни: озроқ е, камроқ е, бутунлай ема. Аста ва узоқ чайна, оғриниб ют. Меҳмонга айтилсанг, бир ўзинг сўппайиб борма, ўғил-қизларни, невара-чевараларни ҳам олиб бор. Меҳмон чақирсанг, таом ўртага қўйилгач, «Қани, меҳмонлар, олдик», дейиш билан баробар «Ўзимизникилар, олға!» дея шипшиб қўйишни ҳам унутма».

Ҳурматли уй бекалари, бизнинг бу маслаҳатларимизга амал қилсангиз, кам бўлмайсиз.

Ширкат котиби: АҲМАД ОҒА

ШУМ БОЛА ЁЛҒОНЧИЛАР МАМЛАКАТИДА

ЯНГИ МАҚОЛЛАР

Ёлғон гапир турфа хил
Бой бўлмасанг мен кафил.

Аҳмоқ ростдан ақлли ёлғон яхши.

Бахти кулган ёлғончининг
Янгаси олдидан чиқибди.

Ёлғончининг уйи йўқ —
Қайга борса бит-билдиқ.

Ёлғончига етмиш ҳунар оз.

Битта ёлғон фош бўлгунча
Қирқта ростнинг шўри қурир.

Қарға қарғанинг кўзин чўқимас
Ёлғончи ёлғончининг сўзини.

Ёлғон семирса, эгасини сузар.

Хотинингни алдама,
Алдадингми, уникини ҳам эшит.

Ёлғондан келса бойлик
Турмуш пока чиройлик.

Яхши қофия шеър бўлиши,
Уста ёлғончи эр бўлиши мумкин.

ХИРГОЙИЛАР

Алла болам, алла болам,
Аллаё алла.

Униб ўсай десанг, қўзим
Алдаё алда!

Ёлғон дегил, қўрқмагил,
Ёлғонни рост тутолмас.
Гоҳ ростин ер чувалчанг,
Ёлғонни аждар ютолмас.

Ёз ёмғири лой бўлмас,
Ростгўй асло бой бўлмас.
Замонамдан ўргилай —
Ёлғончи ҳеч вой бўлмас.

ТОПШИРИҚ: Гап қайси мамлакат устида бормоқда? Эски харитадан қидириб топинг.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва бимавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.35

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г-135 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12